

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**« ТАРИХ ФАНИДА ДАВЛАТЧИЛИК  
МАСАЛАЛАРИ: ҚАДИМГИ, ЎРТА АСРЛАР,  
ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР »  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2020**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** ЎзМУ, тарих фанлари номзоди, доц. А. Розаков

**Такризчилар:** тарих фанлари номзоди, доцент Д.Ж. Ураков  
тарих фанлари номзоди, доцент А.Г. Холлиев.

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3-сонли баённомаси)*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	13
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	42
V. ГЛОССАРИЙ .....	51
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	54

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Тарих” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур Жаҳон давлатчилигининг ҳозирги кунгача бўлган ривожланишининг асосий омиллари ва йўналишларини ёритишга қаратилган. Тақдим этилган курс тарихчи мутахассисларнинг назарий – услубий савиясини оширишда жаҳонда рўй бераётган тарихий жараёнларни чуқур ўрганишдаги асосий концептуал ёндашувлар билан танишишда катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, «Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр» фани ҳақидаги билимларни қарор топтириш мавжуд илмий адабиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш, фан бўйича тўпланган илғор тажрибалар, кадрлар буюртмачиларининг фикр, талаб ва таклифлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир «Тарих фанида



давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Хорижий мамлакатлар давлатчилигининг ривожланиш босқичлари тарихини ўрганиш муаммолари маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Европа, Америка қўшма штатлари давлатларнинг Хорижий мамлакатлар давлатчилигининг ривожланиш босқичлари тарихини ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, талабаларнинг мустақил таълимнинг ташкил қилиниши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Жаҳон университетларида ва республикамиздаги «Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” фанининг ютуқлари билан танишишади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

«Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” модулини ўқитишдан мақсад: олий ўқув юртларидаги Хорижий мамлакатлар давлатчилигининг ривожланиш тарихи бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали Хорижий мамлакатлар давлатчилигининг ривожланиш босқичлари тарихи йўналишидаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, Хорижий мамлакатлар давлатчилигининг ривожланиш босқичлари тарихини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, Хорижий мамлакатлар давлатчилигининг ривожланиш босқичлари тарихи соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Республика олийгоҳларида “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” тарихи таълими структурасини мувофиқлаштириш;
- Республика олийгоҳларида «Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” тарихи таълимининг моҳиятини мукамаллаштириш;
- Тарих аниқловчиси ва тарихий тадқиқ усуллари энг қадимги даврдан ҳозирги кунларгача бўлган жараёни ва жамиятнинг ривожланишига кўшган ҳиссаси ва аҳамиятини тингловчиларга етказиш;
- Республика олийгоҳларида «Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” тарихини ўқитиш методикасининг асосий муаммолари, таълим-тарбия жараёнини замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- Классик ва ҳозирги замон тарих маъносига тарихий онг ва тарихга тарихий онгнинг икки томонлигига чуқур ёндошилиб тадқиқ қилиш;
- Республика олийгоҳларида жаҳон цивилизациялари тарихи бўйича маъруза, амалий ва мустақил ишлари дарсларини ташкил этиш жараёнида замонавий таълим ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- жаҳон етакчи университетларининг ўқув методлар;
- Хорижий давлатларида тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр тарихи фанлари бўйича дарсликлари, ўқув қўлланмалари структураси;
  - Жаҳонда ва Республикаимизнинг “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” тарихи фанининг ривожига ҳақида *билиш* керак;
  - “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” фанини ўқитиш бўйича янги замонавий технологияларни амалиётда қўллаш;
  - ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
  - тарихий жараёнларни тўғри англаш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;
    - инновацион фаолиятни ташкил этиш;
    - илғор тажрибалардан фойдаланиш;
    - ўз устида ишлаб, фанининг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;
  - педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.
  - “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” мукамал, ривожланиб бориш жараёнлари, тарих фанининг алоҳида фан мавқеига эга бўлиши;
  - Классик ва ҳозирги даврдаги тарих фанининг долзарб муаммолари, Европа Шарқ олимлари, тарихий назарияларини мукамал ўрганиши;
  - фан бўйича эгаллаган билимларини таҳлил қилиш; давлатчилик тарихи соҳасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган тарихий тажрибани илмий ва педагогик амалиётда самарали қўллаш *малакаларига* эга бўлиши;
  - креатив ёндашувда давлатчилик тарихини ўрганишга оид фанларни ўқитишда қўллай олиши;
  - “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” ривожланиб бориш жараёнлари ва долзарб муаммолари оид масалаларни тарих фанларини ўқитишда қўллана олиш *компетицияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” тарихининг ўрганиш муаммолари модулини ўқитиш давомида

модулни мазмунан бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштириш мақсадга мувофиқ.

Модулни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмуротлар билан таълимнинг замонавий методлари, таълим технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” тарихини ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратади.

### **Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” модули мазмуни ўқув режадаги мутахассислик фанлари “Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихи”, “Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари” ва “Халқаро муносабатлар тарихининг долзарб масалалари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулни олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” тарихини ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар бўйича тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Аудитория			
		Жами	жумладан		
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш омиллари ва назариялари.	6	2	4	
2.	Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув ва Ривожланган ўрта асрларда давлатчилик тараққиёти.	4	2	2	
3.	Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши.	4	2	2	

4	Ҳозирги замон давлатчилигининг асосий ютуқлари ва муаммолари.	6	2	4	
<b>Жами: 20</b>		<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙМАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш омиллари ва назариялари (2 соат).**

- 1.1. Қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш омиллари ва назариялари.
- 1.2. Қадимги Шарқда бошқарув тизимини ривожланиши.
- 1.3. Шаҳар-давлатларнинг ташкил топишининг асосий босқичлари.
- 1.4. Шарқ давлатчилигининг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.5. Қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитойда инсон ва ҳукумат.
- 1.6. Шарқ давлатларининг регионал фарқлари илмий таҳлилга эҳтиёжи.

### **2-Мавзу: Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув ва Ривожланган ўрта асрларда давлатчилик тараққиёти (2 соат).**

- 2.1. Франк давлати. Каролинглар давлатида феодал муносабатлар асосининг шаклланиши.
- 2.2. Византия империяси ва унинг давлат бошқарув соҳасидаги ўзига хос жиҳатлари.
- 2.3. Илк ўрта асрларда Хитой ва Ҳиндистонда давлат бошқарув шакллари.
- 2.4. Араб давлатининг пайдо бўлиши ва давлатчилик анъаналаридаги ўзгаришлар.
- 2.5. Ривожланган ўрта асрларда Европада давлатчилик ривожи.
- 2.6. Ривожланган ўрта асрларда Осиё мамлакатларида давлатчилик анъаналари.
- 2.7. Ўрта асрларда давлатчилик масаласи ва дин тушунчасининг уйғунлашуви ва Буюк географик кашфиётлар

### **3-Мавзу: Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши (2 соат).**

- 3.1. Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши.
- 3.2. Янги даврда Европа, Америка, Осиё ҳамда Африка мамлакатларда давлатчилик анъаналари.
- 3.2. Абсолют монархиянинг инқирози.
- 3.3. Деспотик давлатлар.
- 3.4. Миллий принциплар асосланган давлатнинг ташкил топиши.
- 3.5. Миллий давлатларнинг турлари.



#### **4-Мавзу: Ҳозирги замон давлатчилигининг асосий ютуқлари ва муаммолари (2 соат).**

- 4.1. Ҳозирги замон давлатчилигининг асосий ютуқлари ва муаммолари.
- 4.2. Глобаллашув даврида миллий давлатларнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 4.3. Ўзбекистоннинг давлатчилик анъаналари ва уни замонавий халқаро муносабатлар контекстаги ўрни.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** Қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш омиллари ва назариялари. *Шарқ давлатчилигининг ўзига хос хусусиятлари* (4 соат).

**2-амалий машғулот.** Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув ва Ривожланган ўрта асрларда давлатчилик тараққиёти (2 соат).

**3-амалий машғулот.** Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши. Миллий давлатларнинг турлари (2 соат).

**4-амалий машғулот.** Ҳозирги замон давлатчилигининг асосий ютуқлари ва муаммолари (4 соат).

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



### Хулосалаш (Резюме, Елпиғич) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш,

ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдирот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари қандай масалаларни ёритади?”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1 Мавзу. Қадимги давлатчиликни пайдо бўлиши омиллари ва назариялари

##### РЕЖА:

- 1.1. Қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш омиллари ва назариялари.
- 1.2. Қадимги Шарқда бошқарув тизимини ривожланиши.
- 1.3. Шаҳар-давлатларнинг ташкил топишининг асосий босқичлари.
- 1.4. Шарқ давлатчилигининг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.5. Қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитойда инсон ва ҳукумат.
- 1.6. Шарқ давлатларининг регионал фарқлари илмий таҳлилга эҳтиёжи.

**Таянч сўз ва иборалар:** Қадимги Шарқ, Қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, ном, давлат, фиравнлар, давлатчилик, сулола.

#### **1.1. Қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш омиллари ва назариялари.**

Мил. ав. XXII аср бошларида Юқори Мисрнинг маркази бўлган Гераклеополда 8–сулола билан бир вақтнинг ўзида Нил водийсининг ўрта қисмида янги 9-сулола ҳукмронлик қила бошлади. Гераклеопол мамлакат шимолида ҳосилдор текисликда жойлашган бўлиб, Нилнинг ғарби Фаюм воҳаси яқинида эди. Мил. ав. XXII асрда Гераклеопол подшолари бутун Миср устидан ўз назоратларини ўрнатдилар. Шу билан бирга Гераклеопол подшолари ўзларининг асосий иттифоқчиси бўлган Сиут шаҳри, Гермопол, Фиванинг ва бир неча номларнинг автономиясини йўқота олмадилар. Ҳукмрон сулола номларни тўла ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилди. Осиё кўчманчиларига қарши уруш олиб борди. Мил. ав. III минг йиллик охирида Мисрнинг хўжалик аҳволи мамлакатни бирлаштиришни талаб қилди. Суғориш тизими тушкунликка юз тутди, аҳоли очликдан қийналди. Асрнинг охирида Фива номининг ҳокимлари мамлакатни жанубини ўз ҳокимиятлари остида бирлаштириб, фиръавн унвонини (XXI сулола) олдилар ва шимол подшоларининг жиддий рақибига айландилар. Улардан бири Хети III (Мил. ав. XXI аср ўрталари) Фива билан ҳал қилувчи тўқнашувдан хавфсирайди ва



ўз ўғли Мериқарага насиҳатномасида, Фива билан яхши муносабатларни ўрнатишни маслаҳат беради.

## 1.2. Қадимги Шарқда бошқарув тизимини ривожланиши.

Қадимги Финикия цивилизатсияси Ўрта ер денгизининг шарқий соҳиллари бўйлаб вужудга келган эди. Финикия давлати шарқ томонда куруқлик ерлар билан деярли қирғоққа яқин бўлган Ливан тоғлари орқали ажралиб турган. Унинг ҳудуди қадимги Месопотамия, Миср, Форс давлати, қадимги Рим каби буюк давлатлар билан солиштирганда бор йўғи бир парча ердек кўринар эди. Лекин унинг номи Миср қирғоқларида Ситилия, Испания, Шимолий Африка, юнон портларида жаранглаб турарди. Финикия кемалари бутун Ўрта ер денгизида ҳукмронлик қилган. Финикияликлар бутун дунёда ҳозирги ёзув тизими учун асос бўлган алифбо, юқори сифатли денгиз кемалари ва кўплаб бошқа ихтиролари билан машҳур бўлган.

Финикия давлатининг дастлабки аҳолиси ким бўлганлиги бизга номаълум. Бироқ, уларнинг тўғридан-тўғри аجدодлари бу ерда мил. авв. III-мингйилликдаёқ яшаганлар. Тўғри финикияликлар ўзларини бундай номламаганлар, аксинча ўзларини “бирор-бир шаҳар аҳолиси”: сидонликлар, тирликлар деб ҳисоблаганлар. Улар Жанубий Сурия ва Фаластин атрофини эгаллаган ерлар аҳолиси билан бирга “ханаанейлар”, яъни Ханаан мамлақати аҳолиси номини олганлар ва замонавий араблар, қадимги аккад, оссурияликлар, мисрликлар тилига қариндош бўлган соий тилида сўзлашганлар.

Геродот ва бошқа қадимги юнон тарихчилари финикияликларнинг келиб чиқиши ҳақида кўп ёзганлар. Улар финикияликларнинг дастлабки ватани Форс кўрфазидаги орол деб, айтганлар. Замонавий тадқиқотчилар ҳам ханааней ва қадимги араб тиллари ўртасидаги катта ўхшашликни қайд этадилар. Улар тахминан мил. авв. IV-мингйилликнинг охирида ажралганлар. Бу фараз Ўрта ер денгизининг соҳилида ушбу сивилизатсия пайдо бўлишига оид бўлган археологик топилмаларга мос тушади. Финикия шаҳарларида энг қадимги аҳоли қатламларининг пайдо бўлиши тахминан мил. 3000-йил билан белгиланади. Шу даврдан шаҳар сивилизатсияси тарихи бошланади.

Мамлакат табиати фаровон ҳаёт учун барча имкониятларни берган эди. Ерлар кам бўлган, лекин томорқа бўлган жойлар жуда ҳосилдор эди. Нам денгиз шамоллари ёмғирларни олиб келган ва сунбий суғоришга эҳтиёж бўлмаган. Жуда қадимдан бошлаб маҳаллий аҳоли зайтун, хурмо, узум етиштирган, чорвачиликда мол ва қўй боқиш билан шуғулланган. Археологлар мил. авв. X-мингйиллика оид бўлган деҳқончилик изларини топганлар. Мил. авв. III-мингйиллик ўрталарида деҳқонлар ва балиқчилар манзилгоҳлари ўрнида шаҳарлар бунёд бўлади. Улардан энг йириқлари шимолда Угарит ва Арвад, марказда Библ, жанубда Тир ва Сидон бўлган.

Археологларнинг қазишмалари уларнинг ташқи кўринишини қайта тиклаш имконини беради. Шаҳарлар девор билан мустаҳкамланиб, уларнинг

марказида бир-бирига ёпишиб кетган пахса ва ғишт уйлар билан ўралган ибодатхона ва маҳаллий ҳукмдор қароргоҳи бўлган. Кичик мамлакатда ер энг қимматбаҳо бойлик бўлган. Шунинг учун шаҳарлар жуда зич қурилган. Ер етишмовчилиги айниқса Тир ва Арвадда қаттиқ сезилган. Бу икки шаҳар соҳилдан узоқ бўлмаган кичикроқ оролларда жойлашган эди.

Қазишмалар финикияликлар фойдаланган мебеллар ва уй-рўзгор буюмлари тўғрисида бир қанча тасаввурлар олишга имкон беради. Қабрлардан металлдан тайёрланган калта найзалар ва лойдан ясалган идишлар топилган. Финикияликлар асосан баланд бўлмаган стол-стуллар, курси ва ясси ложалардан фойдаланганлар. Хонадондаги фахрий жойни оиланинг асосий бойликлари сақланган катта ёғоч сандиқ эгаллаган. Бойроқ бўлганлар уни гилам билан, камбағаллар эса бўйра билан ёпганлар. Кўчаларнинг марказида махсус дренаж ариқлар қазилиб, улар шаҳарни тоза сақлашда муҳим аҳамият касб этган.

Ҳар бир шаҳар яқин теварак-атрофи билан кичик шаҳар бўлган. Улардан ҳеч қайси бири бутун мамлакатни ягона худудга бирлаштира олмайдилар. Асрлар мобайнида улар ўртасида доимий равишда кураш кечган. Мил. авв. III-мингйилликнинг ўрталарига келиб, шимолда Угарит, марказда бўлса Библи ҳукмронлик қилади. Мил. авв. XV асрнинг биринчи ярмида етакчилик мил. авв. IV-мингйилликда вужудга келган Сидонга (Ливандаги замонавий Сайда шаҳри) ўтади.

Финикия шаҳар-давлатларининг тузилиши ва ҳаётини ўрганишда мил. авв. III-мингйилликка оид 29 та миҳхат харфлари билан ёзилган улкан сопол тахтачалардан иборат архив катта ёрдам беради. У археологлар томонидан Угаритдан топилган

Угарит жамияти - амалдорлар ва жангчилар кирадиган “подшо одамлари”, “Угарит ўғиллари” яъни, деҳқонлар ва хунармандлар – барча эркин фуқаролар ҳамда қуллардан иборат бўлган. Ҳужжатлардан жамоа солиқлари йиғилиши ва жамоа аъзоларини умумий давлат мажбуриятларига чақирилиши ҳақида билиш мумкин. Улардан энг муҳимлари ҳарбий, эшкак эшиш ва давлат ишларида меҳнат қилиш бўлиб, бу ишлардан бўйин товлаш ўлим билан жазоланган.

Давлат тепасида подшо турган, лекин унинг ҳокимияти кучсиз бўлган. Унинг ваколатлари шаҳар оқсоқоллари кенгаши томонидан чегараланган. Шаҳарларда мансабдор лавозимларга сайлов мулк сензи асосида ўтказилган. Бундай тартиб масалан, қадимги юнон файласуфи Аристотел томонидан тасвирланган Карфаген давлат тузилишида амал қилган.

Архив маълумотлари ва археологик топилмалар Финикия шаҳарларининг бойлиги ва уларнинг хунармандлари ва заргарларининг маҳоратидан дарак беради. Хўш, гуллаб-яшнашнинг асослари нимада эди?

Аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эҳтиёжларни қоплаган, лекин ер етишмаслиги сабабли у бойлик манбаи сифатида хизмат қилмаган. Асосий фойда савдо орқали бўлган. Бу қадимги давлатнинг савдо йўллари бутун Олд Осиёни қамраб олган эди. Карвонлар билан жанубда қадимги Миср ва Фаластингача, шимолда – Кичик Осиё ва икки дарё оралиғига қадар

борилган. Кемалар Нил делтаси, эгей денгизи ороллари ва сўнгра Ғарбга товарларни олиб борганлар.

Финикияликларнинг асосий товари ёғоч бўлиб, қадимги Мисрда унга эҳтиёж кучли бўлган. Шаҳарлар, биринчи навбатда Библи шаҳри Ливан тоғлари ёнбағирларида ўсадиган кедр, эман ва сарв ёғочлари билан савдо қилганлар. Дарахтлардан кема ва саркофаглар тайёрланиб, уларга Миср аъёнларининг мумиёлари солинган. Савдода юқори сифатли вино катта рол ўйнаган. Шунингдек, зайтун ёғи муҳим маҳсулот ҳисобланган.

Финикияликлар биринчи бўлиб моллюскаларнинг алоҳида туридан тўк қизил бўёқ ишлаб чиқаришни бошлаганлар. Ундан жун ва зиғир матоларни бўяганлар. Бу матолар дарров урфга киради ва бутун қўшни мамлакатларда унга нисбатан улкан талаб пайдо бўлади. Қадимги Финикия шаҳарларидаги археологик қазилмалар давомида бўёқ олингандан сўнг, унинг ўрнидан бўш чиғаноқлар топилган.

Жамиятда ишлаб чиқариш миқёси жуда юқори бўлган. Ўзининг матолари етишмаган ва арзон, бўялмаган жунларни Финикияга Суриянинг чорвачилик ҳудудларидан, Критдан, сўнгра бутун Олд Осиёдан олиб келтирилган. Қадимда Финикия ҳунармандларининг бронза ва кумушдан ишланган ажойиб буюмлари, шунингдек, машҳур Сидон ойнаси ҳам ташқи савдода юқори баҳоланган. Финикияликлар маҳаллий ишлаб чиқариш товарларидан ташқари Кичик Осиё, Кипр, Крит, Қадимги Юнонистондан олиб келинган буюмлар билан ҳам савдо қилишган. Уларнинг шаҳарлари эса йирик транзит савдо марказлари вазифасини ўтаган. Кичик Осиёдан кумуш ва қўрғошин, кейинроқ темир келтирилган. Улар Критдан бадий ҳунармандчилик буюмлари ва бошқа Ўртаер денгизи мамлакатлари маҳсулотларини олганлар. Ғарб билан савдо алоқаларнинг энг йирик маркази Угарит, у вайрон бўлганидан кейин эса Тир шаҳри бўлган..

Тирнинг («Сурру») энг қадимги ёзма манбаларда тилга олинishi — Амарна архивида учрайди. Миср Тир ҳукмдори Абимилку билан дипломатик ёзишмалар олиб борган. У Миср фиръавни эхнатонни ўз ҳукмдори деб эътироф этиб, вассал сифатида ўз ҳудудидаги вазият ҳақида ҳисобот беради ва уни рабису («генерал») деб номлайди. Бундан ташқари Абимилку эзилган ҳолда (тахтачалар орасида «Фираъвнга мадҳия» ҳам бор) Миср фиръавнидан Сидон ҳукмдори Зимредди ва аморийларга қарши курашда ёрдам сўрайди; уни оролда қуршаб олишган бўлиб, унда на сув, на ўтин бор эди. Анастаси И папирусиди (мил. авв. ХИИИ аср) Тир “сувларида балиқ кумдан кўп бўлган сувлар оқиб борадиган денгиздаги катта шаҳар” сифатида тилга олинади.

Энг қадимги манзилгоҳлар ҳақиқатдан ҳам оролда жойлашган бўлиб, материкда шаҳар атрофидаги қишлоқ ва қабристонлар бўлган. Оролда сув бўлмаган; Сув Рас-ел-Аиндан қирғоққа келтирилган, у ерда кемаларда шаҳарга олиб келинган (Телл-Машук ва Рас-ел-Аин ўртасидаги водопровод қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган); қамал пайтларида ёмғир сувларини катта идишларга тўплашга тўғри келган. Орол икки бандаргоҳга — шимолда Сидон ва жанубий-ғарбда Миср бандаргоҳларига эга бўлган; сўнггиси

хозирда кумлар билан қопланган бўлиб, оролнинг бир қисмини денгиз ювиб кетган.

Мил. авв. XVII асрда филистимликлар томонидан Сидон вайрон қилинганидан сўнг Финикия шаҳарлари ўртасида биринчи ўринга Тир шаҳри чиқиб олади. У савдода асосий рол ўйнай бошлайди. Ўрта ер денгизининг ғарбий ярмидаги деярли барча Финикия колониялари ([Кадис](#), [Утика](#), [Карфаген](#) ва кўплаб бошқалари) Тирнинг гегемониясини тан оладилар. Уларнинг Мелкарт худосини ўзлариники деб тан оладилар ва унинг ибодатхонасига ҳар кунлик ўлпон жўнатиб турадилар. Тирга қарши бош кўтаришга уринган Утика, шаҳарнинг ташкилотчиси ва безатувчиси ҳамда доно сиёсатчи сифатида машҳур бўлган [Хирам II](#) (мил. авв. [969—936 йй.](#)) томонидан бостирилади. Хирам 53 йил яшайди ва 34 йиллик подшоликдан сўнг вафот этади. У ташқи сиёсатда Сидондан кейин Тир гегемонлигини ўрнатади. Киттийлар (Кипр аҳолиси) билан жанг қилади ва Довуд давридан бошлаб Исроил-Яҳудий подшолиги билан иттифоқ тузади. Айнан Хирамнинг подшо Сулаймон билан дўстлиги сабаб, тирликлар яҳудийларга Сулаймон ибодатхонасини қуришда ёрдам беради.

Ундан кейин бошланган исёнлар тахтга Исроиллик Ахаванинг қайноғаси, Иезавелнинг акаси узурпатор [Иттобал II](#) келмагунча давом этади. Унинг даврида Оссурия подшоси [Ашшурнатсирапал II](#) ўзининг юришларида Ғарбда Нар-ел-Келбгача (мил. авв. [876 йй](#)) етиб боради. Тир ундан катта пул эвазига қутилиб қолади. Иттобал оссурияликлардан ҳимояланиш учун Ботрисга асос солади, сўнгра Исроил подшоси [Омри](#) билан иттифоқ тузади ва Ливия Авзуга колония жўнатади. Унинг невараси [Маттан II](#) даврида [Салманасар III](#) Тирдан совғалар олиб туради (мил. авв. 842 йй), кейинги ҳукмдор [Пигмалион](#) (антик тарихчилар унинг синглиси [Елисса](#), ёки [Дидон](#)ани Карфагеннинг асосчиси деб атайдилар) даврида Рамман-Нирарнинг (мил. авв. [804](#) ва [801 йй.](#)) юришлари бўлади, бу сафар ҳам ҳадялар билан қутулиб қолади. Оссурия подшоси [Тиглатпаласар I](#) га Тир 150 талант тўлайди. Бу ҳақда Тир подшолари [Хирам II](#) ва Маттон II ларнинг ([738](#) ва [734 йй.](#)) анналарида эслатиб ўтилган. Улардан сўнг Тир ҳукмдори ажралиб чиққан киттийларни бўйсундирган.

Оссурия подшоси [Саргон I](#) Тирни бўйсундиргани билан мақтанади. Лекин Синаххериб Нубия-Миср фиръавни [Тахарка](#) ва Яҳудия подшоси эзекий ўртасидаги иттифоққа суқилиб кирган элулайни бўйсундиришни уддалай олмади. Фақатгина Синаххериб томонидан мил. авв. 701 йилда оссурияликлар Тир шаҳрининг материк қисмини эгаллаганида элулай қочиб кетади, тез орада у ушланади ва қатл қилинади. [Ассархаддон](#) даврида Тир подшоси Ваал II дастлаб Оссурияга бўйсунди ва унга Сидонни эгаллашида ёрдам беради. Мил. авв. 675 йилда Тир бошқарув ишларида муҳим қарорларни Оссурия кузатувчи-резиденти ва оқсоқоллар кенгашисиз қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бироқ кейинчалик Ваал Мисрга қўшилиб олади. У қамал қилинади, лекин Ассархаддоннинг Сенджирлик барелефида Тахарка билан подшонинг оёқлари остида арқонда боғланган ҳолда тасвирланганига қарамай (Берлин музейи) афтидан бўйсундирилмаган.

Лекин [Ашшурбанипал](#) даврида Ваал II оссурияликларга итоат этиб, қизи ва ўғлини гаров сифатида беришига тўғри келади.

Доимий қамаллар ва урушлар шаҳарни заифлаштиради. Тахминан мил. авв. IX асрда қуллар бундан фойдаланиб қўзғолон кўтаради ва зодагонлар тажовуз қурбонига айланадилар. Бу қўзғолон ҳақидаги антик анъаналарда (Юстин) сақланиб қолган кам сонли маълумотларга кўра қуллар қўзғолони ҳукмрон табақанинг эркак вакиллари тўлиқ йўқ қилинишига, аёллар ва болаларни эса қўзғолончилар ўртасида тақсимлаб олинишига олиб келади; подшо сифатида Абдастарт (юнонча Стратон) танланади.

### **1.3. Шаҳар-давлатларнинг ташкил топишининг асосий босқичлари.**

Месопотамия (қадимда юнонча - “Икки дарё оралиғи”) Форс қўлтиғи, Арабистон, Сурия, Арманистон Таври ва шарқда Загрос тоғлари билан чегараланган. Иқлими суғорма деҳқончиликка қулай ҳисобланади. Шу билан бир қаторда боғдорчилик ҳам кенг тарқалган ҳудуддир.

Мил. ав. XI-VIII минг йилликларда Дажла ва Фрот дарёларининг водийларига қўшни тоғли ҳудудларда термачилик, ҳайвонлар ва ўсимликларни илк маданийлаштириш жараёни боради. Илк пахса бинолар пайдо бўлади. Бу даврда Зави-Чеми-Шанидар, Мифат зироатчилик манзилгоҳлари пайдо бўлган эди.

Мил. авв. VI минг йиллик ўрталарида Шимолий Месопотамияда Хассун маданияти ривожланади. мил. ав. IV минг йиллик охири-III минг йиллик бошларида Жамдат-Наср маданияти даврида тошдан ташқари мис ва бронза меҳнат қуроллари ишлатила бошланди.

Мил. ав. III минг йилликда Месопотамия жанубида шумерлар, Дажла ва Фрот (қадимда “Урутту” - мис дарё) дарёларининг ўрта оқимида аккадлар, шимолда хурритлар тараққиётда илдам қадам ташладилар. Шимолда йирик шаҳар марказлари Ашшур, Мари, Ниневия ва бошқа шаҳарлар пайдо бўлди. Мил. ав. III минг йилликнинг биринчи ярмида Месопотамия жанубида қатор шаҳар-давлатлар: Эреду, Ур, Ларса, Урук, Киш, Ниппур, Адаб ва бошқалар пайдо бўлади. Ҳунармандчилик юқори даражада ривожланади. Металлургия саноати биринчи ўринга чиқиб олади. Металл қуйиш, кавшарлаш, пайвандлаш усуллари ўзлаштирилади. Савдо ҳунармандчиликдан ажралиб чиқади. Жамоада махсус савдогарлар-тамкарлар фақат товар айирбошлаш билан шуғуллана бошлайдилар. Ерни сотиш ва сотиб олиш бошланади. Қулчилик муносабатлари ривожланади. Урушлар қулчиликнинг асосий манбаи бўлган. Қуллар “бегона мамлакат эркаги (аёли)” деган идеограммалар мавжуд бўлган. Қуллар хўжаликнинг турли соҳаларида ишлатилган. Улардан асосан қўл меҳнати уй хўжалигида кенг фойдаланилган.

Шумер жамиятида қуллардан ташқари, ўз ери бўлмаган ёки еридан ажралганлар, бошқа жамоалардан келганлар, камбағал оиланинг кичик аъзоси, ибодатхонага бағишланган қарам кишилар кўп бўлган. Бундай қарам кишилар ибодатхона ва хусусий хўжаликларда қуллар қаторида меҳнат қилганлар. Илк сулола даврида Шумер жамиятининг ҳукмрон қатламини қулдорлар ташкил қилган. Бу қатламга уруғ зодагонлари, олий коҳинлар,



маъмурият вакиллари бўлган амалдорлар кирган. Майда ишлаб чиқарувчилар қатламини кичик ер улушига эга бўлган ҳудудий ва катта оилаларга бирлашган оддий жамоачилар ташкил қилган. Шумер жамиятида ер эгалиги икки қисмдан: жамоа ва ибодатхона ерларидан иборат бўлган.

Шаҳар ҳаётида марказий ўринни ибодатхона эгаллаган. Илк ҳокимлар “энси” (коҳин–қурувчи) коҳинлардан бўлган. Ибодатхоналар худо мулки ҳисобланган ерларга эгалик қилганлар. Бу ерлар бўлинмаган ва коҳинлар ихтиёрида бўлган. Ибодатхонанинг бир қисм ерлари қарам кишилар томонидан ишлов берилган, бир қисми эса, бўлақларга бўлиниб, ижарага берилган ёки ибодатхона хизматчиларига, шунингдек, ибодатхонага хизмат кўрсатадиган савдогар-хунармандларга хизматлари учун фойдаланишга берилган. Ибодатхонанинг ўз ҳарбий қисми бўлиб, уларнинг таъминоти ҳам ибодатхона зиммасида бўлган. Ибодатхонанинг катта миқдордаги моддий маблағлари узоқ давом этадиган диний байрамларни ташкил қилишга (бу байрамга шаҳарнинг барча аҳолиси қатнашган), бошқа қўшни шаҳар-давлатлар билан маҳсулот айирбошлашга сарфланган. Бир қисм маҳсулот захира сифатида фавқулодда вазиятлар учун сақланган. Ибодатхона ер-мулки, унинг қирим-чиқимлари қатъий ҳисоб-китоб қилиб борилган.

Илк сулола даври (мил. ав. XXVIII-XXVII асрлар)да шаҳар-давлат тепасида «Эн» (жаноб) – олий коҳин турган. Эҳтимол, у сайлаб қўйилган. «Эн»нинг вазифаси коҳинлик, ибодатхона маъмуриятини бошқариш, ибодатхона, шаҳар қурилиши, суғориш иншоотларини барпо қилиш ва шунингдек, жамоа мулки ҳамда унинг иқтисодиётини бошқариш бўлган. Мил. ав. III минг йиллик ўрталарида “Эн” унвони ўрнига “Энси” (“коҳин-қурувчи” шаҳар бошқарувчиси) ва “Лугал” (“улуғ одам”, “подшо”, аккадча “шарру”) пайдо бўлади.

«Энси»нинг вазифаси суғориш иншоотлари ва ибодатхоналар қуришга раҳбарлик қилиш бўлган. Шу сабабли, у деворий тасвирларда кўпинча бошида қандайдир қурилиш материаллари билан тўлдирилган сават кўтарган тарзда тасвирланган. Жамоа ва ибодатхонани бошқариш, солиқлар тўплаш билан шуғулланган, баъзида ибодатхона ҳарбий қисмини ҳам бошқарган. «Энси» вазифаси сайланадиган бўлиб, шу сабабли, унинг ҳукмронлиги «навбат» деб аталган.

«Лугал» функцияси «Энси»дан обрўлироқ ва мавқеи каттароқ бўлиб, йирик шаҳар, баъзида шаҳарлар бирлашмаси ҳукмдорига нисбатан айтилган. Илк сулола даврида оқсоқоллар кенгаши ва йиғини ҳокимни сайлаган ёки мансабидан туширган. Унинг фаолияти устидан назорат қилган. Жамоа аъзолигига қабул қилган. Ҳукмдор олдида маслаҳат органи бўлган.

Месопотамиянинг илк тарихи одатда иккига бўлиб ўрганилган яъни, сув босишдан (буюк тўфон) олдинги давр ва тўфондан кейинги давр. Афсоналаридан бири подшо Энмебарагеси бўлган.

Мулкий табақаланишнинг кучайиши натижасида халқ йиғинининг мавқеи туша бошлайди. Ҳукмдорнинг иқтисодий-сиёсий мавқеи ўсиб боради. Унинг асосий таянчи қўшин бўлган. Бу қўшин яхши қуроллантирилган 5-6 минг кишини ташкил қилган.

## Шумер шаҳар давлатлари

Илк Шумер шаҳар-давлатлари худуди кичик бўлиб, одатда у кичик шаҳар ва яқин атрофдаги қишлоқ хўжалик округидан иборат бўлган. Энг қадимги Шумер шаҳри Эреду ҳисобланган. У билан бирга қадимги хужжатларда шимолдаги Сиппар, жанубдаги Шуруппак тилга олинади. Мил. ав. 3600 йилларда Шумерда мулкӣ табақаланиш ўсиб, подшо унвони меросий бўла бошлади.

Мил. ав. III минг йиллик бошларида Шумер кичикроқ, лекин аҳоли зич жойлашган худуд бўлган. Юқори даражада ҳосил берадиган суғорма деҳқончилик кўп сонли аҳолини таъминлаши мумкин эди. Унинг асосий марказлари бўлган Ур, Урук, Ларса, Киш, Лагаш ва Умма шаҳарлари бири-бирдан бир неча км узоқликда жойлашган эди.

Шумер шаҳар-давлатлари. мил. ав. III минг йиллик бошларидан шумерлар жезни ўзлаштира бошладилар. Археологлар, шу даврдан Илк сулола даврини (мил. ав. 3000-2300-йиллар атрофи) белгилайдилар. Шумер анъанасига кўра, мамлакат тарихи қайсидир “тўфон”гача ва “тўфондан” кейинги даврга бўлинади. Ҳақиқатдан ҳам, мил. ав. 2900-йиллар атрофида “тўфон” юз бергани Куйи Месопотамияда олиб борилган археологик казишмалар орқали ўз исботини топди.

Бир-бирига яқин жойлашган икки-уч шаҳар кичик бир давлатни ташкил қилиши мумкин эди. Шумер тарихини у ёки бу марказнинг сиёсий етакчилигига қараб, мил. ав. III минг йилликнинг биринчи ярми (Илк сулола даври)ни уч босқичга бўлиш қабул қилинган.

Бу даврда Киш шаҳри юксалиб, I Киш сулоласи ҳукмронлик қилган. Унинг ҳокимлари орасида Шумер афсоналари қаҳрамонларидан бири этана кўзга ташланади. Кишнинг қудрати жуда узоқ вақт хотирада қолиб, кейинчалик, кўп ҳокимлар «Киш лугали» унвонга эга бўлишга ҳаракат қилганлар. Бу унвоннинг эгаси лугал - “етакчи” бўлган. Кишнинг ҳокимларидан бири этана (мил. ав. XXVIII аср) тўғрисида эпик ривоят шаклланиб, ривоятда у илоҳий бургутда ўзи учун “туғилиш майсаси”га эга бўлиш ва ворис меросхўр олиш учун осмонга худолар олдига кўтарилади деб ҳикоя қилинади (Илк сулоланинг I босқичи).

Кишнинг заифлашуви Урукнинг юксалиши билан бошланган. Мил. ав. 2600-йиллар атрофида Киш шаҳрининг лугали Агги (ёки Агга) Урук шаҳрининг эни Гилгамеш томонидан мағлуб этилади. Гилгамеш бутун Шумерни бирлаштиради. Ривоятларга кўра, у худонинг ўғли бўлиб, ўлимидан сўнг, худо сифатида улуғланган (Илк сулоланинг II босқичи).

Мил. ав. 2500 йили Киш подшоси унвони улуғландиган бўлди. Шундан сўнг ҳар бир ҳукмдор Шумер устидан назоратни ўрнатиш учун Киш лугали бўлиши керак эди.

Илк сулола даврининг учинчи босқичида Ур шаҳри Жанубий Месопотамияда етакчилик қила бошлайди. Ур шаҳрида подшо ҳокимияти кучаяди. Ҳукмдорлар учун ҳашаматли сағаналар қурила бошлайди. Вақт ўтиши билан зиддиятлар кучайиши натижасида Ур заифлашиб, қўшни Лагаш шаҳри кучайиб кетади.

Бу шаҳарнинг энг асосий душмани Умма эди. Кейинчалик Лагаш деярли барча Шумер шаҳарларини бўйсундириб, Элам устидан ғалаба қозонади. Мил. ав. XXIV асрда Лагашда энси ҳокимияти кучаяди ва у Лагаш бош худоси Нингирсу ибодатхонасининг бош қоҳини бўлади. Унинг ҳокимияти уруғчилик муносабатларининг емирилиши, савдо-хунармандчиликнинг ривожланиши натижасида шаҳар аҳолисининг турли табақалари томонидан қўллаб-қувватланади.

Ибодатхона хўжаликларига ҳам солиқ солинади. Ҳунарманд ва жамоачилардан турли мажбуриятларни ўташ талаб қилинади. Даромад солиғи кўпаяди. Лагашда ижтимоий зиддият кучаяди. Янги “энси” Урукагина ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш учун ислохот ўтказди. Олий қоҳинлар солиқлардан озод қилинади. Ибодатхоналарнинг қарам кишиларга натурал маҳсулот тўлови миқдори оширилиб, уларнинг ҳуқуқлари кафолатланади. Аҳолидан олинadиган солиқ-тўловлар бир қадар камайтиради ва айримларини бекор қилади. Солиқ йиғувчилар ва мансабдор шахслар сонини камайтиради. Урукагина “Лугал” унвонини қабул қилади. Аммо ички зиддиятлар Лагашни заифлаштиради. Лагашнинг ички қийинчиликларидан фойдаланган Умма шаҳри подшоси Лугалзагеси мил. ав. XXIV аср охирида Лагашни босиб олиб, бутун Шумерда чорак аср етакчи мавқега эга бўлади. Умма шаҳар-давлати ҳудуди Ўрта ер денгизидан Форс кўлтиғигача (шумерча “Юқори денгиздан то қуйи денгизгача”) чўзилиб кетади.

#### **Аккад давлатининг юксалиши**

Мил. ав. 2334 йил Саргон ўзини “Шаррум-кен” (Асл подшо) деб эълон қилди. Унга қадар оддий сув ташувчининг тутинган ўғли (асл отаси ҳақида маълумот йўқ), ўзи эса боғбонлик қилар эди. Сўнгра Киш лугали Ур-Забабанинг хизматкори (соқий - шароб қуювчи) бўлган. Лугалзагесси Кишни эгаллагач шимолроқда Аккади шаҳрига кетади ва кураш олиб боради. Дастлаб Саргон (мил. ав. 2316-2261 йиллар) ва унинг тўрт ўғли 150 йил давомида мамлакатни бошқарди. Тарихда биринчи марта Саргон 5400 аскардан иборат енгил қуролланган мунтазам қўшин тузди. У Шумер шимолидаги Аккад давлатига асос солди. Умма ҳокими Лугалзагисси Саргон билан узоқ уруш олиб борди. У кучли қўшин билан 34 жангдан сўнг, бутун Шумерни истило қилди. Киш лугали увонига ҳам сазовор бўлди. Саргон подшолиги даврида бутун Месопотамияни Аккад давлати қўл остига бирлаштирди. Бундан ташқари, у Кичик Осиё, Кипр, Сурия, Элам ва ҳатто узоқ Жанубий Эронгача ҳарбий юришлар қилди. Саргон давлати ҳудудига тенг келадиган бирор-бир давлат Ахамонийларгача бўлган бир ярим минг йил давомида бўлмади.

Саргон давлати Месопотамиядаги шаҳар-давлатлардан фарқ қилган ҳолда марказлашган давлат эди. Саргон ва унинг ворислари даврида мамлакатда иқтисодиёт, пул-товар муносабатлари, сунбий суғоришга асосланган деҳқончилик юксалди. Подшонинг мустабид ҳокимияти уруғ зодагонлари ва оқсоқоллар кенгашининг кучли қаршилигига учради. Подшо

уларнинг қаршилигини синдириш, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун хизматдаги зодагонлар, амалдорлар, қисман қоҳинларга таяниб иш кўрди. Баъзи шаҳарларнинг меросий «Жи» (ҳоким)лари ўрнига подшо ўз кишиларини тайинлади. Саргон ўзи ташкил этилган мунтазам кўшинга ғамхўрлик қилди. Кўшиндаги аскарларга ҳарбий хизмати учун ер улуши ажратиб берди. Кўшиннинг кўллаб-қувватлаши натижасида подшо («Шаррум»)нинг мутлақ ҳокимияти вужудга келди. Саргон ташкил қилган давлатда ҳокимият тўла унга тегишли бўлиб, кейин ўғил ва невараларига мерос бўлиб ўтиши керак эди.

Шумер шаҳар-давлатларининг ҳудуди Саргон давлатининг вилоятлари бўлиб қолди. Уларнинг тепасида турган энси ёки лугал подшо ноиблари ҳисобланар эди. Ибодатхона хўжалиги ва мулклари эса подшо давлат хўжалигининг бир қисми эди. Саргоннинг кўлида катта миқдорда иқтисодий куч тўпланиб, унинг ёрдамида ички исёнлар ва фаол ташқи сиёсат юритиш учун ҳарбий қисмларни сақлаб туриш мумкин бўлди.

Подшолар марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун меросий «енси»ларни ўз ўғиллари билан алмаштирдилар. Меросий ҳокимлар оддий амалдорлар даражасига туширилди. Подшо ички сиёсатда қоҳинларга суянди. Қоҳинларга кўплаб имтиёзлар берилди. Подшо ва унинг ўғиллари ибодатхона қоҳинлари лавозимини бажарганлар. Саргон даврида янги каналлар қурилди. Суғориш иншоотлари умумдавлат миқёсида ривожлантирилди. Ягона ўлчов ва оғирлик ўлчов birlikлари жорий қилинди. Аккад Ҳиндистон ва Шарқий Арабистон билан савдо алоқаларини ўрнатди. Саргон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида мамлакатда бошланган очлик катта ғалаёнларга олиб келди. Мил ав. 2279 йили вафот этади ва шу заҳоти сиёсий инқироз бошланади.

Подшо Саргон I нинг вориси Римуш (мил. ав. 2261-2252 й.) Шумер уруғ зодагонларининг марказий ҳокимиятга қарши кўтарган исёнларини шафқатсизлик билан бостирди. Исёнчи шаҳарларга қарши Римуш уч марта юриш қилади. Римуш исёнчи шаҳарлар Умма ва Дернинг 13 мингга яқин аҳолисини қириб ташлади. У ички сиёсатда қоҳинларга таянишга ҳаракат қилиб, уларга кўп ҳадялар қилди. Эламга бир-неча юришларни амалга оширди. Аммо Римуш ўз яқинларининг фитнаси (зодагонлар уни тош муҳрлар билан уриб ўлдирганлар) қурбони бўлди. Унинг укаси Маништусу қатор кўзғолонларни бостиришга мажбур бўлди. У Эламга икки марта бостириб кирди. Форс қўлтиғининг шарқий қирғоғи томон денгиз орқали юриш қилди. У подшо ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жамоа ерларини сотиб олиб, давлат ер захирасини кенгайтди. Подшо хўжалик тизимининг асосини қўйди. Ўн беш йиллик ҳукмронликдан сўнг, Маништушу ҳам янги сарой фитнаси натижасида ўлдирилди. Тахтга унинг ўғли, Саргоннинг набираси Нарам-Суен (мил. ав. 2236-2200 йиллар) ўтирди. Нарам-Суен ҳам подшо ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун исёнчи шаҳарлар, “енси”лар, уруғ зодагонларига қарши мунтазам кураш олиб боришга мажбур бўлди. Аккаднинг юксалишидан норози бўлган жанубдаги шаҳарлар кўзғолон кўтарди. Бу кўзғолонлар узоқ вақт давом этиб, зўрға бостирилди.

Наран-Суен даврида Аккаднинг юксалиши кузатилди. Месопотамия шаҳарлари тўла Саргон сулоласи ҳукми остига ўтгач, Нарам-Суен ўзини “Аккаднинг қудратли худоси” деб улуғлаб, ўзини рельефларда илоҳийлик рамзи бўлган шохли бош кийим билан тасвирлади. Аҳоли унга илоҳ сифатида сажда қилиши лозим эди. Уни яна “тўрт иқлим подшоси” ва ”Олам пошоси”, - деб улуғлашган.

Нарам-Суеннинг вориси Шаркалишарри (“Барча подшолар подшоси”, мил. ав. 2200-2176 йиллар) тахтга ўтирди. Аккад давлати охириги марта юксалади ва мамлакат чегаралари кенгайган. Унинг даврида Аккад давлатининг емирилиши бошланди. Истилочилик урушлари, ҳаддан ташқари кўп сарф-харажатлар, шаҳарларнинг ғалаёнлари мамлакат иқтисодиётини издан чиқарди.

Аккад подшолигининг қудратига Месопотамияга Загрос тоғларидан бостириб кирган тоғли қабилалардан бўлган қутийлар чек қўйди. Бошида Нарам-Суен уларни оғир жангларда енгиб, мамлакатдан ҳайдаб чиқарган эди ва ўзи шу урушда ҳалок бўлди. Аммо қутийлар Нарам-Суеннинг ворислари даврида Саргонийлар ҳокимиятининг заифлашганидан фойдаланиб, яна Месопотамияга бостириб кирдилар. Мамлакат қутийлар томонидан талон-тарож қилинди. Шумернинг маҳаллий ҳокимлари уларга хирож тўладилар. Лагаш ҳокимлари қутийлар ёрдамига таяниб, бошқа шаҳарлар устидан маълум даражада ҳукмронлик қилдилар. Жанубий Месопотамияда Лагашнинг зўравонлиги бошқа шаҳар-давлатларнинг норозилигига учради ва қутийлардан озод бўлиш вақтида қўшни шаҳар-давлатлар томонидан Лагаш шахри шафқатсиз бузиб ташланди.

Гутийлар даврида Лагаш ҳокими бўлган Гудеа (мил. ав. 2137-2117 йиллар) ўзининг ёзувлари ва ҳайкаллари билан маълум. Унинг даврида Нингирсу худоси ибодатхонаси атрофида ягона ибодатхона хўжалиги ташкил этилган эди. Гудеа бу худо учун олинадиган махсус солиқ жорий қилди ва қурилиш мажбуриятини киритди. Гудеа Ҳинд дарёси ҳавзаси вилоятлари билан савдо қилди ва Элам билан уруш олиб борди.

Гутийлар Месопотамияда юз йилга яқин ҳукмронлик қилганлар. Мил. ав. 2109 йил қутийлар Ур подшоси Утухенгал томонидан тор-мор қилинади ва III-Ур сулоласи ҳукмронлиги бошланади. Утухенгалнинг сафдоши Ур-Намму (мил. ав. 2106-2094 йиллар) ва унинг ўғли Шулги (мил. ав. 2093-2046 йиллар) ўз давлатларини мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладилар ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширдилар.

Ибодатхона-зиккуратлар ва подшо сағаналари қурилади. Подшо Шулги даврида Ур шаҳрида улкан зинапоясимон минорали ибодатхона “зиккурат” қурилган. Унинг сақланиб қолган биринчи қавати ҳажми 65-43 м, баландлиги 10 м эди. Ур шаҳрининг мудофаа девори бўлган. Ҳунармандчилик билан шуғулланадиган подшо устахоналари иши йўлга қўйилди. Ташқи савдо кенгайтирилди. Ўлчов бирликлари тартибга солинди.

Бузилган сунъий суғориш тизими тўлиқ қайта тикланиб, янги-янги канал ва тўғонлар қурилди. Катта ҳажмдаги чорвачилик, деҳқончилик хўжаликлари ташкил қилинди. Месопотамияда экин ерларининг катта қисми



ибодатхоналар ерлари давлат қарамоғига ўтказилиб, ерсиз ва кам ерли одамлар бу хўжаликда ишлатилар эди. Урнинг III сулоласи даврида асосий ер захираси подшоники ҳисобланган. Катта мамлакат хўжалиги Месопотамияни барча ибодатхона ерларини бирлаштириб, марказдан туриб бошқарилган.

Урнинг бой архивида барча ибодатхона ер-мулкларининг батафсил хатланган ҳужжатлари сақланиб қолган. Ибодатхона ерларига ишчи гуруҳлари меҳнат қилганлар. Уларнинг иш миқдори қатъий белгиланиб, шунга яраша маҳсулот улуши олганлар. Урдаги минглаб миҳхат ҳужжатлари энг майда хўжалик операциялари устидан қаттиқ назорат ўрнатилганидан гувоҳлик беради. Мисол учун, ўша даврда подшо ошхонаси учун ҳисобдан чиқарилган иккита кабутар тўғрисидаги масъул ходим ва назоратчилар муҳри босилган миҳхат ҳужжати маълум. Жамоа ерлари хусусий қўлларга ўта бошлайди. Подшо жамоачиларни хонавайрон бўлиши жараёнини секинлаштириш учун жамоа ерлари олди-соттисини таъқиқлайди. Аммо ерсизланиш кучайиб кетади. Камбағалларнинг ўз болаларини қул қилиб сотиши, қарз учун вақтинча қул бўлиш одатдаги ҳол бўлиб қолади. Қуллар кўпайиб кетади. Ижтимоий табақаланиш кучайиб кетади. Табақалар ўртасида ижтимоий муносабатларни барқарор қилиш мақсадида III-Ур сулоласи даврида ёзма қонунлар тўплами яратилган. Бизгача унинг айрим парчалари етиб келган.

### **1.5. Қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитойда инсон ва ҳукумат.**

*Қадимги Миср* тарихида илк бор синфий табақаланиш мил. ав. V минг йилликда, Нил воҳасини ўзлаштирилиши натижасида юзага келади. “Сулолагача бўлган давр” Миср тарихида иккига бўлинади. Яъни, “Амрат” (Негада I) ва “Герзей” (Негада II) даврларига бўлиб ўрганилган. Ушбу маданиятлар Қадимги Мисрда ирригацияни ўсиши ва чорвачиликнинг овчиликдан устун кела бошлаши даври ҳақида маълумот беради. Ҳунармандчилик тобора деҳқончиликдан узоқлашиб боради ва оқибатда Қадимги Миср жамиятида дифференциация жараёни янада ўсиб боради. Айнан мана шу даврда Нил дарёси қирғоқларида илк давлатчалар (“сепат” ёки “ном”) пайдо бўлади. Шу тариқа илк қулдорлик давлати пайдо бўлиши учун ижтимоий-иқтисодий замин яратилди.

Номликлар сони Нил бўйи аҳолисининг ўсиши билан бевосита боғлиқ эди. Уларнинг ҳудудий чегаралари доимий тусга эга бўлмаганлиги тарихдан маълум. Ҳар бир ном дастлаб мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизган. Нил бўйи давлатчалари “номарх”лар томонидан бошқарилган. Номлик ўз герби (ёки аниқроқ қилиб айтганда тотем), диний ва сиёсий марказига ҳамда ҳарбий қисмларига ҳам эга эди.

Натижада ички урушлар (мисршуносликда “ноль сулоласи”) даврида ҳар бир номарх олий ҳукмронликка интилди. Умумий 42 номлик иккига яъни, Юқори Миср ва Қуйи Миср давлатига бирлашади. Маданий жиҳатдан ушбу давлатлар бир-биридан фарқ қилган деб бўлмайди. Аммо, диний ва сиёсий мафқурасида сезиларли тафовут бўлганлиги тарихдан маълум.

Қадимда иероглифларда мисрликлар мамлакатини “Та-кемет” ёки “Та-уй” деб атаганлар. Нил дарёси оқими олиб келадиган унумдор тупрокқа мамлакат тақдири боғлиқ бўлган.

Илк подшоликни (мил. ав. XXX-XXVIII асрлар) Мисрнинг Тинис номлигидан чиққан Менес (Аха ёки Мина) тузади ва бирлаштиради. Пойтахт сифатида Мемфис тан олинади. Дастлабки 1-сулолага асос солинади, шундай бўлса-да Юқори ва Қуйи Миср ўзига хос мухториятни сақлаб турган. Илк подшолик даврида мисрликлар ҳаётида уруғчиликни таъсири ҳали кучли бўлган ва улар асосан тош, мис меҳнат қуролларидан кўпроқ фойдаланишган, бронза эса кам эди. Номликлар орасидаги сепаратизмни фиръавннинг сиёсий мавқеи мувозанатда ушлаб турган.

Илк подшолик фиръавнлари Жер (мил. ав. 2970-2923 й.), Уаджи (мил. ав. 2922-2915 й.), Ден (мил. ав. 2915-2910 й), Ажиб (мил. ав. 2910-2900 й), Семерхет (мил. ав. 2900-2890 й)лар даврида Миср давлатчилиги асослари мустаҳкамланди. 1-сулоланинг сўнгги подшоси Каа (мил. ав. 2890-2864 й.) Абидос яқинида Умм аль-Кааб некрополи ёнида ўзига маҳобатли мастаба курдирган.

Фиръавн Каа ўлимидан сўнг 2-сулолага Хотепсехемуи асос солади. Давлат бошқарув тизими дин билан ажралмас тусга эга бўлгани учун, ижтимоий табақаланишнинг қонунийлашуви ривожланиб борди. Хотепсехемуидан сўнг Ранеб, Нинечер, Венег, Сенед, Нубнефер, Парансин ва бошқа фиръавнлар Мисрни бошқардилар. Уларнинг ҳукмронлиги хронологияси борасида ҳозир ҳам мисршунослар орасида қарама-қарши фикрлар мавжуд.

2-сулоланинг сўнгги фиръавни Хасехемуи (мил. ав. 2686-2648 й.) ўз подшолигини Дельтадаги (Қуйи Миср) кўзғолонни бостиришдан бошлади. Натижада 48205 киши ўлдирилди ва 47209 кишини асир олади. Сўнгра Юқори ва Қуйи Миср ягона давлатга яна бирлаштирилди. Марказий ҳокимиятнинг ўрни аввалгига қараганда анча ошди. Нубияга юришлар қилинди. Шу тарихида Қадимги Миср тарихида Илк подшолик даври ўз ниҳоясига етади.

Қадимги подшолик даври (мил. ав. XXVIII-XXIII асрлар)да Миср йирик марказлашган давлат бўлиб, Синай ярим оролини кўшиб олган. Жанубий Фаластин ва Нубияни ўз таъсири остига олган. Мисрликларнинг айтишига кўра, уларнинг тарихини энг ёрқин даври III сулоланинг энг атоқли ҳукмдори, Қадимги подшолик давлатчилигининг асосчиси Жосер ҳукмронлиги даври (мил. ав. XXVIII аср бошлари) эди.

Фиръавн Жосергача Миср ҳукмдорлари хом ғиштдан қурилган ясси бино-мастаба (арабча-ўтирғич)га дафн қилар эдилар. Жосернинг мақбараси илк эҳром шаклидаги бири устидан иккинчиси устма-уст қўйилган зинапоясимон 6 мастабадан (баландлиги 60 метр) иборат бўлиб, оҳақтошдан бунёд қилинган эди. Жосер пирамидасини Саккара ҳудудида сарой меъмори, бош маслаҳатчи Имхотеп курдирган. Жосер даврида Имхотеп иштирокида янги йил ҳисоби Сириус юлдузини тонгда пайдо бўлишига асосланган янги тақвим жорий қилинади. Жосердан кейинги фиръавнлар

Мемфисдан ғарбда ўз пирамидаларини қурдилар. Фиръавн Снофрунинг ворислари даврида улуғвор пирамидалар қурилиши давлат аҳамиятига эга бўлган ишга айланади. Фиръавн Хуфу (юнонча-Хеопс) энг катта, баландлиги 147 метр бўлган пирамидани бунёд қилади. Унинг ўғли Хафра (Хефрен) қурган пирамиданинг баландлиги (143 м.) сал пастроқ эди. Энг сўнгги улуғвор пирамида Хафранинг ўғли Менкаура (Микерин) томонидан қурилган бўлиб, баландлиги 66 метр эди. Эҳромларлар оҳактошлардан қурилиб, гранит плиталар билан қопланган. Эҳромлар қурилишига юз минглаб кишилар жалб қилинган. Улар қурилиш яқинида бунёд қилинган шаҳарчада яшаганлар. Қурувчилар учун овқат тайёрлайдиган, нон ёпадиган юзлаб кишилар хизмат қилган. Эҳромлар яқинидан нон ёпилган тандирлар, овқат тайёрланадиган ўчоқлар қолдиқлари топилган. Эҳром қурилишида оддий ишчидан бошқарувчи лавозимигача кўтарилиш мумкин бўлган. 5-сулола фиръавнлари (XXVI-XXV асрлар) улкан эҳромлар қуришдан воз кечдилар ва кичик эҳромлар барпо қила бошладилар. Сулоланинг сўнгги вакили Унас биринчи бор ўз эҳроми ичига фиръавн ўлиmidан кейин, у дунёда яшаши билан боғлиқ анъана формулаларини кенг тўплами ёзувларни – пирамида матнларини киритди.

IV-сулоланинг асосчиси Снофру (мил. ав. 2600-йиллар атрофида) Синай ва Нубияга ғолибона юришлар уюштиради. Мисга бой бўлган Синай Мисрга тўла кўшиб олинади.

Ривоятларга кўра, Хуфу ва Хафра барча Миср ибодатхоналарини ёпганлар ҳамда янги умумдавлат Қуёш худоси Рага сиғинишни жорий қиладилар. Бу сулола вакиллари кенг ҳажмдаги улкан қурилишлардан воз кечди. Худо Рага сиғиниш маркази Гелиополь (мисрча- Иуну) шаҳри эди. Ибодатхоналар экин ерларини ҳадяга олган. 5-сулола даврида мисрликлар Синай ва Нубияда ўрнашиб қолавердилар. Ливияда уруш олиб борадилар ва Шарқий Ўрта ер денгизи билан савдо қилишади. Подшо Исеси даврида Бауржед номли мисрлик узоқ Пунт (ҳозирги Сомали) мамлакатига саёҳат қилади. VI сулола даврида (мил. ав. XXIV-XXII асрнинг бошлари) ташқи сиёсат янада фаоллашди. Унинг подшолари Фаластинга қўшин тортдилар. Библ шаҳри мисрликларнинг таянч нуқтасига айланди. Унинг ҳокимлари Миср унвонларини қабул қилиб, Миср худоларига сиғинадилар. Нубиядан мисрликлар олтин олиб келдилар.

Қадимги подшоликнинг гуллаб-яшнаган даврида фиръавн ҳокимияти бағоят қудратли бўлиб, у нафақат оддий мисрликлар учун, балки фиръавннинг энг яқинлари учун ҳам етишиб бўлмайдиган баландликда турар эди (бир олий амалдор қабр тоши ёзувида унга фақат подшо тахти олдидаги ерни эмас, балки фиръавнни оёғини ўпишга рухсат берилганини фахрланиб ёзади). Фиръавннинг қўлида бепоён ер захираси, озиқ-овқат ва ишчи кучи тўпланган бўлиб, булар унинг қудратли ҳокимиятини асоси эди. Хуфу ва унинг авлодлари “Ра ўғли” унвонини қабул қиладилар. Мисрнинг қонуний подшоси “Қуёш худосини ердаги аёл билан яқинлигидан туғилади” деган тушунча шаклланади. Ҳеч кимга подшони муқаддас номини айтишга рухсат берилмаган. Чунки мисрликлар эътиқодига кўра, уни номини айтиш

фиръавнга зарар етказиши мумкин бўлган. Шу сабабли, уни номи бошқача “улуғ уй”, “катта уй” (пер-о, фиръавн сўзи шундан келиб чиққан) деб аталган. Фиръавн одам қиёфасидаги худо деб тасаввур қилинган. У худо Хор (Гор)нинг ифодаси, худо Ранинг ўғли, у ўлимидан кейин худо Осирис сифатида улуғланган ва унга сиғиниш учун сағана-пирамидалар олдида ибодатхоналар қурилган. Фиръавн олий бош қоҳин вазифасини ҳам бажарган. Фиръавнлар ўзларини илоҳий “Қуёш” билан қариндош эканликларига ишонганлар ва ўзларини “самовий ҳукмдор” деб эътироф этганлар. Оддий халқ учун фиръавн “катта худо”, “само ҳукмдори” деб улуғланган.

Жосернинг ворислари даврида фиръавн томонидан қаттиқ назорат қилинадиган давлат бошқарув аппаратини шаклланиши тугалланади. Номларнинг мустақиллиги тугатилди. Номархлар фиръавнга қарам бўлиб, бир номдан иккинчисига алмаштириб туриладиган олий амалдорларга айлантирилдилар.

Қадимги Мисрда давлат бошқаруви уч бўғиндан иборат бўлган: марказий, вилоят (ном), маҳаллий (қишлоқ-жамоа). Номлар бошқаруви марказий бошқарувни кичикроқ кўринишидаги нусхаси бўлган. Кўп ҳолларда номархлар марказдан ажралиб чиқишга интилган. «Жад-жад», «Канбет» атамалари жамоа кенгашлари номини билдириб, улар маҳаллий суғориш тизимини кузатиш билан бирга, жамоада суд ишларини ҳам амалга оширганлар. Оила ҳуқуқи, жамоа кенгашлари ва юқори ҳокимиятга бўйсундирилган ва уларнинг аъзолари кичик амалдорларга айланганлар. Давлат бошқаруви тизими деспотия, яъни фиръавннинг танҳо ҳукмронлигига асосланган. Фиръавннинг энг яқин ёрдамчиси олий амалдор – чати (бош вазир) бўлган. У барча амалдорларга раҳбарлик қилган. Шунингдек, у сунъий суғориш ишларини ташкил этган. Чорва молларини назорат қилиш, ҳунармандлар, ҳарбий иш, солиқ мажбуриятларини, қурилиш ишларини назорат қилиш ҳам вазирнинг зиммасига юклатилган. Фиръавн оёқ кийимини олиб борувчи лавозимидаги амалдор бир вақтнинг ўзида қўшин бош қўмондони, сарой оқсоқоли, Юқори Мисрнинг бошқарувчиси, бино қурувчи, бирор-бир ибодатхонанинг бош қоҳини вазифаларини ҳам бажарган. Фиръавн ўзини оддий худо эмас, балки “катта худо” деб улуғлади. VI сулола даврида подшо ҳокимияти заифлашган вақтда ҳам Миср подшоси барча худолардан кўра, улуғроқ деб эътироф этганлар. Юқори лавозимли амалдорларнинг вазифа доиралари кенгайиб, қисқариб турган. Улар фақат ҳарбий бошлиқ бўла олмаганлар. Зодагонлар юқори лавозимларни эгаллаган бўлсалар-да, ҳунарларни эгаллашдан тортинмаганлар. Улар устахоналарга, қурилиш ишларига бошчилик қилганлар.

Қадимги подшолик даврида ҳарбий иш ривожланган эди. Қўшиннинг асосий қуроли – ўқ-ёй бўлган. Ўқ захираси яратилиб, махсус жойда сақланган. Синай ярим ороли ва Эфиопия (Нубия) чегараларида чегара ҳарбий қисмлари турган. Кўнгилли қўшинга алоҳида ҳарбий бошлиқлар бошчилик қилган. Қўшин эркин мисрликлардан тўпланиб, ўқ-ёй, найза,

калта қилич билан қуролланган пиёдалардан иборат бўлган. Чегараларда гарнизонлар турган. Қўшин асосан кўнгилли тўпланган пиёда бўлиб, фиръавннинг ваколатли одами ва ҳарбий бўлмаган мансабдор шахслар бошчилигида юришга чиққан. Аскарлар оддий камон ва ўқлар билан қуролланганлар.

Оддий халқнинг яшаш манзиллари ҳам оддий бўлган. Қадимги подшолик даврида уйлар тор бўлиб, хом ғишт ва лойдан қурилган. Бу даврда уйнинг поли лой билан сувалган. Кўҳна тасвирларда Қадимги подшолик оддий одамлари белларини бир парча мато билан ўраб юрганлар ёки оддийгина олдинги томонни ола латтали белбоғ-камар илганлар. Овчилар ва балиқчилар гавдани белдан юқори қисмини ёпганлар, чунки уларнинг машғулотлари шуни талаб қилган.

Бу даврда, айниқса, Қуйи Мисрда боғдорчилик, полиз экинлари (саримсоқ, бодринг, пиёз, ҳар хил кўкатлар) экилиб, узумчилик кенг тарқалган. Мисрликлар хўжалик тарихида биринчи бўлиб асаларичиликни кашф қилдилар. Юқори Мисрда асосан донли экинлар етиштирилиб, уларнинг бир қисми Нил дарёси бўйлаб шимолга жўнатилган.

Қадимги подшолик даврида подшо хўжалиги, ибодатхона хўжалиги ва хусусий хўжалик, қишлоқ-жамоа хўжаликлари мавжуд бўлган. V-VI сулолалар даврида зодагонларнинг йирик хўжаликлари иқтисодий ҳаётда устувор ўринни эгаллаган. Мисрнинг кўпчилик аҳолиси зодагонларнинг катта-катта экинзорларида, хунармандчилик устахоналарида ишлайдиган қарам ишчилар эди. Уларни ўз хўжалиги бўлмай, ўз меҳнатлари учун озиқ-овқат улуши олганлар ва ўз ихтиёрлари билан иш жойини ташлаб кета олмас эдилар. Хусусий кишиларга қарам қуллар оз бўлган. Ўрта ва паст даражадаги амалдорлар иш ҳақини натура тарзида олар эдилар. Мил. ав. III минг йиллик ўрталарида олий амалдорларга давлат хўжалигидан йирик ер майдонлари мунтазам фойдаланишга берилган. У кўпинча мансаб билан бирга, отадан ўғилга мерос бўлиб ўтган. Уларнинг ихтиёридаги давлат ерлари давлатнинг олий назорати остида турган. Ишчилар давлат томонидан меҳнат мажбурияти тартибида суғориш иншоотлари, қурилиш ва бошқа ишларга жалб қилинганлар.

Қишлоқ-жамоа ерлари ҳам мавжуд бўлган. Қишлоқ-жамоа аъзолари «подшо одамлари» ҳисобланиб, турли солиқ ва мажбуриятларини ўтаганлар. Жамоа аъзолари ва хунармандлар «несу» ёки «хентиуши»; фиръавн, зодагонлар ва ибодатхона ишчилари «мерет» ёки хему» деб аталган. Қуллар «бак» дейилган. Қулларни урушда асирга тушганлар ёки қарзга ботган камбағаллар ташкил қилган. Улар сотилган ва сотиб олинган, аммо Қадимги подшолик даврида қуллар кам сонли бўлган.

Аслзодалар, номларнинг ноиблари (номархлар) фиръавн ҳокимиятини кучайишидан норози бўлиб, кўп ҳолларда марказий ҳокимият – фиръавн сиёсатига қарши чиқар эдилар. Шу сабабли, уларни қаршилигини синдириш учун фиръавнлар томонидан марказий бошқарувга маҳаллий ва хизмат зодагонлари жалб қилиниб, диний сиёсат ҳам ўзгарди. Худо Рага бағишлаб



ибодатхоналар қуриш кучайди. Энди фиръавни илоҳийлиги унинг худо Радан бевосита келиб чиққанлиги ғояси илгари сурилди.

Мил. ав. XXIV-XXIII асрларда ном (ёки сепат) ва хизматдаги зодагонларнинг мавқеи ошиб борди. Уларнинг кўпчилиги солиқ мажбуриятларидан озодлик ёрлиғини олдилар. Марказий ҳокимиятнинг қудрати заифлашди (6-сулола давридан), лекин маҳаллий ҳокимият-номлар катта моддий бойликларга эга бўлдилар. VI сулоладан сўнг Мисрда (мил. ав. XXIII аср ўрталари) марказий ҳокимият заифлашиб, мамлакат бири-бирига душман номларга бўлиниб кетди. Қадимги подшолик даври ягона давлатни емирилиши билан Миср тарихида I-Ўтиш даври (мил. ав. XXII аср бошлари–XXI асрнинг охири) бошланади. Давлатнинг заифлашуви Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада кескин табиий ўзгаришлар – қуруқ иқлимни бостириб кириши билан тезлашиб кетди. Нил дарёсининг суви пасайди. Бу ҳосилни камайиши, очлик ва охир-оқибатда, ижтимоий норозиликнинг кучайиши ва давлатнинг емирилишига олиб келди.

Ҳинд дарёсининг ғарбида неолит даврида (милл. авв. VIII-VI минг йилликлар) аҳоли деҳқончилик билан шуғуллана бошлайди. Водийда пахса уйли кичик кўрғонлар пайдо бўлади. Ҳинд археологи Ракхалдас Банержи 1922-йилда Ҳинд дарёси яқинидан қадимги шаҳар харобасини очди. Шаҳар қолдиғи тепалик номи билан Мохенжо-Даро (“ўликлар тепалиғи”) деб аталди. Шу йили бошқа ҳинд археологи Рай Баҳодир Даярам Сахний Ғарбий Панжобда Хараппа шаҳри харобаларини очди. Кейинчалик, Чанхо-Даро ва Калибанган шаҳар қолдиқлари қазиб очилади. Ҳозирги вақтда Ҳинд водийси ҳавзасида Ҳинд цивилизациясининг бир неча юз кўрғонлари очилган. Ҳозирги кунда бу цивилизация юқори даражада ривожлангани тўғрисида етарли далиллар тўпланган. Бу цивилизациянинг шаҳар-қишлоқлари улкан ҳудудда сочилиб кетган: шимолдан жанубга 1100 км ва ғарбдан шарққа 1600 км. Олимларнинг ҳисобига кўра, энг катта шаҳарларда 100 минггача одамлар яшаган. Шаҳарлар савдо-хунармандчилик маркази, ма`мурий ҳокимият турадиган жой бўлган. Аҳолининг кўпчилигини ташкил қилган деҳқон, чорвадорлар қишлоқ жойларида жамоа бўлиб яшаганлар. Хараппа цивилизациясининг хронологияси милл. авв. 2500/2300-милл. авв. 1800/1700-йиллар деб кўрсатилади.

Хараппа цивилизациясида шаҳарсозлик қурилиш маданияти юқори даражада бўлган. Шаҳарлар қурилиши қат`ий режалаштириш асосида амалга оширилган. Улкан ме`морий иншоотлар, ёзув, ўлчов ва оғирлик ўлчовлари тизими ва санъат асарларини мавжудлиги бу даврда давлат ва жамият тартиб-қоидалари ривожланганлигидан далолат беради. Асосий марказлар қазиб очилганда, улар ҳар томонлама пухта тузилган режа асосида қурилгани кўринади: кўчалар бир-бири билан параллел бўлган, тўғри бурчакда бири иккинчиси билан кесишган, бош кўчалар анча кенг-10 м гача бўлган. Мисол учун, Мохенжо-Даро шаҳри бир неча ўн минг киши яшайдиган 2 кв. км. майдондан иборат бўлган. Уйлар 2 қаватли, каналлацияга эга. Барча йирик шаҳарлар икки қисмдан иборат бўлган: шаҳар устида кўтарилган қалъа ва “қуйи шаҳар”. Қалада кўринишидан



шаҳар ҳокимияти (ба`зи олимларнинг фикрича, коҳинларнинг уйи ҳам шу ерда бўлган) жойлашган. Унинг яқинида диний маросимлар учун хизмат қиладиган ҳовуз топилган. “Қуйи шаҳар”да эса, аҳолининг асосий қисми яшаган. Археолог қазилмалар шаҳарнинг икки қисми ўртасидаги алоқалар чекланганлигини кўрсатади. Оддий аҳолини қалъага киритмаслик учун махсус дарвозалар мавжуд бўлган. Бой шаҳарликлар, ҳатто, уч қаватлик уйларда яшаганлар. Аҳолининг асосий машғулоти деҳқончилик бўлиб, буғдойнинг бир неча нави, тарик ва нўхат экилган. Боғдорчилик ҳам мавжуд бўлган. Бир неча манзилгоҳлардан шолининг қолдиқлари топилган. Хараппа қалъасида улкан ғалла омбори қурилган. Суғорма деҳқончилик учун сун`ий суғориш тизими ёлга қўйилган. Ер ўғитланиб, йилида икки марта ҳосил олинган. Йирик қорамол, қўй, эчки боқилган.

Бу шаҳар сивилизациясида ўзига хос ёзувдан фойдаланилган. Ҳозиргача муҳр, сопол, металл буюмларга битилган кўплаб ёзувлар топилган. Олимлар 400 дан кўпроқ белгиларни ажратдилар. Ёзув ўнгдан чапга томон ёзилган. Бу сивилизациянинг ижодкори бўлган аҳоли протодравид тилига мансублиги аниқланган.

Шаҳар ҳунармандчилиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Кулолчилик, тўқимачилик юқори даражада ривожланган. Ҳайкалчалар кичик ҳажмда бўлиб, ҳоким-коҳин, яланғоч аёлнинг (раққоса деб тахмин қилинади) жез ҳайкалчалари топилган. Тўғри бурчакли муҳрлар топилиб, уларнинг кўпчилигида мифологик манзаралар тасвири туширилган. Бу ердан топилган бошқа муҳрларга ўхшаш буюмлар Ҳинд водийсидан узок бўлган Баҳрайн ороллари, Месопотамия, эрон ва Туркменистондан топилган. Бу Мохенжо-Даро ва Хараппанинг қадимги Шарқ сивилизациялари билан яқин алоқада бўлганидан далолат беради. Халқаро савдо юқори даражада ёлга қўйилган. Афғонистон, Белужистон ва Ўрта Осиёдан тош ва металллар олиб келинган. Шарқий ва Жанубий Ҳиндистон, Бирма билан савдо алоқалари ўрнатилган. Бу алоқалар қуруқлик ва денгиз ёллари билан олиб борилган. Баҳрайн оролидаги қазилмалар, бу ер Ҳинд савдогарлари бошқа Шарқ савдогарлари билан маҳсулот алмашадиган жой эканлигини кўрсатади. Лотхала (ҳозирги Мумбай шаҳри яқинидаги Хараппа шаҳри)дан топилган муҳрларда мачтали кемалар тасвири туширилган. Бу денгиз савдоси бўлганлигидан далолат беради.

Мохенжо-Даро ва Хараппадан катта миқдорда жез ва мис буюмлар, жумладан, болталарнинг бир неча турлари, турли шаклдаги пичоқлар, тиглар ва тарози топилган. Қилич, ханжар, найза ва камонларнинг металл учлари қўйма ва тоблаб ясалган. Топилмар ичида жез ва мис ойналар ҳам мавжуд. Олтин, кумуш, мис ва жездан билагузуклар, узук ва балдоқлар ниҳоятда нафис тайёрланган. Тош асосий хомашё бўлиб, тошдан ёрғичоқлар, бўёқларни эритадиган идишлар тайёрланган. Тарози тошлари сланс, кварцит, оҳактош, яшма ва алебастрдан ясалган. Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонда кулолчилик санъати юқори даражада ривожланиб, тасвири ва тасвирсиз сопол буюмлар тайёрланган. Нақшли сопол идишлар кулолчилик чархида тайёрланиб, тиниқ бўлмаган қизил ранг билан қоқланиб, кейин унга қора

тасвир туширилган. Лойдан ясалган сув қувурлар, лой ғилдираклар, урчук қисмлари, лой билагузук, сиёҳдон, ўйинчоқлар ва шамдонлар топилган. Археологик қазилмалар натижасида топилган тасвирлар ва суякларга кўра, Ҳинд сивилизатсиясида деҳқончилик ва чорвачилик яхши ривож топган. Тур, зебу, калта шохли ҳўкиз, буйвол, эчки ва ит боқилган. Фил қўлга ўргатилган. Товуқ ва товус каби паррандалар бўлган. Буғдой, тарик ва пахта экилган. Ов, термачилик, балиқчилик билан шуғулланганлар. Ҳўкиз кўшилган аравалар транспорт воситаси сифатида хизмат қилган.

Моддий маданият ва санъат ёдгорликлари асосида Ҳинд водийси аҳолисининг диний тасаввурлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш мумкин. Муҳрлардаги тасвирлар бу ерда яшаган аҳоли дарахтлар, ҳайвонлар, осмон жисмларига эътиқод қилганидан гувоҳлик беради. Она маъбуда ҳайкалчаси диннинг деҳқончилик хусусиятини кўрсатади. Тўрт ҳайвон қуршовида Иог ҳолатида турган эркак маъбуд дунёнинг тўрт томони ҳукмдори деб қаралади.

Милл. авв. ХВИИИ аср охирида Хараппа маданияти тушкунликка тушиб, аста-секин ҳалок бўлади. Ҳинд сивилизатсиясининг сиёсий ва ижтимоий тизими тўғрисида фақат умумий тасаввур қилиш мумкин. Қалъа ва шаҳарлар режа асосида қурилиши давлат ҳокимияти мавжудлигидан дарак беради. Ғалла омбори ва ишчилар учун хоналар мавжудлиги бу ҳудудни айнан Месопотамиядаги мавжуд ибодатхона, давлат ҳўжалиги билан ўхшашлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш тараққиёти даражаси, шаҳарлар ва ёзувнинг мавжудлиги, уй-жой иншоотлари ҳажмларининг катта-кичиклиги аҳоли ўртасида ижтимоий тенгсизликнинг мавжудлигидан далолат беради. Қадимги Ҳинд сивилизатсиясининг тушкунлиги ва ҳалокати турли ҳудудларда турли хил бўлган. Баъзи жойларда иқлимнинг ўзгариши, бошқасида турли эпидемиялар ёки тектоник ўзгаришлар сивилизатсия ҳалокатига олиб келган. Антропологларнинг XX асрнинг 70-йилларидаги суяк қолдиқларини янги фан методи асосида текширишлари натижасида шаҳар-кишлоқлар аҳолисининг ўлими сабаби безгак (малярия) эканлиги аниқланди. Бу ҳалокат орий қабилаларини Ҳиндистонга келишидан бир неча аср олдин юз берган.

### **Кўчманчи орийлар «Веда даври».**

Ҳиндистонда илк давлатларнинг ташкил топиши. Орийлар милл.авв. XV асрларда Ҳиндистонга шимолдан кириб келдилар ва ўзлари билан дравидлар учун бутунлай ёд маданиятни олиб келдилар. Аммо уларнинг Урал ва Волга бўйларидан силжиб келиши доимий ва тўлқин симон бўлганлиги алоҳида таъкидланмоқда. Яни бу кўчиш бир-неча асрларни талаб қилган. Миллр. авв. III минг йилликнинг охири-IV минг йиллик бошларида Шимолий Ҳиндистон тарихининг асосий манбалари «Ведалар» Ҳинд диний адабиётининг энг қадимги ёдгорликлари ҳисобланади. Ведалар мадҳиялар, кўшиқлар, қурбонлик айтишлари, муқаддас маросимни тушунтирадиган кенг асарлардан иборат тўпламлардир. Тил, дин ва мифология бўйича улар «Авесто» билан ўхшашдир. «Авесто» ведалари тадқиқотчиларнинг фикрича, орий («ария» сўзидан «олийжаноб») қабилалари томонидан тузилган.

Тузилиш бўйича «ведалар»: Илк веда (милл. авв. И минг йиллик бошлари) ва Сўнгги веда (милл. авв. IX-VIII асрлар) даврларига бўлинади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, ҳинд орийлари ёдгорлиги “Ригведа” матнлари милл. авв. XII-X асрларда шаклланган. Веда матнлари маълумотлари асосида ҳинд-орий қабилаларини шарққа-Ганг водийсига силжишини умумий кўриш мумкин. Орийларнинг Ганг дарё водийси томон силжишлари бир неча асрларни қамраб олган давомий жараён эди. Веда даври аҳолиси шоли, тарик, буғдой ва дуккакли экинларни эккан. Шоликорлик Ганг дарёси водийсини ўзлаштириш давомида пайдо бўлади. Олимларнинг фикрича, ҳинд-орийларга бу ўсимлик илгари маълум бўлмаган. Шоликорликни маҳаллий аҳолидан ўзлаштириб оладилар. Веда қабилалари унча катта бўлмаган, мустақамланган манзилгоҳларда яшаганлар. Шаҳарлар кейинчалик пайдо бўлган.

“Ригведа” (ҳинд-орийларнинг ведаларини энг қадимги қисми)да учрайдиган географик номларга кўра, у Панжобда тузилган. Сўнгги веда матнлари шаклланган пайтда орий қабилалари Ҳинд-Ганг текислигининг бутун марказий қисмига тарқалган эди. “Ригведа” яратилган даврда орийларда синфий жамият ва давлат ҳали шаклланмаган эди. Иқтисодиётда йирик қорамолчиликка асосланган чорвачилик ривожланган. Деҳқончиликка эътибор берилмаган. Орийлар мис ва жездан фойдаланганлар. Уй- жойни қамиш ва лойдан қурганлар.

Ганг дарёсининг юқори қисми, Ганг ва Жамна ўртасидаги ерлар “Маҳабхарат” эпик асарининг сюжети ташкил қилади. Ижтимоий ташкилот қабила бўлган. Қабила бошлиғи рожа-ҳарбий бошлиқ ва ёлбошчи сифатида ўз қариндошлари ва хизматкорларига таянган. Қабила уч табақа: қоҳинлар, ҳарбийлар ва оддий жамоачиларга бўлинган. Муҳим масалалар йиғилишда ҳал қилинган. Ведаларда кўрсатилган қўшнилари билан подаларни ҳайдаб кетиш мумкин бўлган урушлар оддий ҳол бўлган. Веда тилида “уруш” (гавишта) сўзи “сигирларни босиб олиш” маъносини билдиради. Илк веда даврида қулчилик мавжуд бўлган. Қадимда ҳиндча “даса” қулни билдирган сўз кўпгина веда мадҳияларида учрайди. Дастлаб асирлар қулга айлантирилган. Веда ва дostonларда қул эркаклар кам тилга олинади. Аёл қуллар тўғрисида кейинчалик кўп сўзланади. Қулчилик хонаки тусда бўлиб, веда жамияти ҳам уруғ-жамоа ташкилоти даражасида бўлган. Кейинчалик, жамоа аъзолари ҳам қарзи учун қул қилинганлар.

Сўнгги веда даврида иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий тузумда кескин ўзгаришлар юз беради. Деҳқончилик ривожланиб, Ҳинд-Ганг водийсида кенг далалар ўзлаштирилади. Дарахтнинг қаттиқ ёғочидан ооч ясай бошланади. Эшаклар асосий юк тортиш вазифасини бажарган. Сутлик овқат кундалик емиш бўлган. Байрамларда чорва моллари мўл-қўл қурбонлик қилинган.

Темирдан фақат камон ўқи ва найза учлари тайёрланган. Уйлар ёғоч ва бамбукдан қурилган. “Ригведа” даврида ҳарбий ёлбошчилар араваларда жанг қилганлар. Маҳабхаратда энгил жанг аравалари тўғрисида эслатилади.

Жанг араваларида мусобақа-пойгалар ўтказилган. Диний ва эпик асарларда аҳолининг асосий қисми тўғрисида маълумотлар жуда кам.

Еркин ва тўла ҳуқуқли деҳқонлар жамоани ташкил қилиб, бир ёки бир неча қишлоқда яшаганлар. Жамоатчилар қўшни ва қон-қариндош алоқалар асосида бирлашганлар. Жамоада энг муҳим масалалар уруғ йигинларида ҳал қилинган. Уруғ жамоаси а`золари йиғилиб, бутун жамоа номидан асосий маросимлар бажарилган.

Қишлоқ аҳолисининг бир қисми тўла ҳуқуқли бўлмаган. Улар бошқа жойдан кўчиб келган кишилар бўлган. Тўла ҳуқуқли бўлмаганлар хизмат кўрсатадиган соҳалар, жумладан, хунармандчилик билан шуғулланганлар. Қишлоқда кескин мулкӣ табақаланишга жамоа ички алоқаларининг ўта мустаҳкамлиги қаршилик кўрсатган эди. Сўнгги веда даврида ўз-ўзини бошқариш қишлоқ жамоаси билан чекланиб қолади. Қабила ва қабилалараро муносабатлардаги барча масалалар ҳоким ва ё`лбошчилар ваколатига киради.

Ер. авв. III минг йиллик охири-II минг йиллик бошларида Шимолий Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётида жамиятнинг қуйидаги тўрт тоифасини кўрамыз:

1. Брахманлар ;
2. Кшатрийлар-қабилла ҳарбий зодагонлари;
3. Вайшилар-савдогар-хунарманд, деҳқонлар;
4. Шудра (қуллар)-жамоанинг пастки тўла ҳуқуқли бўлмаган аҳолиси

Ҳар бир қатлам ёпик тоифа-варна (ҳиндча сўзма-сўз “ранг”, “нав”)га айланади. Ҳар бир варна вакилининг меросий мавқеи уларнинг машғулоти ва диний мажбуриятларини белгилаган. Коҳинлик ва ўқитувчилик мажбурияти брахманларга; жанг қилиш ва бошқариш кшатрийларга; қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва савдо билан шуғулланиш вайшиларга; уч олий варналарга сўзсиз хизмат қилиш мажбурияти шудраларга юклатилган. Бу тоифавий мавқе меросий бўлиб ўтган. Ҳар бир варна ўз ҳуқуқи, ўз овқати, кийими, уй анжоми, кийимининг ранги ва бошқалар қатъий белгиланган эди. Брахманлар турли варналарни илк одам-Пуруша жисмининг турли қисмидан (брахманлар оғзидан, кшатрийлар кўлидан, вайшилар биқинидан, шудралар лойга ботган оёқларидан) яратилган деб ўқитар эдилар. Шу сабабли, қолган учта варнага хизмат қилиш шудраларга буюрилган.

### **Будда даври.**

Ҳинд-Ганг текислигида темир қуролларнинг тарқалиши сунъий суғориш иншоотларни қуриш ва мунтазам ҳосил олиш имкониятини туғдирди. Ҳиндистоннинг шимолий-шарқида суғорма деҳқончилик шароитида асосий экин шоли бўлган. Бу даврда шаҳарлар аҳолисининг сони кескин ошди. Товар-пул муносабатларининг ўсиши натижасида эр. авв. II минг йиллик ўрталарида танга пул зарб қилина бошлади. Йирик шаҳарларнинг майдони-Уджайн ва Каушанби – 1,5-2,5 кв. км ни ташкил этган. Бу ўша даврдаги энг катта юнон шаҳарлари майдони билан тенг эди. Салавийлар давлатининг элчиси, юнон Мегасфен элчи сифатида Маурилар

саройига келганда, Паталипутра шаҳри деворларининг узунлигини 30 км деб ҳисоблаган.

Ҳинд афсоналарида шаҳар бошқаруви ва жамиятнинг ижтимоий тузилиши тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд. Уларда савдогарлар бирлашмалари ва ҳунармандларнинг сеҳ ташкилотлари эслатилади.

Аҳолининг кўпчилиги жамоа-каста тузумида яшаган. Қишлоқда патриархал оила етакчи ўрин тутган. Оила бошлиғи бўлган ота ер ва чорвани оила номидан бошқарган. Аёллар жамиятда ҳурмат қилинса-да, лекин мулк ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Патриархал оилада бир неча авлод яшаган. Хусусий мулкчиликнинг ривожланиши мулккий тенгсизликка олиб келган. Қарзи учун қул қилиш кенг тарқалди. Фақат жамоа муносабаларининг мустаҳкамлиги бу жараёни маълум даражада жиловлаб турган.

Ер. авв. II минг йиллик ўрталарида ҳоким (рожа)лар давлат бошқарувида шаклланаётган маъмурий аппарат ва хизматга тортилаётган аслзода бўлмаган кишиларга таянганлар. Ҳоким учун асосий таянч кучи кўшин эди. Кўшинда энгил жанг аравалари ўрнини оғир квадригалар эгаллайди. Отлиқ кўшинлардан кенг фойдаланилади. Жанговар филлардан кўшин тузила бошланади. Кўшин эндиликда мунтазам хусусиятга эга бўлди.

Ведалар ва дostonларда Ганг водийсидаги энг қадимги сулола ва давлатлар номлари тилга олинади. Маҳабхарат дostonида Пандав ва Кауравлар сулолалари ўртасидаги урушлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Майда давлатлар ўртасида ер-сув, чорва учун мунтазам урушлар бўлган. Эр. авв. II минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда йирик давлатлар пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилигида алоҳида сулолалар ҳукмронлиги, айримларида бой-зодагонлар ҳукмронлик қилган олигархик республикалар мавжуд эди. Магадха ва Кошала Ганг дарёсининг қуйи оқимида, Ганг ва Ямун оралиғида Ватса, Аванти давлатлари ўртасида етакчилик учун кураш олиб бордилар. Вақт ўтиши билан Ганг водийсида кўп сонли майда давлатчалар ичидан Магадха подшолиги биринчи ўринга шиқиб олди. Қадимги Магадха (ҳозирги Жанубий Бихар вилояти ҳудуди) кулай географик, стратегик ва савдо ёллари кесишган ҳудудда жойлашган. Бу давлат бошқа бир неча кичик давлатчаларни бирлаштирди. Мамлакат Ҳиндистоннинг кўплаб вилоятлари билан гавжум савдо қилган. Магадха қазилма бойликлар, жумладан, металлга бой эди. Унинг янги қадимги пойтахти Ражагриха шаҳри эди. Магадха подшоси Удаин даврида (ер. авв 461-445-йиллар) пойтахт Паталипутрага (ҳозирги Патна шаҳри) кўчирилди. Бу шаҳар бутун Ҳиндистон бўйича энг катта савдо-ҳунармандчилик марказига айланди. Кейин Магадха тахтига нанд сулоласи қарор топди ва катта империяга айланди. Нанд давлати Маурилар империясини ташкил топиши учун шарт-шароит яратди.

Милл. авв. IV асрда Шимолий Ҳиндистонда Панжобдан то Бенгалиягача бўлган ерлар Маури уруғидан бўлган магадхалик зодагон Чандрагупта (ер. авв. 321-297-йиллар) томонидан бўйсундирилди. Маурилар империясининг ташкил топиши Ҳиндистон тарихида муҳим тарихий воқеа



бўлди. Ҳиндистон тарихида чекка жанубдан ташқари, илк бор бутун мамлакат бирлашган давлат таркибига кирди. Антик муаллифлар, подшо Чандрагупта македониялик Искандар Шимолий Ҳиндистонда қолдирган юнон-македон гарнизонлари ва унинг ноиблари билан уруш олиб боргани тўғрисида маълумот берадилар. Чандрагупта Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондан то Паталипутра ҳудудларигача истилочилик урушларини олиб борган. У Нанд сулоласининг сўнгги подшоси билан урушда ғалаба қозонди ва Магадха ҳудудларини ўз давлати таркибига қўшиб олди.

Тахминан, милл. авв. 314-йилда Чандрагупта янги Маурилар сулоласи (милл. авв. 314-йилдан-ер. авв. 180 йилгача)га асос солиб, ўз мутлоқ ҳокимиятини ўрнатди. Аммо унинг давлати учун Салавкийлар давлати жиддий рақиб эди. Чандрагупта бу давлатнинг ғайратли ҳукмдори Салавк Никатор билан уриш олиб боришга мажбур бўлди. Бир неча йиллик урушлардан сўнг, ҳар икки томон ўртасида эр. авв. 303 ёки 302-йилда тинчлик шартномаси тузилди. Шартномага кўра, Маурилар Искандар илгари бўйсундирган Ҳиндистон шимолий-ғарбидаги айрим вилоятларга эга бўлдилар (Ария, Арахосия, Гедросиянинг бир қисми ва Парапамисад қабилалари ерлари). Салавк бунинг эвазига 500 жанговор филни олди. Ҳиндикуш тоғи Салавкийлар ва Маурилар ўртасидаги чегарага айланди. Тинчлик шартномасидан сўнг, Салавк ўз элчиси Мегасфенни Маурилар саройига юборди. Мегасфен Маурилар саройида 5 йил яшаб, Маурилар давлати даврида Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, давлат тузуми тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Чандрагуптанинг вориси Биндусара эр. авв. 297-272-йилларда фаол истилочилик урушлари олиб бориб, Афғонистоннинг катта қисми, Белужистон, Шимолий Ҳиндистон ва деярли Декан ярим оролини тўлиқ бўйсундирди.

Мегасфендан сўнг, Маурилар саройига Салавкийларнинг навбатдаги элчиси Деймах келди. Бу элчилик Биндусара подшолиги даврига тўғри келади. Подшо Биндусара Миср билан элчилик алоқаларини ўрнатди. Шу сабабли, Маурилар саройига Птолемейнинг элчиси Дионисий ташриф буюрди. Биндусара мамлакатни ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун қатор ишларни амалга оширди.

Подшо Ашока II даврида (Милл. авв. 272-232-йиллар) Маурилар давлати гуллаб-яшнади. Ашоки давлат ҳокимиятини мустақкамлашга ҳаракат қилди. Унинг қонунлари (едиктлар) мамлакатнинг турли ҳудудларида тош лавҳаларга ёзиб қўйилди. Бу эдиктлар орқали Ашоки давлатининг бошқарув тизими, энг муҳим сиёсий воқеалар, подшонинг ижтимоий сиёсати тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Умумҳинд давлатининг ҳукмдори ўзини фақат Магадха давлатининг подшоси деб ҳисоблаган. Босқинчилик урушлари маъмурий аппаратни тўлиқ алмаштириш ва эски сиёсий тузумни ўзгартиришга олиб келмаган. Магадха подшоси махсус амалдорлар (раджуклар)ни ҳар уч ёки беш йилда бир марта вилоятларга маяллий ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш учун юборган.



Подшо ҳокимияти пойтахтда олий мансабларни эгаллаган зодагонлар ва подшо қариндошларидан тузилган подшо кенгаши билан чекланган. Подшолар ҳам ўз навбатида, уруғ зодагонлари, кшатрийларнинг имтиёзларини чеклашга ҳаракат қилганлар. Уларни ўз тарафдорлари билан алмаштиришга ҳаракат қиладилар. Подшолар ўз қўлларига молиявий бошқарувни тўплаб, давлат хазинасини тўлдиришга уринганлар. Ҳиндистондаги барча давлатларнинг ҳукмдорлари ноанъанавий динларга, асосан будда динига ҳомийлик қилдилар. Маурийлар будда дини тарғиботига жиддий эътибор бердилар. Турли мамлакатларга будда ғояларини тарғиб қилиш учун миссионерлар юборилади. Айниқса, Ҳиндистон билан яқин алоқада бўлган вилоятларда будда таълимоти тез қабул қилинди. Шри-Ланкада бу жараён жадал суръатлар билан ёйилди.

Маҳаллий тарихнавис, Шри-Ланкада деҳқончилик, хунармандчилик ва давлатчиликнинг пайдо бўлишини эр. авв. V асрда Шимолий Ҳиндистондан келганлар фаолияти билан боғлайди. Шахзода Сингала («Ё`лбарс») уларнинг бошида турган. Унинг номи билан мамлакатдаги ҳукмрон этник гуруҳ-аҳоли сингаллар деб айтила бошланди. Археологик қазилмалар ҳам эр. авв. II минг йиллик ўрталарида Шри-Ланкада бирданига темир асри маданияти пайдо бўлганидан гувоҳлик беради. Сейлон хроникалари Ашокининг укаси махсус миссия билан маҳаллий ҳокимни будда таълимотининг афзаллигига ишонтиргани ва тез орада бу ерда илк будда монастырлари пайдо бўлгани тўғрисида ҳикоя қилади. Шри-Ланка Ашоки давридани то шу кунгача будда дини ҳукмрон бўлган мамлакатдир.

Эр. авв. IV-III асрларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижасида умумҳинд давлатининг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этди. Мамлакат миқёсида савдо-хунармандчилик ривожланиб, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар кучайди. Бундан ташқари, умумҳинд давлати бутун Жанубий Осиёнинг барча ҳудудларининг сивилизасиялашувида муҳим рол ўйнади. Маурилар давлати заифлашиб, эр. авв. III аср бошларида парчаланиб кетди. Лекин у тўғрисида хотира қолди. Маданий бирлик-давлат пайдо бўлди. Ашоки капителидаги тўрт шер ҳозирги кунда Ҳиндистон Республикасининг миллий рамзи ҳисобланади.

#### **«Классик давр»нинг ўзига хос ҳисусиятлари.**

Милл. авв. II аср бошларида Мауриларнинг сўнгги вакили ҳукмронлиги тугаб, шу вақтдан бошлаб мамлакатда узоқ сиёсий тушкунлик бошланди. Эр. авв. 180-йилда ҳокимият янги Шунг сулоласи вакили қўлига ўтди. Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбида бир неча майда ҳинд-юнон давлатлари ташкил топди. Бу ердаги ҳинд-юнон давлатлари подшолари ичида энг таниқлиси Менандр исмли ҳукмдор эди. Менандр зарб қилдирган тангалар орқали унинг давлатини Гандҳара, Арахосия, Панжобнинг ба`зи ҳудудлари билан чегаралаш мумкин.

M. авв. II асрларда Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга сак қабилалари кириб келиб, шимолий-ғарбда бир неча давлатларни барпо қилдилар. Сак подшолари ўзларини «Буюк подшолар подшоси» деб атадилар. Йирик давлат бирлашмаларида ноиблик, сатрапликлар жорий қилиниб,

худудларда сатрап (кшатрап) анча мустақил бўлган. Ҳинд-юнон давлатлари сакларнинг кучли тазйиқига учради.

Эрамизнинг бошларида эроннинг шимолий-ғарбий худудларида ҳукмронлигини ўрнатган парфияликлар ҳинд-юнон ва сак давлатлари худудларини босиб ола бошладилар. Подшо Гондафор даврида Ҳинд-Парфия давлати кучайди. Аммо улар тез орада янги қудратли сулола-Кушонлар томонидан бўйсундирилди. Бошқа Кушонлар Ўрта Осиёда Бактрияни эгалладилар ва аста-секин ўз давлатлари худудини кенгайтирдилар. Подшо Кудзула Кадфиз даврида кушонлар Арахосия, Парфиянинг бир қисмини босиб олдилар. Кудзула Кадфизнинг ўғли Вима Кадфиз Ҳиндистонни жадал истило қилишга киришди ва натижада ўз ҳокимиятини Ҳинд дарёсининг қуйи оқимигача ўрнатди. Пойтахт ҳозирги Пешоварга кўчирилиб, Ҳинд вилоятлари давлатнинг асосий қисмини ташкил қилди. Кушон давлати ҳиндлашди. Бу жараёни Вима Кадфиз тангаларида кўриш мумкин. Тангаларда ма`буда Шива тасвирланади. Подшо шу худонинг номларидан бири бўлган Махешвара номи билан улуғланди. Вима Кадфиз даврида савдо-хунармандчиликни ривожланишини рағбатлантириш учун пул ислоҳоти ўтказилиб, янги тилла танга зарб қилинди. Мис танганинг қатъий номинал қиймати белгиланди. Кушон давлати Канишка (78-123-йиллар) ҳукмронлиги даврида гуллаб-яшнади. Канишка даври тўғрисида нумизматика, “Канишка эраси” йил ҳисоби ёзувлари, кейинги будда ҳикояларида жуда кўп маълумотлар бизгача етиб келган. Будда ёзувларида Канишка буддавийликнинг содиқ мухлиси деб тилга олинади. Чунки у буддавийлик динини давлат динига айлантириб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Канишка даврида давлат худудлари кенгайди. Кушон давлати таркибига Канишка ҳукмронлиги даврида Бихар вилояти, Марказий Ҳиндистоннинг айрим вилоятлари, Нармада дарёсигача бўлган ерлар кирган.

Канишка ҳукмронлиги даврида Кушон давлати Хитой, Парфия, Рим каби қудратли давлатлар қаторига кирган. Кушонлар давлати бу давлатлар билан савдо-елчилик муносабатларини амалга оширган ва рақобат қилган. Антик муаллифлар, эрамизнинг 99-йилида Кушон элчиларини Римга келгани тўғрисида маълумот беради. Бундан ташқари, Римдаги император Траян колоннасида кушон элчиларининг Римга келгани рел`еф тасвирлари бор. Канишканинг ворислари даврида империя заифлаша бошлади. Ҳиндистоннинг турли худудларидаги ҳокимлар, қўшни кучайиб бораётган Сосонийлар давлати Кушон давлати худудларини босиб ола бошлади. Сосонийлар ҳукмдори Шопур II (241-272-йиллар) Кушон давлатининг ғарбий вилоятлари босиб олиб, Сосонийлар давлати таркибига киритди. Фақат Гандхара водийсигина Кушон давлати қўлида қолди (ер. авв. ИИИ аср охирида). Кейин эса, кушонларнинг Ҳинд вилоятлари Гупталар давлати (IV аср бошлари-VI аср ўрталар) таркибига киритилди.

Гупта давлатининг мустаҳкамланиши Чандрагупта II ҳукмронлиги даврига тўғри келади. У “Буюк подшолар ҳокими” унвонини олган. Унинг ҳукмронлиги эрамизнинг 320-345-йилларига тўғри келади. Унинг вориси Самудрагупта ҳукмронлиги даврида (335-380-йиллар) фаол истилочилик

урушлари олиб борилиб, Шимолий Ҳиндистонда ўнга яқин давлатчалар, Декан ярим оролида ўн беш давлатча тугатилади. Магадхага жанубда Тамиш шаҳри Канчини, шимолда Непал ва Ассам каби чегара вилоятлар ҳам қарам бўлади. Декан вилояти ғолибона юришга қарамасдан Гупта давлати таркибига кирмайди. Гупталар давлатига кирмаган жанубдаги вилоятлар қарам ерлар ҳисобланиб, ўлпон тўлаган. Ғарбий ва Шимолий-Ғарбий Ҳиндистоннинг баъзи ҳудудлари Гупталар давлатига қарам ҳолда бўлган.

Гупта давлати Шри-Ланка билан яқин алоқада эди. Самудрагупта даврида империя Шарқда қудратли давлатлардан бирига айланади. Кўплаб давлатлар билан алоқалар ўрнатилди ва унинг таъсири кучайди. Самудрагуптадан сўнг, тахт унинг ўғли Чандрагупта ИИ кўлига ўтди (380-413/415-йиллар). Бу ҳукмдор Ҳинд анъанасида Викрамадита (Қудрат куёши) номи билан маълум. Унинг ҳукмдорлиги даврида кўплаб буюк ёзувчилар, олимлар ижод қилдилар. Замонавий ҳинд фанида Самудрагупта ИИ ҳукмронлиги даври “Гупталарнинг олтин асри” деб аталади. Чандрагупта ИИ ўлимидан сўнг, давлат заифлашди. Тез орада Ўрта Осиёдан эфталитларнинг кучли ҳужуми бошланди. Эфталитлар ҳукмдори Тораман даврида (490-515-йиллар) эфталитлар Ҳиндистоннинг ички ҳудудларига кириб бордилар. Улар Синд, Ражастхон ва Ғарбий Ҳиндистон ерларида ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Гупталар бир неча вақт Магадха ва бошқа ҳудудларда ўз ҳукмронликларини сақлаб қолдилар. Лекин энди бу давлат қачонлардир қудратли бўлган Гупталар давлатининг заиф бир парчаси эди.

Декан мамлакатлари тарихида Сатавахан сулоласи алоҳида ўрин тутади. Эрамизнинг ИИ асрида Сатаваханлар давлати ўз тараққиётининг юқори чўққисига чиқди. Унинг асосий марказлари Ғарбий Деканда эди. ИИИ асрда бу давлат парчаланиб кетди. Жанубий энг чекка вилоятлар сиёсий тарихига оид маълумотлар ёқ даражада.

Ер. авв. И минг йиллик охири-ерамизнинг И асрлари Ҳинд иқтисодиётининг гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади. Ҳиндлар юқори нав пўлат ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Металл санъатининг ноёб намунаси сифатида Сандра темир устунни (ўтган бир ярим минг йил давомида бу темир устунда бирор занг пайдо бўлмаган, бу ёдгорлик ҳозиргача етиб келган) кўрсатиш мумкин. Қалъалар қурилиши билан бирга, ғор ибодатхоналарини бунёд қилиш кенг тарқалди.

Турли хил тилда зарб қилинган тангалар пайдо бўлди. Серқатнов савдо ёллари Таксила, Мадхур, Уджаин ва Варнаси каби йирик шаҳарларни қамраб олди. Варнаси ва Мадхур ип-газлама, шимолий-ғарбий ҳудудлар вино, от, жун матолари билан, Уджаин қимматбаҳо тошлар, фил суяги билан, Жанубий Ҳиндистон эса, зираворлари билан машҳур бўлди. Кушон давлати пайдо бўлиши Ҳиндистонни Марказий Осиё билан алоқаларини кучайишига ва уни Буюк Ипак ёли савдосида фаол қатнашуви учун қулай шарт-шароит яратди.

Ер. авв. ИИ-И асрларда Ғарбий ва Жанубий Ҳиндистонда Миср савдогарлари пайдо бўлди. Ҳинд океани орқали Рим, Жанубий-Шарқий Осиё ва Индонезия ороллари билан савдо алоқалари кучайди.

Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми тўғрисида умумий тушунча ҳосил қилиш мумкин. Қадимги Ҳинд қишлоғида жамоа етакчи ўрин тутган. Экин ерлари оилалар ўртасида тақсимланган. Жамоа ихтиёрида яйлов, бўш ерлар ва ўрмонлар қолган. Жамоа аъзолари ёл, каналларни таъмирлаш ва қуришда иштирок этганлар. Тўла ҳуқуқли жамоа аъзолари жамоа йиғинида иштирок этганлар.

Қишлоқ ичида мулкӣ тенгсизлик жуда кучли бўлган. Ер эгалари бой жамоа аъзоларини ташкил қилганлар ва ерларини ижарага берганлар. Ёлланиб ишловчилар, қарздорлар кўп бўлган. Жамоада кир ювувчилар, қоровул, дурадгор ва кулоллар кўпчилиқни ташкил этган. Ҳар бир тоифадаги кишиларнинг мавқеи ўзгармас бўлган. Ҳар бир ҳудудда бир хил мавқеда бўлган оилалар ёпиқ бирдамлик-кастани ташкил қилганлар. Ҳар бир каста эндогам бўлган. Чунки унинг аъзолари бир-бири билан қариндош бўлган. Каста аъзоларини иқтисодий ва диний маросимлар, урф-одатлар боғлаб турган.

Бойлар ва ер эгалари ўзларини брахма-кшатрийларга мансуб деб, шаҳар савдогар судхўрлари ўзларини вайшилар деб ҳисоблаганлар. Меҳнатқашларнинг асосий оммаси-хунарманд ва деҳқонлар ва шудра кастаси энг оғир ишларни бажарганлар. Қулчилик мавжуд бўлиб, қулчилик манбаи уруш, қарзи учун қул қилиш бўлган. Қашшоқлик натижасида ўзини, ўз болаларини сотиш ҳам мумкин бўлган.

#### **Қадимги Хитой.**

1. Қадимги Хитой цивилизатсияси асосларини юзага келиши. Хуанхе дарёси ҳавзаси қадимда қалин ўрмонлар билан қопланган. Милл. авв. IV-III минг йилликларда Хуанхенинг ўрта оқимида каркидон, тапир, бамбук каламушлари каби ҳайвонлар мавжуд бўлган. Бамбук дарахти ўсган. Водийнинг юмшоқ аллювиал тупроғи деҳқончилик учун қулай шарт-шароит яратди. Эр. авв. XX-XVIII минг йилликларда Хуанхе ҳавзасида Яншао маданиятини бу ерда яшаган палеосиё аҳолисини сиқиб чиқарган протосинотибетликлар яратганлар. Эр. авв. II минг йилликда Хуанхенинг ўрта оқимида инлар ва чжоуларнинг ўзаро таъсири натижасида қадимги Хитой этноси вужудга келди. Бу этноснинг шаклланишида шимолда яшаган палеосиё ва аустроосиё Жанубий Осиё тилларида сўзлашувчи этнослар иштирок этганлар.

Милл. авв. V-III минг йилликларда Хуанхе дарёси ўрта оқимида Яншао маданияти типидagi неолит манзилгоҳлари вужудга келди. Деҳқончилик, чўчқа ва ит боқиш асосий машғулот бўлган. Кулолчилик ривожланган. XX асрнинг 70-йилларида Хитойнинг шимолий-шарқида Хуншан маданияти очилди. Бу маданият ҳам эр. авв. V-III минг йилликларни ўз ичига олади.

Милл. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярмида кулолчилик чархи ёрдамида кулранг ва қора рангли идишлар тайёрланади. Деҳқончиликда ўрок ва пичоқнинг такомиллашган шакли вужудга келди. Ижтимоий табақалашув жараёни тезлашди. Бу давр Луншан маданияти деб аталди.

Энг қадимги жез даври буюмлари (ер. авв. III минг йиллик биринчи ярми) эрмитоу типига манзилгоҳлардан топилган. Эр. авв. ХИВ-ХИ асрларда Ўрта Хитойда Ин даврида илк шаҳарлар пайдо бўлди. Бу даврдаги ижтимоий табақаланиш изларини Ин қабрларида кўриш мумкин. Ин давлати тепасида Ван (ҳоким) турган. Хукмдорнинг ягона ҳокимияти шаклланидан далолат берадиган: «Мен кишилар орасида ягонаман» деган сўзни келтириш мумкин. Ван бир вақтнинг ўзида олий қоҳин вазифасини ҳам бажарган. Ин давлатининг энг қудратли даври эр. авв. ХИИИ асрнинг иккинчи ярмида хукмронлик қилган Ван У Ди даврига тўғри келди. Унинг даврида Шан шаҳрида сарой ва ибодатхоналар қурилди. Мамлакат ҳудуди кенгайди.

Милл. авв. 1027-йилда чжоулар бошчилик қилган га`рбий қабилалар Ин давлатини ағдариб ташладилар. Улар босиб олган ҳудудларда нисбатан катта, лекин мустаҳкам бўлмаган давлат бирлашмасини ташкил қилдилар. Анъана бўйича бу давлат Ғарбий Чжоу деб аталди. Давлат бошида Чжоу подшо уруғидан бўлган меросий хукмдор Ван туради. Чжоулар инлардан жез куйиш санъати, ёзувни ўзлаштирдилар. Улар ҳарбий жанг араваларини ҳам инлардан ўргандилар. Чжоу даврида жамият беш ижтимоий қатламга ажралган:

1. **Ван**-«кишилар орасида ягона» хукмдор.
2. **Чжоу**-меросий ҳудуд ҳокимлари, Чжоу зодагонлари.
3. **Дафу**-уруғ-қабила гуруҳлари бошлиқлари.
4. **Ин**- катта оила бошлиқлари.
5. **Оддий кишилар**.

Бу давлат этник жиҳатдан ола қуроқ бўлгани учун ва улар ўртасида мустаҳкам иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқалар мавжуд бўлмагани сабабли, Ван ҳокимияти қонуний эканлигини асослаш лозим эди. Ван ҳокимиятининг илоҳийлиги чжоу қабилаларида энг олий худо осмон э`тиқодидан келтириб чиқарилди. Чжоу вани осмон олий илоҳининг ўғли деб э`лон қилинди. Ван Осмон мамлакатада энг олий мулкдор, бошқалар эса, унинг хизматкори эди. Шу билан бирга, «Ван Чжоуни ўз хизматкори деб ҳисоблайди, чжоу ўз хизматкори деб дафунни ҳисоблайди, дафу ўз хизматкори деб инни ҳисоблайди» тушунчаси мавжуд бўлган. Бу даврда кўплаб асирлар кулларга айлантира бошланди.

2. Чжоу сулоласи ва ўзаро урушлар даврида Хитой. Милл. авв XIII аср бошларида чжоуларнинг Хуанхе дарёси юқори оқими ҳавзасида яшаган лун қабилалари билан тўқнашуви кучайди. Жун қабилалари келиб чиқиши чжоуларга қариндош эди. Лекин улар турмуш тарзи ва хўжалик юритиш шакли билан бир-биридан фарқ қилган. Ю-ван даврида (781-771-йиллар) ярим кўчманчи жунлар билан ҳал қилувчи тўқнашув юз берди. Меросий ер мулкларни кўпайиши, чжухоу (меросий ҳудуд ҳокимлари) мустақиллигини кучайиши Ван ҳокимиятини заифлаштирди. Чжоу Пих-ван исёнчи чжоухоулар ва жунлар ҳужумини қайтара олмади. У пойтахт ҳудудини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Бу воқеа Хитой анъанасига кўра, Ғарбий Чжоу даврининг тугаши деб ҳисобланади.



Чжоу давлати ҳудудлари кескин қисқарди. Милл. авв 770-йил пойтахт шарққа-ҳозирги Лоян ҳудудига кўчирилди. Шу сабабли, эр. авв ВИИИ-ИИИ асрлар Шарқий Чжоу даври деб аталди. Жунлардан қочиш ваннинг обрў-е`тиборини кескин тушириб юборди. Эндиликда у чжоулар ўртасидаги ўзаро муносабатларга аралаша олмади. Чжохоулар амалда мустақил ҳокимларга айландилар. Ваннинг ерлари камайтирилиб, унга ўлпон тўланмай қўйилди. Эр. авв. ВИИИ аср охирида Хитойда мустақил, бир-бири билан ўзаро низолар гирдобида бўлган ўнлаб давлатлар пайдо бўлди. Улар мамлакатнинг анъанавий бирлигини рамзи сифатида Чжоу ванининг олий ҳокимиятини расман тан олдилар. Бу даврда ижтимоий табақаланиш мураккаблашди. Қулларнинг ва қарам аҳолининг сони ўсди. Товар-пул муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари ўсди. Ван томонидан ер-мулклар зодагонлар, ҳарбийларга тақсимлаб берилди. Ерга хусусий мулкчилик пайдо бўлди.

Милл. ав. ВИИ асрдан бошлаб ўзаро урушлар кучайди. Чжоуларнинг Хуанхенинг юқори оқимидаги жун қабилалари билан тўқнашуви авж олди. Кўчманчилар бирлашиб, чжоуларга катта ҳафв туғдирдилар ва Чжоу подшоликлари ички курашида иштирок этдилар.

Хуанхенинг ўрта оқими ва Буюк Хитой текислигидаги давлатлар ўзларининг маданий анъаналарини бирлиги билан бошқалардан ажралиб турар эди. Улардан ба`зилари ўзларини чжоулар авлодидан деб, бошқалари инларга мансуб деб ҳисоблар эдилар. Чжоу вани Осмон ўғли сифатида иннинг диний ва олий ҳокимиятини тан олди. Бу давлатлар ҳудудида Хуася маданий-генетик бирлигининг шаклланиш жараёни борди ва эр. авв. И минг йиллик ўрталарида ўрталикдаги подшоликлар (Чжунго)нинг барқарор этномаданий-сиёсий жамланмаси пайдо бўлди. Уларнинг дунёни тўрт иқлими варварларидан устунлиги тушунчаси шаклланди. Чжунгожен (ўрталикдаги подшоликлар одамлари)ларнинг маданий устунлиги ғояси қадимги хитойликларнинг ўзлигини англашида муҳим унсур бўлди.

Хитой ҳудудида расмий чжоу анъанаси “варварлар” деб менсимайдиган, катталиги ва тараққиёт даражаси билан ораликдаги подшоликлардан қолишмайдиган, тил ва маданияти билан улардан фарқ қиладиган маҳаллий-етник асосда пайдо бўлган давлатлар мавжуд эди. Бу давлатларнинг юқори даражадаги қадимги маданиятлари тўғрисида олиб борилган археологик қазилмалар далолат беради. Эр. авв. ВИИИ-В асрларда Хитойда беш қудратли давлат ўз сиёсий мавқеини кучайтириш учун кураш олиб борди. Улардан тўрттаси “варвар” подшоликларидан эди: шимолий-ғарбдаги Жун подшолиги-Син, Ман подшоликлари-Чу (Янсзи ўрта оқимида) ва У (Янсзи остонасида) ва энг жанубдаги этник ола қуроқ Юе (бу ерда ветнамликлар аждодлари қариндош ҳақлар яшаган). Улардан фақат Син Шарқий Чжоу ванининг расмий ҳокимиятини тан олар эди.

Милл. авв. V-ИИИ асрлар-“Урушаётган подшоликлар” (Хитой анъанасида Чжанго) даврида қадимги Хитойнинг “етти қудратли” давлатларидан учтаси хуасяюга мансуб эмас эди: шимолий-шарқий Ян, Чу ва Син эди. Син давлати Хитой тарихида муҳим из қолдирди. “Синлик” этноними қадимги хитойликлар номи бўлиб қолди. Шунга асосан Ўрта



Осиёда Чин, лотинча Сине, немисча Хина, франсузча Шин, инглизча Чайна этимологик атамалари пайдо бўлди.

Ўрта подшоликлар қўшни халқлар билан мунтазам алоқада бўлдилар. Бу алоқалар жараёнида халқларнинг ассимилятсияси ва мураккаб ўзаро таъсири юз берди. Жумладан, хуасяо (хитой) этник бирлигининг шаклланишида Буюк Хитой текислигида Милл. авв. ВИИ-ВИ асрларда ўтроқлашган сак-скиф дунёсига мансуб Ди қабиласи муҳим ўрин тутди. Сак-скиф Ди қабиласи ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жараёнида Хитой текислигида давлат ва жамиятни ташкил қилди. Ди давлати қўшни қабилаетник бирликлар билан яқин алоқада бўлди. XX асрнинг 70-йилларида ўтказилган археологик қазилмаларда бу вақтда оқ Дилар ташкил қилган Чжуншан хебей подшолигининг юқори маданий даражаси тўғрисида гувоҳлик берадиган кўплаб топилмаларни топилди. Топилмалар ичида Милл. авв. II минг йиллик ўрталаридаги жез қўйма санъатининг энг яхши бадиий намуналари мавжуд. Оқ Ди қабилалари Шимолий Хитойда бошқа давлатларни ҳам тузганлар.

Ванлар ривожланмаган иқтисодий шароитда зодагонларга хизмати учун ер-мулк бердилар. Бундай ер-мулк вақтинчалик бўлиб, Ван уни қайтариб олиши мумкин эди. Бундай ерларни мерос қилиб қолдириш мунтазам тус олди. Чунсю (Баҳорлар ва кузлар) даври (ер. авв. ВИИИ-В асрлар)да уруғ зодагонлари (кўп ҳолларда улар подшо уйи билан қонқариндош эдилар) ҳукмрон мавқега эга бўлиб, улар давлат бошқарувидаги олий лавозимларни меросий эгаллаганлар. Улар қўшиннинг асосини ташкил қилган жанговар жез жанг аравалари эгалари эдилар. Уларга қарши ҳукмдорлар ўз қўшинларини пиёдалардан шакллантирдилар.

### **Назорат саволлар:**

1. Нима асосида Қадимги Шарқда давлатлар ташкил топади?
2. Қадимги Шарқда давлат ташкил топишда қандай жараёнларни босиб ўтди?
3. Қадимги Миср давлатининг ўзига хослиги?
4. Қадимги Шарқ мамлакатларнинг мафқураси нимага асосланган?
5. Қадимги Хиндистон ва Хитой ҳукмдорларини вақолатлари нимадан иборат бўлган?

## РЕЖА :

- 2.1. Франк давлати. Каролинглар давлатида феодал муносабатлар асосининг шаклланиши.
- 2.2. Византия империяси ва унинг давлат бошқарув соҳасидаги ўзига хос жиҳатлари.
- 2.3. Илк ўрта асрларда Хитой ва Ҳиндистонда давлат бошқарув шакллари.
- 2.4. Араб давлатининг пайдо бўлиши ва давлатчилик анъаналаридаги ўзгаришлар.
- 2.5. Ривожланган ўрта асрларда Европада давлатчилик ривож.
- 2.6. Ривожланган ўрта асрларда Осиё мамлакатларида давлатчилик анъаналари.
- 2.7. Ўрта асрларда давлатчилик масаласи ва дин тушунчасининг уйғунлашуви ва Буюк географик кашфиётлар

**Таянч сўз ва иборалар:** *Империя, ҳарбий кушин, мафкура, марказлашув*

### **2.1. Франк давлати. Каролинглар давлатида феодал муносабатлар асосининг шаклланиши.**

**Калит сўзлар:** Ўрта аср, феодал, Феодализм, варвар, Франклар, Вассаллик, “Сали ҳақиқати”, Каролинглар, Буюк Карл, Феодал шохсура, Шарқий қисм, Юстиниан I, “Дехқончилик қонуни”, Македонияликлар сулоласи, Хань сулоласи, Ян Цзянь, Ли Юань, тоифа, му, “Осмон фарзанди”, Динлар, Ҳиндистон, Гупталар, каста, Арабистон ярим ороли, Ясриб, ер солиғи.

#### **“Ўрта аср” “Феодализм” сўзларни пайдо бўлиши**

“Ўрта асрлар” ва “Феодализм” сўзларининг маъноси тарих жараёнида Европа тарихи фанида ўзгариб борган. Бу ўзгаришлар аввалдан бўлиб, даври жиҳатдан ва аввалдан борлиги тарихга бўлган қизиқиш ёки уни қайта ёндошиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар тарихий жараёнларни қайта кўриб чиқиш ва уларга “формацион”, “ишлаб чиқариш” ҳамда ўша даврдаги дунёқарашлар билан боғлиқ.

“Ўрта аср” сўзи латин тилида *medium aevum* бўлиб, илк бор италян гуманистлар (инсонпарварлар) томонидан киритилган. XV асрда италян гуманисти Флавио Бьондо “Рим қулашидан буён тарих” асарини ёзиб илк бор “ўрта аср” тушунчасини киритади. Яъни Рим даврини антик давр деб ном бериб ўзи яшаган даврни “ўрта давр” деб ажратади. Илк гуманистлар антик даврдан то ўрта асрларгача бўлган даврни “**варвар**”лар ёки ёввойилашган давр деб таърифлашган.

XVII асрда Германиянинг Галл университетининг профессори Й.Келлер “ўрта аср” иборасини жаҳон тарихини умумий даврлаштиришга киритади ва шу билан антик давр (қадимги) ўрта аср ва янги давр бўлади.

Ўрта аср хронологик жихатдан Рим империясининг иккига бўлинишидан яъни, император Феодосидан 395 йилдан то Шарқий Рим империяси (Византия)ни 1453 йилда Константинопол турклар томонидан ишғол этилиши билан якун топади.

XVIII аср давомида яъни маърифатпарвар даврида “ўрта аср” иборасига кескин ўзгаришлар киритилди, қолаверса тарихдаги босқич даврга янгича ёндошишди. Яъни ҳар бир даврни ажратишда унинг маданий жихатдан эмас, балки динга ва черковга бўлган муносабатдан келиб чиқиб баҳо берилди.

Янги тарих даври илк китоб дастгоҳи ихтиро этилиши ва европаликларни Америка қитъасини ихтиро қилиши билан боғланди. XIX асрга келиб ўрта асрларга бўлган муносабат яна ўзгара бошлади, яъни бу давр инсоният даврида энг намунали давр деб талқин этилишига уриниб кўрилди. Лекин, фандаги ихтиролар, инсониятни дунё қараши кенгайиб бориши бу уринишларни йўққа чиқарди.

XVIII ва XIX аср оралиғида Ўрта асрлар даврини ўрганишда иккита методологик йўналиш шаклланди.

1. Антик даврдан бошлаб то христиан дунёсини пайдо бўлишига қадар бўлиб, унда тарихни ривожланиши узлуксизлиги, Европа жамиятининг эволюцион ривожланиши, тушкунликдан иқтисодий ва маданий кўтарилиши акс эттирилган. Хронологик босқич XI аср деб белгиланган.

2. Методологик ютуқ эса тарих жараёнини таҳлил этишда тарихий воқелик, сиёсий жараёнлардан ташқари ижтимоий тарихга ҳам назар ташланган. Бу эса “ўрта аср” ва “феодализм” иборасига янги талқин берилган.

1789 йилдан француз инқилоби арафасидан бошлаб илмий ишларда XI-XII асрлардаги ҳужжатларда юридик ибора “**феод**” сўзи ишлатила бошланди, яъни “**феод**” – ер мулки сифатида сеньор томонидан ўз вассалига хизмат эвазига фойдаланишга берилган. Герман ерларида бундай ижтимоий алоқа “**лен**” деб аталган.

XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб тарихий иборалари тушунчасини чуқурлаштириш кенгайиб борди. Яъни тарихни ўрганишда тарихий воқеаларни ёритишда тарихий қахрамонларни ҳикоялар орқали ўрганиш ўрнига тарихий босқичма-босқич, тарихий жараёнларни ҳар томонлама ўрганиш, манбаларга танқидий жихатдан ёндошиш баҳо беришга қаратилган.

Илк бор бундай ёндошиш Францияда О.Конт Англияда Дж.Милл ва Г.Спенсерлар асос солишган ва бундай ёндашув позивитизм деб аталган. Кейинчалик позитивизм пойдевори асосида янги талқинлар ва чуқур ёндашувлар ривожланди. Ҳозирги кунда Ғарбий Европа учун ўрта асрлар тарихи уч даврдан иборат:

- 1) V аср охиридан XI аср ўрталарига қадар – илк ўрта аср. Рим империясини қулаши ва феодал муносабатларни шаклланиши билан ифодаланади
- 2) XI аср ўрталаридан XV аср охири – феодал муносабатларини ўсиб бориши, шаҳарлар сони кўпайиши, пул-товар муносабатларини ривожланиши, феодал тарқоқлик асосида марказлашув жараёнлари.

3) XVI-XVII асрлар – феодализмни сўнгги даври ва янги тарихни бошланиши.

Ўрта асрларни ўрганишда 5 та манбага асосланади:

- 1) Табиий-географик;
- 2) Этнографик;
- 3) Моддий;
- 4) Бадиий-рассомчилик;
- 5) Ёзма манбалар (ҳикоялар, ҳужжатлар, қонунлар).

### **Ғарбий Европада феодал тузимини вужудга келиши.**

Ғарбий Рим империяси герман (варвар) қабилаларини кириб келиши империяни кулашига олиб келди (476 йили охири Рим императори Ромул Августин тахтдан ағдарилди, императорлик белгилари Константинополга жўнатилди). Натижада V асрда империя ҳудудида бир қатор Варвар қироллиги вужудга келди. **Африкада-Вандаллар; Италияда-Вестготлар, Италияда –Остготлар; Галияда – Фланклар; Британияда – Англо-Сакслар; Бургундия** ва бошқа майда давлатлар. Бу давлатлар орасида кучлироқ Франклар давлати бўлди.

486 йили Франклар Шимолий Галлияни эгаллаб, қабила бошлиғи Хлодвиг (486-511) Меровея сулоласидан бўлиб биринчи қиролига айланади.

Хлодвиг (507 й.) Аквитанияни, унинг ворислари (534 й.) Бургундияни Прованс (536 й.) ҳудудларини эгаллашди. Бундан ташқари Франклар герман қабилаларидан **тюринглари, алеманлари, баварлари ва сакслари** ўзларига бўйсиндиришди.

### **Франклар давлати**

486 йили Шимолий Галлияни забт этган франклар ўз давлатларини ташкил этишади, унинг асосчиси франкларнинг *сали* қабиласининг сардори Меровея авлодидан Хлодвиг (486-511 йй.) Меровинглар сулоласига асос солади.

Франклар давлатининг V аср охиридан VI аср охиригача меровинглар даври деб ном олади.

Хлодвиг 507 йилда Аквитанияни, унинг ворислари даврида 534 йилда Бургундия, 536 йилдан остготлардан Провансни тортиб олишади.

Франклар Рейн дарёси бўйидаги бир қатор герман қабилаларидан тюринглар, алеманлар ва баварларни бўйсиндиришади, сакслар ҳар йили товон тўлашга мажбур бўлишади.

Франклар давлати бошқа варвар давлатларига қараганда узоқроқ ҳаёт кечиради. Франклар давлати мисолида Европадаги феодаллашув жараёнининг келиб чиқиши ва ривожланиши ёрқин акс эттирилган.

Охирги тадқиқотларга кўра, франклар даврида ҳам асосий ишлаб чиқарувчи кучлар қуллар ва колонлар бўлган, аҳоли эса галл-римликлар бўлган.

Франклар V аср охирида ҳам бошқа герман қабилларидан (вестготлар ва бургундлар) фарқлироқ ижтимои ва иқтисодий жихатдан қолоқ аҳволда бўлишган ва босиб олинган ҳудудларда франклар рим-галл аҳолисидан алоҳида истиқомат қилишган.

Франклар давлати, ижтимои ва иқтисодий ҳаёти ҳақида Сали ҳақиқатидан маълумот олса бўлади.

“Сали ҳақиқати” VI аср бошида Хлодвиг даврида қабул қилинган, бўлиб, бу *сали* қабиласининг урф-одат қонунчилиқ тўплами бўлиб франклар давлатининг қонунчилигига асос бўлиб қолади ва VI-IX асрлар давомида франк қироллари томонидан тўлдирилиб борилади. Сали ҳақиқатига кўра франкларда ҳар бир оиллага экин майдон тақсимлаб берилишига қарамай, ер жамоа мулки ҳисобланган ва фақат эркак томонидан мерос бўлган, агар эркак ворис бўлмаса, жамоа вакиллари ҳисобига ўтиб кетган, лекин 561-584 йилларда ҳукмдорлик қилган қирол Хилперик аллод ҳақида янги қонун жорий этиб унга кўра ер шахсий аллодга айланиб, меросхор эркак киши бўлмаса, қизига ёки синглисига ўтишини қонунлаштиради.

Ерни аста-секин хусусий мулкка айланиши, франкларни уруғ-аймоқчилик тузишини емирилишини тезлаштиради ва феодал муносабатларини шакллантиради. Қулчилик сақланиб қолишига қарамай, қуллар асосан уй юмушларида, чорва боқишда ишлатилган.

Франклар давлати Хлодвикни вафотидан сўнг йирик ер вилоятларга бўлиниб кетади, яъни:

***Нейстри;***

***Австрази;***

***Бургундия;***

***Аквитания***

Ушбу тўртта вилоят ўзини этник ва феодаллашув жараёни билан фарқ қилган. VII аср охирига келиб ҳар бир вилоятдаги ҳукумат майордлар қўлига ўтиб кетади. Бир вақтлар майорат оддий сарой хизматидаги лавозимлардан бўлган.

Тўрт вилоят бир-биридан мустақил бўлган, натурал хўжалиқ ҳукм сургани учун вилоятлар ўртасида иқтисодий алоқалар бўлмаган.

687 йили Австрази майорди Пипин Геристальский бутун франк қироллигини майордига айланади ва ҳар вилоятда қирол тахтига ўзи қирол вакиллари ўтказди, шу даврдаги қиролларни "дангаса қироллар" деб ном беришган. “Дангаса қироллар” даврида аста-секин Пипин Геристальскийни ворислари аввал майордлар, 751 йилдан қироллар сифатида давлатни бошқара бошлашади ва шу тариқа “қороллар” даври бошланиб IX асргача давом этади.

Қороллар даврида феодаллашув жараёни янада тезлашади ва VIII аср бошларига келиб Франклар қироллигида икки қарама-қарши гуруҳ шаклланади, яъни йирик ер эгалари уларга қарам бўлиб қолган дехқонлар, улар ўртасида доимо тўқнашувлар юз берган.

Карл Мартел (“Болға” 715-741) майорд лавозимидан фойдаланиб авалло ўзаро урушларга чек қўйишга ҳаракат қилади, қолаверса ташқи

душманга қарши ҳам ҳаракат қилади, яъни 732 йили Пуатье шаҳри яқинида Карл Мартелл бостириб кирган арабларга қарши курашда ғолиб бўлади, ички ислоҳотларда аллод ўрнига бенефицийни кенгайтиришга ҳаракат қилади, чунки шу йўл орқали ҳарбий қўшинни кучайтиради ва марказий ҳокимиятни мавқеини оширади.

Карл Мартелл вориси Пипин Кичкина (Калта) (741-768) Черков билан бўлган муаммони ҳал этади ва Рим Папасини назарига тушади. Лангабардлар томонидан сиқувда қолган Рим папаси Пипин Кичкинани қирол тахтига ўтиришга ундайди ва 751 йил Суассон шаҳрида, тантанали равишда, Пипин қирол тожини кияди ва короллар сулоласига асос солади. Меровинглардан сўнги қирол Хилдерик III монастрга жўнатилади.

Короллар сулоласида Пипин Калтанинг ўғли Карл кейинчалик Буюк Карл катта ном қолдиради, у нафақат марказий ҳокимиятни мустаҳкамлайди, ва кескин давлат чегараларини кенгайтиради.

774 йили Италияга ҳужум уюштиради, Лангабардларни сўнги қироли Дезидерий устидан ғалаба қозонади ва давлатига қўшиб олади.

778 йил арабларга қарши кураш бошлаб Сарагоссагача етиб боради, лекин чекинишга мажбур бўлади, бу юришда Карлнинг саркардаларидан Роланд асосий ҳарбий қўшинларни чекинишида жасорат кўрсатади. (Кейнчалик француз халқ оғзаки ижодида Роланд ҳақида қўшиқ (эпос) туғилади.)

801 йили Карл яна қайта арабларга қарши юриш қилиб Барселонани эгаллайди ва Испан марказини ташкил этади.

772-802 йиллари Карл Саксларга қарши ҳаракат олиб боради ва фақат 777 йилдан бошлаб Карл герман қабилаларини чўқинтиришни бошлайди ва қабилла сардорларига катта ерлар инъом этиб уларни бўйсиндиради.

Саксларни қаршилигини синдириш йўлидан яна бири 804 йилдан саксларни давлатни ички ҳудудларига, франк ва ободрит қабилаларни саксонияга кўчириши сиёсатини олиб боради.

788 йил Карл Боварияни қўшиб олади.

800 йили Карл Папа Лев III га Рим шаҳридаги иссённи бостиришга ва ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беради, минатдорчилик сифатида Папа Карлни бошига императорлик тожини кийдиради ва натижада Карл ва Византия ўртасида низо келиб чиқади, яъни ҳар бир император ўзларини Рим империясининг давомчиси деб билишган.

Карлнинг пойтахти Аахен шаҳри бўлиб, лекин босиб олинган вилоятлар бир-биридан узоқлашган ва шунинг учун Карл бутун умри ҳарбий юришда ёки вилоятларини назоратдан ўтқозишда ўтган.

Ташқи кўринишда Буюк Карлнинг давлати марказлашган бўлса ҳам, амалда эса тарқоқ бўлган.

VIII аср охиридан IX аср бошларигача Франклар давлатида ер эгаллик шакллари ривожланиши авж олди ва эркин дехқонларни қарамликка ўтиши оммавийлашиб кетди.

847 йили Буюк Карлнинг набираси Карл (кал ёки Ялторок Бош) ҳар бир эркин дехқон ўзига сеньор топиши шарт деб фармон чиқазди ва шу



билан вассалитет давлат тизими шакилана бошланди лекин бу тизим давлатни емирилишига ва тарқоқлика йўл очиб берди.

Вассалитет шох супаси:

**Қирол**  
**I**  
**Герцоглар ва Графлар**  
**I**  
**Баронлар**  
**I**  
**Рицарлар**

*(Эркин дехқонлар феодал шохсупасига киришмаган)*

Баронлардан сўнг Рицарлар тоифаси бўлиб улар феодал шохсупани сўнгги поғонаси бўлишган. Рицарлар тоифаси XI-XII асрларда шаклланиб бўлиб оддий халқдан улугзотлиги ва бутун умр ҳарбий хизматта бўлиши билан ажралиб турган.

XI-XII асрга келиб Ғарбий Европа давлатларида ўзига хос феодал шох супа (ерархия) тузилади ўзаро бир-бирини турли мажбуриятлар билан ўзаро боғлиқ бўлишади.

Англиядан ташқари Европа давлатларида “менинг вассалимнинг вассалли менинг вассалим эмас” ибора ҳукм сурган.

Вассалитет ўзига хос тартибда жорий этилган яъни ўзини вассаллик бағишлашдан аввал тантаналий *аммож* (қассамиёд) келтирган яъни ўзини гувоҳлар олдида “ўзга вассалликка бағишлаш *Фуа* - содиклик” қасамиётини берган.

Асосий мажбуриятлардан ташқари (йиллига 40 кун ҳарбий хизмат ўташдан ташқари) вассал ўз сеньорига ҳеч қачон қарши чиқмаслиги, уни шанини, мулкани, ҳимоя қилиш, молия жиҳатдан ёрдам бериш, ойлавий тантаналарида иштирок этиш керак бўлган, ўз навбатида сеньор вассалига нисбатан уни ҳимоя қилиш, унинг етимларига ва беваларига ҳомийлик қилиш лозим бўлган.

Феодал шохсупаси чигал бўлиши доимо тўқнашувга олиб келган, IX-XI асрларда қирол ҳукумати суст бўлгани туфайли ҳар қандай муаммони ҳарбий йўл билан ҳал қилиш оддий ҳол бўлган шунинг учун доимо ўзаро феодал уруши айнан шу даврга тўғри келади.

XI асрнинг бошларидан бошлаб феодаллар урушига черков барҳам беришга киришади ва “*илоҳий сулҳ*” ёки “*илоҳий яраш*”ни тарғибот қилишади.

Феодалларни асосий машғулоти ҳарбий юриш ва талончилик бўлган. Севимлий кун кечиришларидан, ов қилиш, от мусобақалари ва турли турнирлар бўлган.

X-XI асрлар бутун Европада қасрлар қурилади, феодални қасри унинг қўшни феодаллардан ёки исён кўтарган дехқонлардан асрайдиган паноҳ бўлишдан ташқари сиёсий, маъмурий ва ҳарбий марказ вазифасини бажарган.

X аср охирига қадар қасрлар ёғочдан қурилган икки қаватли бино бўлиб у девор билан ўралган, девор остида сув тўлдирилган хандақ ўраб турган.

XI асрдан бошлаб қасрлар тошдан (феодалларнинг қурбига қараб) қурила бошланди. X-XI асрларда Европада асосий ҳарбий куч отлик қўшин бўлиб қолади, ҳар бир феодал ўз сеньорига ҳарбий хизмат ўтиб бериш шарт бўлган.

XII-XIII асрларда Европа *“рицар кодекс”*лари пайдо бўлади, яъни доворякли, хулқ-атвори билан, бева бечораларни ва етимларни ҳимоя қилиш лозим бўлган, лекин бу ҳақиқатдан йироқ бўлган, феодаллар оддий дехқонлар ва шаҳарликлардан ҳазар қилишган, ва қанчалик бир-бириларидан узоқ бўлишмасин хавфли онгларда бир-бириларига боғлиқ бўлишган.

## **2.2. Византия империяси ва унинг давлат бошқарув соҳасидаги ўзига хос жиҳатлари.**

Византия тарихи бир неча босқичдан иборат :

1. Илк (IV-VII-биринчи ярмиси).
2. Ўрта (VII-иккинчи ярмиси – XII аср).
3. Сўнги (XIII-XV аср ўрталари).

Ғарбий Рим империяси Герман қабилалари томонидан истило қилингандан кейин ҳам Рим империясининг Шарқий қисми узоқ вақт ҳукм сурди. Давлат тили латин тили бўлишига қарамай аҳоли ўртасида грек (юнон) тили ҳукм суради, чунки империя ҳудуди турли халқлар бўлишига қарамай (грек, ассирияликлар, арманлар, грузинлар ва ҳокозо) юнонлар ва уларнинг тили устувор эди.

Шарқий Рим ёки Византия империяси пайдо бўлишига турли ёндашувлар бор, тарихчилар, давлат номини тарихчилар император Константиннинг эски юнон шаҳри Византия ўрнига асос солган янги шаҳар (339) (Константинополь) билан, давлатни келиб чиқиши эса император Феодосийнинг ўғли (355) Аркадий билан, 476 йил Ғарбий Рим қулаши натижасида тарих сахнасида империянинг шарқий қисми ўзини сақлаб қолгани билан боғлашади.

Шарқий қисми – Ғарбий қисмдан кучлироқлигини ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий ва молиявий сабаблар билан ифодаласа бўлади.

Шарқий қисмининг иқтисодий кучи, ҳудудда (Миср, Шимолий Месопотамия, Яқин Шарқ, Кичик Осиё, Болқон ярим ороли) шарқ мамлакатлари билан савдо-сотик анча юксаклиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосан эркин дехқонларга суянганлиги ва марказий ҳокимиятни кучлироқлиги билан ажралиб туради.

Қулдорлик тузуми ҳам кескин тушункунликка учрамайди, бунга асосий сабаб кул ғарбидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучи ролини ўйнаган. Шарқий империясида жамоатчи дехқонлар давлат дехқонлари бўлиб ўз ерлари, шахсий мулк ва хўжаликлари бўлган. Шарқий Римнинг илк юксалиши император Юстиниан I билан боғлиқ (527-565 йй).

Юстиниан I Византия тарихида йирик император, давлат арбоби, саркарда ва қонунчи сифатида тарихга киради.

Юстиниан I собиқ Рим империяси тиклаш мақсадида Варвар қиролликларини ишғол этишни бошлади (534 – Вандаллар қироли, 555-Остготлар ва Вестготлар қироллигини) давлатларини босиб олди. Ўрта ер денгизи ички денгизга айланди.

Лекин Юстиниан I даврида худди Ғарбий Рим империясига варвар қабилаларни сиқиб чиқариши Шарқий империядан ҳам юз берди, Болқон ярим ороли жанубий славян қабилаларини ва Лангобардларни бостириб кириб кулдорлик тузумини емирилишига ва янги феодал муносабатларни шаклланишига олиб келди.

Юстиниан I тарихга йирик қонунчи сифатида ҳам ном қолдирган. 528-534 йилларда тўрт қисмдан иборат юридик кодекслар яратилган

I. **12 томли** (жилдли) Юстиниан кодекси – Рим императорларни қонунлари;

II. **Дигестлар** – 50 та китоб – машҳур юристларни асарларидан парчалар;

III. **Институциялар** – судьялар ва ўқувчи юристлар учун қўлланма;

IV. **Новеллалар** – Юстиниан кодексига кирмаган янги қонунлар.

Қонунларда кулдорлик тузуми емирилиши ва шахсий мулкдорларни пайдо бўлиши юридик ҳужжатларга эътибор қаратилиши кўзга ташланди, бу қонунларни чиқаришдан мақсад бир томондан кулдорлик тузумини сақлаб қолиш.

Юстиниан I умри охирида барпо этилган давлат емирила бошланди, бунга асосий сабаблардан бири босиб олинган худудларда кулдорлик бекор қилинмаганлиги, аксинча маҳаллий аҳоли устидан зулм кучайтирилганлиги, ҳарбий юришларни молиявий қоплаш учун ер ва бошқа солиқларни оширди, бу эса эркин дехқонларни норозилигига олиб келди. Ҳарбий мағлубиятлар Византияни шарқда ҳам учрайди, яъни аввалги Эрон давлати ўрнига янги асосий душман - араблар пайдо бўлди.

636-642 йиллари Византия - Сурия, Фаластин, Юқори Месопотамия, Миср ва бошқа худудлардан маҳрум бўлди. 602 йили Константинопольда сарой тўнтариши натижасида Юстиниан сулоласи тахтдан туширилиб янги Ираклий сулоласи келди. Юстиниан сулоласини охирги вакили Маврики тўнтариш натижасида бутун оиласи билан қириб ташланди.

Император Ираклий вақтида (610-641) империя озмунча мустақамланди, Эронликлардан Сурия, Фаластин, Миср қайтариб олинди, лекин бу кўпга бормади, VII аср 30-40 йилларида бу худудларни араблар тортиб олди.

Ираклий ворислари даврида Византия худуди янада қисқарди, Шимолий Африка араблар томонидан, болқон ярим ороли Болгария (679) давлати томонидан тортиб олинди.

Юстиниан даври билан солиштирилса Византияда фақат Болқон ярим оролини жанубий қисми, Жанубий Италиянинг бир қисми, Қрим ярим оролининг бир қисми, Кичик Осиё ва Архепелаг ороллари қолди.

VII асрда Византияда ҳудудий ўзгаришлардан ташқари ички, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳам рўй берди, Александрия ва Антиохия йўқотилганидан сўнг Константинополь Шарқ ва Ғарб ўртасида муҳим савдо кўпригига айланди, кулдорликни емирилиши тезлашиб феодализмни ривожланиши давом этди.

VII аср бошларида Византия худудига славян қабилаларини кириб келиши ер муносабатларга кескин ўзгаришлар олиб келди, шу даврга оид манбаларга қараганда ўзига хос “Дехқончилик қонуни” ер ва ерга эгалик қилиш турлари яққол кўрсатилган.

Византиядаги келгинди славян деҳқон аҳолининг аҳволи “Дехқончилик қонуни”да жуда яхши таърифланган, бу манба VIII асрга оид бўлиб, лекин унда VII асрдаги аграр муносабатлар ҳам акс этган. Ушбу манбага қараб фикр юритилганда, бунда деҳқонлар эркин аҳоли бўлиб, уларнинг ўз экинзорлари, токзорлари ва боғлари бўлган. Деҳқонларнинг хўжалигида деҳқончиликнинг ўзидан ташқари, чорвачилик ҳам катта роль ўйнаган. Ҳар бир деҳқоннинг ер участкаси экинзор, токзор ёки боғдан иборат бўлиб, унинг ўз хусусий мулки деб ҳисобланган, лекин унда жамоа ер эгалигининг аломатлари кўриниб турар эди.

Шундай қилиб, “Дехқончилик қонуни” жамоанинг табақаларга ажрала бошлаганлигидан, жамоа аъзоларининг ўз ёнидаги катта дунёвий ер эгалари ёки черков-монастирь ер эгаларига қарам бўла бошлаганлигидан ҳам далолат беради. Сон жиҳатдан кўпайган, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланган, жамоаларга уюшган Византия деҳқонлари VIII-IX асрларда ишлаб чиқариш кучларини муваффақиятли ривожлантирди, мамлакатни ғалла билан, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, токчилик маҳсулотлари билан тўла таъминлаб турди. Шу билан бир вақтда ҳукумат деҳқонларидан мунтазам равишда ер солиғи олиб турар эди. Бу нарса давлат молиясини анча тартибга солди. Ниҳоят деҳқонлар Византия барпо этилаётган янги қўшин учун манба бўлиб хизмат қилди, империя улардан унинг энг хавфли душмани бўлган Араб халифалигига қарши курашда фойдаланди.

XIII аср бошида Византия араблар томонидан сиқила бошлади, Кичик Осиёга бостириб кириб, Кипр ва Родос ороллари босиб олинди 717-718 йилда, бир йил давомида Константинополь қамал қилинди, лекин Константинополь бунга бардош берди ва араблар шаҳарни босиб олишдан қайтишди. Константинопольнинг қулай стратегик мавқеи, Византияликларнинг “Греklar ўти” деб аталган ўтни ишлатиши, императорга иттифоқчилар, яъни Болгарларнинг ёрдам бериши натижасида, араблар катта талофат кўриб, чекинишга мажбур бўлдилар. Янги сайланган император Лев III Исавр истездодли ташкилотчи ва қобилиятли олий кўмондон бўлиб

чикди. У Сурия билан чегарадош Исаврия вилоятидан чиққан бўлиб, янги исаврлар династиясига асос солгандир. Исаврлар сулоласи Византияни юз йил давомида (717-802) идора қилди. Лев III (717-740) ва унга ёрдамчи бўлиб, унинг ўрнига император бўлган Константин (740-775) арабларга қарши курашда катта тажриба ортирган ҳарбийлар эди. Лев III император тахтига ўтириб ҳарбий ишга катта эътибор берди. VII асрда Ираклий ва унинг ворислари давридаёқ Византия ҳукумати ёлланма кўшниларга кўшимча равишда маҳаллий лашкарлар тўплаган қисмини амалга оширган, бу маҳаллий лашкарлар маҳаллий маблағлар ҳисобидан таъминланарди. Лев III замонида бу ҳарбий реформа янада ривож топди.

Византиянинг асосий рақиби бўлган араб халифалиги майда давлатларга бўлиниб кетиши, Македония сулола империя худудини кенгайтишига олиб келди, араблардан Крит, Кипр ороллари, Антиохия шаҳри билан бирга Суриянинг катта қисми қайтариб олинди, лекин славян давлатлари билан муносабатлар ёмонлашиб кетди, Болгария подшолиги босиб олинди, Болкон ярим оролидаги серб, харват ва бошқа қабилалар худуди қисқа вақт бўлсада бўйсундирилди. Македонияликлар сулоласи даврида Византия ва Рус давлати ўртасида яқинлашув юз берди.

717-802 йиллари Византия тарихида Исаврлар сулоласи деб ном олди. Сулола асосчиси Лев III (717-740) бўлиб императорликни ҳарбий ислохотдан бошлади, яъни ёлланма кўшиндан ташқари маҳаллий лашкарлар тўплаш ва уларни шу маҳаллий аҳолини бўйнига қўйди, бутун мамлакат алоҳида ҳарбий округларга (*фомлар*)га бўлиниб ҳар бир округ давлат чегараларини кўриқлаш керак эди, ҳарбий сафарбар қилинган оддий аскарлар *стратиот* бутун умр хизмат қилиб, маълум ер бўлаги билан таъминланарди ва ер орқасидан кун кечирарди, давлат солиқларидан қисман озод этиларди. Ҳарбий ислохот натижасида пиёда аскарлар (майда ер дехқонлар) ва отлик аскарлар (*майда полистые ер эгалари* - рицарлар) ҳарбий ислохотни амалга ошириш учун император Лев III сенаторлар ва черков, монастырларни ерлари тортиб олишга мажбур бўлди, лекин бу йўл билан Лев III аввало унга қарши бўлган кучли сенаторларни ва черковни енгди.

Катта ерга эгалик қилган черковга қарши кураш император Лев III бошлаб беради ва бу курашни унинг ворислари давом эттиришди.

Черков ерларининг кенг кўламда *секуляризация* (давлат мулкига айлантирилиши) қилиши Исавр императорларнинг номи билан боғлиқ. Исавриялик императорлар ўз замондошларидан *“бутга қарши курашувчилар”* деган лақаб олди. Улар бутга сиғинишга қарши фармонлар чиқардилар, уларнинг буйруғи билан иконалар ибодатхоналаридан олиб чиқилди ва уларнинг бир қисми йўқ қилиб ташланди. Черков буни асос қилиб императорни бутга қарши *курашда айблади*. Лекин Исавриялик императорнинг сиёсати улар тахтга чиқмасдан илгари Византияда бошланган диний жанжаллар доирасидан хила четга чиқиб кетди. Императорлардан Лев III, Канстантин у ва уларнинг ворислари айна катта черков-монастирь ер эгалигига қарши кураш қизиб кетган бир пайтда бутга чўқинишига қарши чиқдилар, бутга қарши кураш ўзига хос бир баҳона бўлиб, шу баҳона билан



хукумат энг йирик монастирларни ёпиб қўйди ва черков-монастирь мулкларни мусодара қилди. Монастирларнинг ғазна ихтиёрига олинган ерлари Византиянинг ташкил топаётган рицарларига бенефиций қилиб тақсимлаб берилди. Монастирларнинг ерларидан ҳарбий хизмат учун бериладиган бундай участкалар Византияда алоҳида бир термин билан *харистикий* деб аталган, бу эса маъно жиҳатидан латинча *“бенефиций”* сўзига тўғри келади.

Исавриялик императорларнинг ҳарбий ислохатлари яхши натижа берди. Императорлар катта ҳарбий кучга эга бўла олди. **Фем** қўшинлари ўз округларини араблардан жуда яхши ҳимоя қилди. Византия ҳукумати сал-пал каттароқ кўламда ҳужум операцияси олиб боришга ҳали журъат этолмасди. Лекин ҳукуматнинг сиёсати черков гуруҳи ўртасига катта норозилик туғдирди. Янги сулола обрўсининг кучайишидан норози бўлган дунёвий зодагонларнинг бир қисми ҳам черков гуруҳига қўшилди. Бутга қарши кураш тарафдорлари билан бутга чўқиниш тарафдорлари ўртасидаги кураш бир неча ўн йилга чўзилди ва баъзан бу кураш жуда кескин тус олди. Лекин халқ оммаси ўртасида ҳам норозилик кучайиб бормоқда эди. Феодализмнинг тараққий этиб бориши эксплуатациянинг янги формаларини вужудга келтира бошлади. Феодал ер эгасининг қўшинлиги эркин деҳқон жамоаларини крепостнойлаштириш хавфи остида қолдирган эди. IX асрнинг бошларида араблар харфи остида қолдирган деҳқонларнинг аҳволи жуда ҳам ёмонлаша бошлади. Янги *“қудратли одамлар”* – динатлар ёки (славянлар атаганидек) *“властеллар”* – жамоага қарашли экин экиладиган ерлари ва яйловларни тап тортмай хаёсизларча босиб олиб, стратиогларни эса ўз крепостнойларига айлантира бошладилар.

IX асрнинг ярмидан то XI асрнинг ярмигача Византияни Македонияликлар династияси идора қилди. **Василий I Македонлик** бу сулоланинг биринчи вакили (867-886). X асрда бу сулоладан бир неча машҳур императорлар чиқди, ўз замонининг атоқли олими ва ёзувчиси **Константин VII Багрянородний** (912-959), машҳур ҳарбий саркардалар – **Никифор Фока** (963-969), **Иоан Цимисхий** (969-976) ва **Василий II Болгорбойца** (976-1025) ана шулар жумласидандир.

Македонияликлар сулоласи идора қилган вақтга келиб Константинополь жуда катта савдо марказига айланди ва Европа билан Осиё ўртасидаги савдо асосий воситачилик ролини ўйнади. Осиё ўртасидаги савдо асосий воситачилик ролини ўйнади. Араб рус-славян, италянларнинг савдо-сотиклари Константинополга келиб тўпланиб, унинг жуда катта шуҳрат қозонишига ва жойланишига сабаб бўлди. Византия императори ташқи савдодан шундай катта даромад олдики, IX ва X асрларда Ғарбий Европадаги король ва императорлардан бирортаси ҳам бундай даромад ололмас эди. Шу билан бирга IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араблар хавфи Византия учун қўрқинчли бўлмай қолди. Араб халифалиги бу вақтда айрим-айрим мустақил давлатларга бўлиниб кетган эди.

Византиянинг ўзи энди араблар Шарқига қарши ҳужумга ўтишга молик бўлиб қолган эди.

Македонияликлар сулоласи вақтида империянинг территорияси яна кенгайди. Шарқда араблардан Крит, Кипр ороллари, антиохия шаҳри билан бирга Суриянинг катта бир қисми тортиб олинди. Ғарбда, яъни Италияда империя апулия билан Сицилияни бирмунча вақтга қайтариб олди.

821 йили Византия тарихида (Исаврлар сулоласи даврида) йирик кўзғолон бўлиб ўтади, тарихга “Фома славян” кўзғолони деб ном олади. Узини император Константин VI ўғли деб эълон қилади, араблар томонидан қўллаб-қувватланиб Константинополни қамал қилади, лекин мағлуб бўлиб – қатл этилади.

843 йил бутга сиғиниш яна тикланди лекин, мусодара этилган ерлар қайтарилмади.

IX аср ярмидан то XI аср ярмигача Византия тахтида Македонияликлар сулоласи ҳукм сурди, сулола асосчиси Василий I Македонлик (867-886) бўлди.

Бу сулола даврида Константинополь йирик савдо Марказига айланди, Византия императори воситачилик савдосидан Европада қирол ва императорлар қараганда катта фойда топар эди.

Византиянинг асосий рақиби бўлган араб халифалиги майда давлатларга бўлиниб кетди. Македониялик сулола даврида империя худуди кенгайиб борди, араблардан Крит, Кипр ороллари, Антиохия шаҳри билан бирга Суриянинг катта қисми қайтариб олинди, славян давлатлари билан муносабатларда ёмонлашиб кетди. Болгария подшолиги босиб олинди, Болқон ярим оролидаги серб, харват ва бошқа қабилалар худуди қисқа вақт бўлсада бўйсундирилди. Македонияликлар сулоласи даврида Византия ва Рус давлати ўртасида яқинлашув юз берди.

Македонияликлар династияси вақтида Византия билан Русь ўртасидаги муносабатлар тотувлашди. Қизғин савдо муносабатлари, мустақамланган маданий алоқа, умумий душманларга – печенеглар, хазарлар ва половецларга қарши биргаликда кураш олиб борилиши натижасида Византия билан Русь ўртасида X асрнинг иккинчи ярмида дўстона муносабатлар ўрнатилди. Бу дўстлик муносабатлари камдан-кам ҳоллардагина душманлик ҳаракатлари туфайли узолиб турди. Константинополь патриархи Русь черкови бошлоғини Киев метрополитини тайинлаш ҳуқуқини даъво қилди. Бироқ Руснинг черков йўли билан Византияга бўлган қарамлигини Ярослав I рус попи Илларионни 1051 йилда Киев Метрополит қилиб тайинлаш билан анча бўшаштирди. Рус черкови Константинополь черковининг ҳукмронлигидан 1448 йилда узил-кесил кутулиб олди. Русь метрополитлари, хатто греклардан бўлганида ҳам рус черковини мустақил идора қилар ва одатда олисдаги Константинополь патриархидан кўра Руснинг буюк князи иродаси билан кўпроқ ҳисоблашарди.

XI аср ўрталарида Византия черковининг ҳаётида иккинчи бир муҳим воқеа Рим папаси билан ажралиш юз берди. Бир томонда, Константинополнинг Италия билан алоқаси сусайиб кетиши, иккинчи томонда, Ғарбда Рим папалари сиёсий қудратнинг кучайиши шундай

оқибатларга олиб келдики, ўша вақтгача ягона бўлиб келган христиан черкови ғарбий католик ва шарқий-проваславга ажралиб кетди. Бу вақтга келиб уларнинг диний маросимлари тоат ибодат тили ва бошқариш системасининг ўзи ҳам (ғарбда-папа ва кардиналлар, шарқда-пойтахт шаҳар Константинополнинг патриархи бошчилигидаги патриархлар) анча ўзгариб кетди. Черковлардаги ажралиш 1054 йилда Рим папасининг легатлари, яъни элчилари грек черковини рим черкови билан алоқа қилишини рад этиб, Константинополни ташлаб чиқиб кетган пайтдан бошланди. бунга жавобан Константинополь патриархи Рим черкови билан унинг бошлиғи папага лаънат ўқиди.

Македонияликлар династияси вақтида Византиянинг феодаллашув процесси тез авж олиб борди. Эркин деҳқонларнинг сони шу қадар тез камайиб бордики, мамлакат мудофаа қобилиятининг пасайишидан, шунингдек, аҳолидан тушадиган солиқ маблағларининг камайишидан кўрқиб, императорларнинг ўзлари ҳам ташвишга туша бошладилар. Динатлар томонидан деҳқон ерларининг босиб олинишига қарши X асрнинг биринчи ярмида императорлар бир неча марта фамонлар-новеллалар (922, 934 ва 947 йиллардаги новеллалар) чиқарди. Император Василий II нечта янги фармон чиқарди.

## **XI-XII асрларда Византия**

Феодал задогонлар шу қадар кучайиб кетган эдики, 1057 йилда македонияликлар династиясининг ўрнини ва Кичик Осиёдаги задогон йирик ер эгаларидан чиққан Комнинлар династияси эркин деҳқонларнинг қолган-қутганларини ҳам феодалларга ем қилиб беришга ҳар томонлама кўмаклашди.

Комнинлар вақтида катта черков ер эгаллиги македонияликлар династияси вақтидагига қараганда кенгроқ кўламда қайта вужудга кела бошлади. Шу билан бирга Византия поместьеларида ҳали бир мунча қуллар ҳам бор эди. Улар асосан ҳовли ичидаги ҳар хил ишларни қилиш билан бирга, улардан қишлоқ хўжалик ишларида, айниқса суғориш йўли қурилиш ишларида, тош қонларида ва шу қабилаларда ҳам фойдаланадилар.

Византия ўзининг кўп асрли ҳаёти даврида бой ва ранг-баранг маданият яратди. Бу маданият жанубий славянларга ва Русга катта таъсир кўрсатди. VI асрлардаёқ ўзининг илк намуналарини берган Византия архитектураси (Юстиниан императлари) кейинги асрларда ҳам ривожланишда давом этиб, пишиқ монументлар Византия ибодатхоналари типини бунёд қилдики, бу типдаги ибодатхона намуналари XI асрдаги қадимий рус ёдгорликлари тутиш керакки, руслардаги “византия” услуби ўзи намуна олган грек услубидан кўп жиҳатдан фарқ қиларди. Қадимги славян мотивларини ҳам ўз ичига олгани ҳолда бундан кейинги ривожланиш процессида ўзининг оригинал формаларини яратган ўша услуб умуман олганда русларнинг ўзига хос ижоди эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Византияда қурилиш техникаси ғишт қилиш, жуда ажойиб оҳак қоришмаси тайёрлаш, ғишт териш санъати,

монументал куббалар, улуғвор гумбазлар ва шу кабилар яратиш техника ўз замонаси учун жуда юксак даражада эди. Византияда IX-XI асрларда рассомлик расм солиш ҳам, кошинкорлар тасвирлари ҳам зўр бериб ривожлана борди; рассомликнинг бу шакллари Византияда тобора қатъий тус олиб ва услублашиб борди.

Константин VII дан илгари эса ўз замонасининг энг атоқли тўпловчиси, библиофили ва энциклопедисти патриарх фотий бўлиб (820-891), ўзидан кейин “Мириобиблили” деб аталадиган тўплам қолдирган, бу тўпламга 300 га яқин очерк кирган, булар қадимги грек авторларининг асарларидан кўчирма бўлиб, уларнинг ҳар қайсисига тегишли шерлар берилган.

Византияда йилномалар ёзиш жуда ҳам ривож топди. VI-IX асрлардаги энг атоқли воқенавислар **Иоанн Малала, Ферван ва Георгий Амартолдир**, тарихчилардан бири **Анна Комнинани, Никита Акоминатдир**.

1081 йили тахт учун курашда Алексей I Комнинг (1081-1181) ғалаба қозонди ва шу даврдан бошлаб Византия императорлари аста-секин емирилиб бораётган давлатни сақлаб қолишга ҳаракат қилинган, яъни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ўсиб бориши, бир томондан сиёсий тарқоқликка олиб келарди, чунки марказ ва вилоят ҳокимлар ўртасидаги муносабат узоқлашарди, чунки давлат раҳбари ўз ҳукуматини кучайтиришга қаратса вилоят раҳбарлари аксинча марказда узоқлашишга интилишарди. 1204 йили Византия Салбчилар босиб олди.

### **2.3. Илк ўрта асрларда Хитой ва Ҳиндистонда давлат бошқарув шакллари.**

III аср охири IV аср бошида Хань сулоласидаги Хитой давлати инқирозга юз тутиб парчалана бошлайди. Айнан шу давр қулдорлик тизими емирилиши ва янги феодал муносабатларнинг шаклланиши билан ифодаланади.

Лекин ҳозирги кунда Хитой тарихчилари хитойда феодаллашув жараёни анча илгари яъни милоддан аввалги XI асрдан – то милоддан аввалги IV асрлар билан белгиланади, чунки хитойни марказий ва жанубий ҳудудлари асосан ўтроқ деҳқончиликка асосланган бўлиб ер асосий бойлик ўлчовига айланган эди.

189 йили Хань империясининг пойтахти Лоян қўзғолон кўтарган ҳарбийлар томонидан забт этилади, натижада империя уч давлатга парчаланади.

***Шимолда - Вэй.***

***Жанубий-Шарқда – Фу***

***Ғарбда – Шу***

Уч давлат доимо ўзаро уруш олиб боришган. 265 йил Вэй давлатининг ҳарбий қўмондони Сима Янь Цао Цио сулола ҳукмдорларини тахтдан ағдариб ўзининг Цзинь сулоласига асос солиди ва уч давлат ўртасидаги урушларга чек қўяди, яъни Шу давлатини ва 280 йилда У давлатини босиб олиб Хитойни бирлаштиради ва тарихга император Сима Янь деб қиради.

Уч давлатни ўзаро уруш олиб бориши катта талофот келтиради, айниқса аҳоли сони кескин қисқариб кетади, яъни тахминан 50 млн. аҳолидан 16 млн. қолади холос.

Ички аҳволни яхшилаш учун 280 йили Сима Янь аграр ислохот ўтказди, яъни 16 ёшдан то 60 ёшгача бўлган эркаклар ва аёллар ер бўлаги билан таъминланади, ердан олинган фойда иккига бўлиниб I қисми ер эгасига II қисм давлат хазинасига. Белгиланган солиқ фақат асосий ишловчилар тўлаган, ҳар бир хўжалиқдан ипак газлама ва ипак хомашё, агар хўжалиқ боши аёл киши бўлса солиғини ярми олинган, ёш болалар ва қариялардан солиқ олинмаган.

Давлат ҳисобига ишлаш 30 кун деб белгиланади, узоқ ҳудудлардаги ва чегара ерлар солиқ миқдори қисқартирилган. Давлат лавозимларига савотлий шахсларни жалб этиш учун Сима Янь уларга лавозимни даражасига қараб ер билан таъминлаш ва хизмат вақтида солиқ ундирмаслиги қоидалари киритади, лекин энг юқори давлат лавозимидаги шахс ихтиёрида 50 хўжалиқдан ошмаслиги белгиланади.

289 йили Сима Янь ўлимидан сўнг Хитой яна ўзаро урушларга шўнгиб кетади, ҳарбийлар, катта ер эгалари ва давлат хизматчилари ўзаро тахт учун кураш бошлашади.

III-VI асрларда Хитой шимолида Буюк халқлар кўчиши бўлиб ўтади, бу жараён Хитойга ҳам таъсир қилади, яъни хун қабилалари Хитойни шимолий ва марказий ҳудудлари бостириб киришади, асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, Хитой маданияти билан танишув уруғчилик тизими емирила бошлайди.

Цзин қўшинлари хун қабилаларини бостириб киришига бардош бера олишмайди. Натижада 311 ва 316 йиллари Лоянь ва Чаньан каби йирик шаҳарлар хунлар томонидан ишғол этилади. Хун қабилалари орасида сяньби қабиласи иттифоқи кучли бўлсада, асосий маҳсулоти чорвачилик, овчилик бўлиб азалдан хитой савдогарлари орқали хитой императорлари билан доимий алоқада бўлишган. III аср охирида Хитой шимолида айни сяньби қабиласи иттифоқи Янь подшолигига асос солишади ва IV аср охирида сяньби қабиласи сардори кучли отлик қўшин ёрдамида бутун хитойни марказий ҳудудини босиб олиб Цзини император деб эълон қилади. Натижада Хитой иккига бўлинади, яъни деҳқончилик ривожланган жануб ва ҳукуматни эгаллаган чорвадор шимол

Жануб ва Шимол ўртасидаги кураш узоқ давом этиб, шу давргача бўлган давлат молия ва солиқ тизими барбод бўлади. Савдо-сотик мол айрбошлаш, солиқлар ипак мато билан ёки от боши билан олинган.

VI асрни иккинчи ярмига келиб шимол ва жануб ўртасидаги фарк деярли қолмади, яъни тинимсиз уруш туфайли жанубдаги деҳқончилик сусаяди, шимолда эса кўчманчи хунлар аста-секин маҳаллий аҳоли билан аралашиб ўтроқлашиб кетади ва натижада Хитой устидан янги хавф пайдо бўлади, яъни шимолда Турк хоқонлиги ташкил топиши Хитойни бирлашишига туртки бўлади.



581 йили Шимолдаги ҳарбий кўмондон Ян Цзянь ўзини император деб эълон қилади ва Суй сулоласига асос солади (581-618).

Ўзаро урушлардан толиққан Хитой ҳудудлари қисқа вақт ичида бирлаштирилади. Ички иқтисодий тиклаш учун солиқлар миқдори камайтирилади ва тартибга солинади, Ян Цзянь конфуций таълимотини издоши бўлиб давлат лавозимларга саводли ва ўқимишли шахсларни таклиф этади.

604 йили Ян Цзянь ўз ўғли ва Ян Гуань томонидан ўлдирилади ва тахтни эгаллайди. Отасини сиёсатини давом эттириб, савдо-сотиқни ривожлантириш учун Буюк канал қурдиради. Хуанхэ ва Янцзи дарёларини улаб денгизгача олиб чиқади, Буюк деворни таъмирлашга ва қуришни давом эттиришга ҳам эътибор қаратади. 610 йили Ян Гуанга қарши кўзғолон бошланади, натижада 618 йили император ўлдирилади, тахтга Шанси вилояти раҳбари Ли Юань ўтириб Тан сулоласига асос солади (618-907).

Ли Юань давлатни тиклаш учун солиқлар миқдори камайтирилади ва аграр ислохот ўтказилади.

624 йилги қонунга кўра ҳар бир меҳнатга лойиқ эркак ўз томорқасидан ташқари 90 му (I-му – 6 сотих) ерга эга бўлиши белгиланади. Меҳнатга лойиқлиги аввал 18, кейинчалик 21 ёш деб белгиланди.

Ер миқдори ерни сифатига қараб ҳам белгиланди, эркин ерни сотишга, гаровга қўйиш таъқиқланди.

Тан сулоласи даврида бевалардан ташқари аёлларга ер бўлаги берилмаган, солиқ миқдорини белгилаш учун аҳоли рўйхатдан ўтказилган ва аҳоли 5 тоифага бўлинган.

- 4 ёшгача
- 4-16 ёшгача
- 16-21 ёшгача
- 21-60 ёшгача
- 60 ёшдан юқори

Агар хўжаликда 4та меҳнатга лойиқ жон киши бўлса, давлат мажбуриятига 2 киши жалб қилинган, 3 та бўлса 1 таси, давлат мажбуриятидан озод қилинганлар ер бўлаги билан таъминланмаган. Давлат мажбурияти 20 кун деб белгиланган (Суй даврида 30 кун) солиқ ипак газлама билан ёки кумуш тангалари билан олинган, чорвадорлардан – қўй билан олинган, агар мажбурият кунларидан ортиқроқ ишлаб берилса солиқ камайтирган, чўл ва сувсиз ерларни ўзлаштира солиқлардан маълум вақтгача озод этилган.

Тан сулоласи даврида жамоатчилик, ер эгалик тўлиқ ўз кучини йўқотади, жаома оқсоқаллар фақат солиқ йиғишда ва давлат мажбуриятни бошқаришда чегараланиб қолишади.

Тан сулоласи даврида йирик феодал ва давлат шахсларига ерларни инъом этиш кенг тарқалади;

***Энг юқори лавозимдаги шахс – 10000 му;***

***энг кичик лавозим – 5000 му;***

***сарой ходимлари – 6000 то 500 мугача;***

*хизмат кўрсатган фуқаролар ва ҳарбий лавозимдагилар – 6000 то 300 му гача;*

*Давлат хизматчилари ўзи эгаллагагн лавозимига қараб-  
пойтахтдаги хизматчилари – 200-1200 му гача;*

*вилоятдаги лавозим шахслар – 250-1200 му;*

*ҳарбийлар – 80 то 600 му гача.*

Меросий ва хизмат вақтига берилган ерлар солиқдан озод этилган.

**Ижтимоий ва давлат тизими.**

Хитойни феодаллашув жараёнида эски деспотик тузим сақланган ҳолда ижтимоий табақаланиш кескин тус олади. Олий зодлар тоифасига меросий аслзотлар ва буюк хизмат эвазига шу тоифага кўтарилганлар ўз навбатида бу тоифа ўзига хос табақага бўлиниб тоифасига қараб ер бўлаги бўлган ва ўзаро тоифа ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Ғарб мамлакатларидан фарқлироқ мойорат қонуни бўлмаган, шунинг учун вақт ўтиши билан йирик ерлар майдалашиб кетган.

Юқори тоифани кўпчилигини давлат хизматчилари ташкил этган, императорни асосий таянчлари бўлишган, улар ҳам ўз навбатида 9 тоифага бўлинишган, ҳар бир тоифа ҳам ўз тоифаларига бўлинишган. Ҳар бир тоифа лавозимига қараб ер билан таъминланган, тоифа ва ранглар ўртасида ҳам белгиланган муносабатлар бўлган.

Давлат лавозимлари меросий бўлмаган, лавозимни эгаллаш учун қатъий назоратдан ўтиб имтиҳон топшириш лозим бўлган. Асосий ишлаб чиқарувчи куч оддий деҳқонлар бўлган, лекин улар ҳам гуруҳга бўлинишган (яхши халқ) деҳқонлар хунармандлар майда савдогарлар – солиқни асосини ва давлат мажбуриятларини шулар бажаришган. (Мутаҳам халқ) – шахсан қарамлар, хизматкорлар ва қуллар.

**Давлат тизими**

Давлат раҳбари император “Осмон фарзанди” ҳисобланган, ўз ёрдамчилари орқали давлатни бошқарган.

Тан сулоласи даврида бутун Хитой 10 провинцияларга (вилоятларга) бўлинган, ўз навбатида ҳар бир вилоят кичик округларга ва туманларга бўлинган. Давлат аппаратининг асосий функцияларидан бири учинчи даражали имтиҳон ташкил этиш, саройда император бошчилигида, вилоятларда вилоят раҳбарларини остида ўтказилган имтиҳондан ўтганлар. 1,2,3 тоифа давлат лавозимини эгаллашга ҳақли бўлишган.

Тан сулоласи даврида яъни 653 йилда ишлаб чиқилганва 737 йилда чоп этилган “Тан Люй Шуи” номидаги ўзига хос юридик кодекслар, қонун-қоидаларни назарияси конфуций таълимотига асосланиб кўп асрлар давомида айнан ана шу қонун-қоидалар нафақат Хитой, бутун Узоқ Шарқда қонунчилик намоёндаси бўлиб келди.

Қонунчилик тўпламида императорни давлат бошқарувидан тортиб оила аъзолари билан бўладиган муносабатлар:

Давлат лавозимидаги шахсларни мажбуриятлари;

Деҳқонлар, хунармандлар, савдогарлик ҳам алоҳида тилга олинган.

### **Ташқи сиёсат.**

Хитой бирлашгунга қадар босқинчилардан ҳимояланишга мажбур бўлган. Суй оиласи даврида Корея ярим оролига келган ҳарбий юришлар, сулолани тахтга ағдарилишига олиб келди, Тан сулоласи даврида 643 йилдан то 663 йилгача Корея ярим оролидаги Пэкче давлатига қарши уруш олиб бориб енгади, хатто ёрдамга келган янги ҳарбий денгиз флотини мағлуб этади.

VII асрдан бошлаб Япония билан элчилик муносабатлар ўрнатилади, худди шу даврга Тибот ва Ҳиндистон билан савдо-сотик ва элчилик муносабатлари ўрнатилади. VII аср охирида хитойликлар Индо-Хитой ярим оролига ҳам ўз ҳукмдорлигини ўрнатишга ҳаракат қилишади.

### **Динлар.**

Даосизм – “Даодэ узин” қадимги фалсафий назария.

III-IV асрдан бошлаб Ҳиндистонда буддавийлик кириб кела бошлади. V асрда Хитой жанубларига Бирмадан кириб кела бошлайди.

Хитойда буддавийлик кўп қирралаи ва кўп оқимларга бўлиниб кетган. Бунга асосий сабаб буддавий асарларини турлича таржима қилиниши ва талқин қилиниши.

Дао-шэн – таълимоти бир тирик жондод маърифатга эришиши мумкинлигини ўқитади.

Дао-ань-таълимоти бутун Узоқ Шарққа ёйилиб ҳозирги кундаги буддавийлик кўриниши шу таъминотдан бошланган ва Будда ҳайкали кўриниши ҳам шу таълимотдан келиб чиққан.

### **Илк ўрта асрларда Ҳиндистон.**

III аср Кушон давлатини парчаланиши натижасида Шимолий Ҳиндистонда қисқа муддатга бир қатор майда давлат фаолият кўрсатишади.

IV аср бошларига келиб, кичик князлардан бўлмиш Чандрагупта Ганг водийсининг катта қисмини забт этади ва давлат пойтахти этиб Паталипутра шаҳрини белгилайди. 320 йил ўзини император деб эълон қилади.

IV аср охири V аср бошида Гупталар давлатининг энг чўққисига чиққан давр ҳисобланади. Гупталар даврида қадимги давр ижтимоий-иқтисодий тартиблар сақланган ҳолда айрим ўзгаришлар киритилган эди, яъни аҳоли асосан шаҳар ва унинг атрофида жамланган бўлиб шаҳардан олис худудларда турли қабилалар истиқомат қилган, шунинг учун асосий тарихий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар асосан шаҳар ва унинг теваарагида бўлиб ўтади. Хитой саёхатчиси Сюань Цзаннинг ёзишича шундай ҳолат VII асрда ҳам давом этиб, Ҳиндистон 70 та шаҳардан иборатлиги ёзиб қолдирилган.

### **Аҳоли**

Ҳиндистон аҳолиси географик, иқлим ва ижтимоий табақаланиш билан боғлиқ бўлган.

Чўл ва ўрмонзор ҳудудларда асосан чорвадор қабилалар яшаган, водийларда эса дехқончилик билан кун кўрадиган аҳоли, дехқонлар ва чорвадорлар доим явлов ва ер учун ўзаро – доим курашиб келишган.

Асосий етиштирадиган маҳсулот шоли ва дукакли экинлар экканлар. Ўтроқ аҳоли орасида хунармандчилик алоҳида ўрин эгаллаган узок ўлкалар ва давлатлар билан савдо-сотик катта фойда келтирган.

V асрга қадар ташқи савдо ўрта ер денгизи ва Рим империяси билан боғлиқ бўлган бўлса, VII-VIII асрларда ташқи савдо жанубий-шарқий Осиё давлатлари, Марказий Осиё ва Арабистон.

Савдо-сотикда асосан Шимолий Ҳиндистон, Бенгалия, Оресса ва Тамиланд ҳудудларидаги хунармандлар ва савдогарлар иштирок этган. Савдогарлар билан бирга савдо саёхатида ҳарбий аскарлар, хунармандлар, хизматкорлар ҳам иштирок этиб аксарият ҳолларда улар ўша ерларда қолиб ўрнашиб тирикчилигини давом эттиришарди, бунинг натижасида Жанубий-шарқий Осиёнинг денгиз бўйи ҳудудларида Ҳиндистон маданиятига хос давлатларни пайдо бўлишига олиб келади.

Тарихчиларни таъкидлашча Ҳиндистон аҳоли айна илк ўрта асрларда кескин кўпая бошлайди, яни милодий аср бошида тахминан 25 млн. бўлса I минг йилликка келиб 50 млн. ошган.

### **Аграр муносабатлар**

Аграр муносабатлар Гупталар даврини охирига келиб кескин ўзгариб кетади, яъни қадимий даврда барча солиқ тўловлар ва мажбуриятлар марказий давлат ҳокимияти фойдасига бўлса, гупталар даврида катта-катта ерларни инъом этилиши ва инъом этилган ерлардаги аҳоли энди солиқ ва мажбуриятларни тўлиқ ер эгаси фойдасига бажарар эди.

Гупталар давридан бошлаб инъом этилган ерлар билан бирга ер эгасига “ёрлик” ҳам берилган, яъни унда инъом этилган ерда аҳолини солиқ миқдори ва мажбурият турлари кўрсатилиб ўтилган, айрим ёрликлар, ер эгаси тўлиқ давлат солиғида озод этган, бундай ёрликлардан фойдаланиб феодаллар давлат ерларидаги дехқон ва хунарманд аҳолини ўзини ерига кўчиб ўтишига жалб қилган.

Феодаллашув жараёнида феодал табақани шаклланишида ер инъом этишдан ташқари турли қabila ва жамоаларнинг сардори ва оқсоқолларни мавқеи ўсиб бориши натижасида сақланади.

### **Жамоа-Каста (ижтимои табақа).**

Қадимги даврдан Ҳиндистонда турли жамоа шакллари шаклланиб келган, лекин уларни деярли барчаси бир ягона шакл сифатида жаҳондаги жамоалар орасида алоҳида ўрин эгаллайди.

Қадимги даврда Ҳиндистонда жамоа-кастапян биринчи шакли **варна** вужудга келади, яъни: 1. Блахман. 2. Кшатри. 3. Вайши. 4. Шудра.

Илк ўрта асрларда ва кейинчалик варна аста-секин янги тизим кастасига яъни **джатига** шаклланди, табақавий бўлиниш – авлоди касб-хунар,

этпик келиб чиқиши, эътиқодига кўра, урф-одатига кўра, ижтимоий келиб чиқишига кўра ва эндогамно ёпиқлигига қараб.

Каста бўлиниши асосида жамоа иш тақсимланиши етади яъни ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқармайдиган. Кастага келиб қўшилган янги жамоалар асосан пастин касталар таркибига кирган, агарда у бу чорвадор қабилалар кичик худудий давлатларни босиб олган ҳолатларда улар одатда кшатри (ҳарбий) каста таркибига кирган.

Пастки касталар асосан оғир ва соғлиққа зарар ишлар билан шуғулланишган, ўз навбатида илк ўрта асрлардан бошлаб юқори каста табақа суъний жихатдан пастки касталарда ажрала бошлашди, яъни савдо-сотик ва судхўрлик билан шуғулланувчилар, катта ер мулкдорлар, ўз навбатида брахманлар кастаси алоҳида аниқ жамоага айлана борди.

Ўз навбатида каста ўзида ҳам алоҳида қишлоқ ёки шаҳар жамоаларига ёки хунармандлар жамоасига бўлиниб, улар хизматида пастки каста вакиллари бўлган.

Ҳар бир жамоада хизматкор вазифасида турли хунармандлар (теричи, кулолчи, темирчи ва кир юувчи (эркак)) бўлиши шарт бўлган. Хунармандлар ва хизматкорларни еб-ичиши жамоа бўйнида бўлган. Ҳар бир худудда у ёки бу хизмат алоҳида бир каста вакилларига бириктирилган ва аста-секин бир жамоа ичида барча хизматлар ва ишлаб чиқаришлар тақсимланиб, хизмат ва иш ҳақи тўланиши тартиб қоидалари ишлаб чиқилади ва натижада натурал (мол-айрбошлаш) хўжалик ривожланиб, бир жамоа ташқи дунёдан алоҳида ҳаёт кечириши муҳим бўлган, яъни буни джаджман – тизими деб аталган.

Бу тизим кастаги барча вазифаларини бир-бири билан боғлаб қўяди, яъни юқори кастадагилар қанчалик паст кастада узоқлашмасин уларсиз ҳаёт кечира олмаган (яъни паст кастадагиларни барча ишлар (овқатдан ташқари) ҳалол бўлган ва уларни хизматидан фойдаланишган).

Паст касталар кир ювишган, кўча супиришган, дафн маросимларини бажаришган, ашулачи ва рақосалар бўлишган. Катта ер эгалари ҳаёти тўлиқ ижарачи дехқонлар билан боғлиқ бўлган. Дехқончилик билан шуғулланувчи каста ёки жамоаларни ҳам ўзига хос табақага бўлинишган, яъни улар орасида бой дехқонлар ўрта ва қашшоқ дехқонлар бўлган, шунинг учун феодаллашув жараёнида Хиндистон бошқа давлатларда тубдан ажралиб туради, чунки қарам дехқон феодал таркибига кирувчилар ижтимоий каста бўйича хилма-хил бўлган. Қишлоқ худудидида дехқонлардан сўнг ёнланма ишчилар турган, улар асосан энг паст каста ёки хазар қиладиганлардан бўлган (чандал), уларни кўпинча қуллар билан таққослаш мумкин, лекин илк ва ўрта асрларда улар етиштирган ҳосилдан 1/10 ёки 1/20 эгалик қилишган.

Шунинг учун илк ва ўрта асрларда Ҳиндистонда тўлиқ феодал муносабатлар ўрнатилган деб бўлмайди, бунга айнан каста-варна тизими ва жамоаларни автоном ҳаёт кечириш ҳолатини берган.

### **Харши давати**

V аср ўрталарига келиб Гупталар давлати парчаланиб кетади, бунга асосий сабаблардан ички кураш ва шимолий-ғарбдан эфталиларни бостириб



келиши. VII асрга келиб Ҳиндистонда иккита йирик давлат ташкил топади, яъни шимолда ва Белгияда, икки давлат ўртасидаги кураш натижасида 606 йили Шимолий Ҳиндистон ҳукмдори Харша ғолиб чиқади, лекин бу давлат 647 йили яна ички урушлар туфайли парчаланиб кетади ва VIII асрга қадар йирик ва кучли давлат ташкил топмайди.

### ***Буддизм ва Индуизм***

I минг йилликлар давомида бутун Ҳиндистонда буддизм ва жанубий ҳудудларда **джайтизм** диний таълимот тарқалади.

Буддизм Ҳиндистонда пайдо бўлишига қарамай у тараққий этмайди, илк буддизм таълимотидаги ижтимоий тенглик каставарна жамиятида қабул қилинмайди. Буддизм ҳинд ижтимоий қатлампидан ўрин эгаллаш учун махаяна – (Буюк чархпалак) яқинлашди, натижада ўзига хос индуизм диний маданият макланди, яъни Буддалар ҳайкалларида ташқари, бодхисаттв ва турли худолар сиймосига сиғиниш. Шунини таъкидлаш керакки, буддизм ва индуизм таълимоти, бошидан руҳни танадан-танага кўчиши – сансарага, қилган гуноҳларига қараб жазо – кармашаклланган қфонун-қоидаларга дхарма – риоя қилса, ҳар бир жон сансарадан азоб бўлишини таъминлашга амал қилишган.

Ҳиндистонда буддизмни чуқур илдиз отмаслигидан сабабларидан индуизм кохинларни ҳукмдорларга таъсири кучлилиги ва буддизм таълимоти ҳаёт ташвишларида вос кечиш аскетик ҳаёт кечиришга даъват этарди, бу эса жамият қонунларига зид келарди.

VII аср бошида Шимолий Ҳиндистонда бир қатор майда давлатлардан иборат бўлган 712-773 йиллари Мухаммад ибн Косим бошчилигида араблар Синд ва Мултон князликларини босиб олишди ва илк бор Ҳиндистон шимоли мусулмонлар қўлига ўтди. Марказий ва Жанубий ҳудудларда эса бир қатор майда давлатлар ўзаро урушларни ботиб кетишган эди.

VIII асрни иккинчи ярмидан бошлаб Ганг водийсида – Раджапут давлати Гурджара – Пратихара шаклланади, асосчиси Ватса-раджа (738-790 йй.).

VIII аср ўрталарида Бенгалия ва Бихарада Паллар давлати ташкил топади ва Раджапут давлати билан тўқнашади. Бу ўзаро урушга яна бир давлат **Раштракутлар** аралашади.

Раштракутлар ҳукмдорлар (марказ – жанубий Ҳиндистон) Шимолий Ҳиндистон давлатларини босиб олишга ҳаракат қилишмаган, яънеи босқинчилик юришларини фқат катта ўлжа учун уюштиришган.

XI аср бошида Шимолий Ҳиндистонда Раштрапутлар яна катта ҳарбий юриш қилиб кучайиб кетган Гурджара-Пратихара давлатига катта зарба беришади, Пратихара ҳукмдори бу урушда халок бўлади, лекин унинг ворислари таслим бўлишмайди. Гурджара – Пратихара давлатини гуллаб яшнаши IX аср охирида бўлади, X асрга келиб давлат майда раджаликларга бўлиниб кетади.

### **Вассаллик**

Раджапутю давлатида вассаллик тизими давлат шаклланиши билан боғлиқ, юқори шохсупада-уруғ олий зотлари турган, ҳар бир ғалабали

босқиндан сўнг ўз вассалларига хизматларига қараб ер майдонлари инъом этилган, улар эса ўз вассалларига, эътиборли томони, шох супада асосан бир уруғдан чиққан вакиллар ўтирган.

VIII-XII асрлар давомида Шимолий Ҳиндистонда вассал иерархия тизими тўлиқ ривож топди, X аср ўрталари давлат парчаланишига қарамай вассаллик сақланиб қолди.

Қизиқарли томони шундаки вассаллик шох супада лавозим ва давлат рангига қараб ҳарбий кўшин сони ҳам белгиланган:

*Император* (Махараджахираджа)- 1 млн.

*Махараджа* – 100 минг

*Раджа* – 10 минг

Феодал мулклари худди Европа каби меросий бўлган, уни сақлаб қолиш иши вассаллик хизматида бўлиши, ўз ўрнида вақтинчалик мулклар ҳам бўлган яъни давлат хизмат вақти берилган мулклар.

Раджапутлар даврида ҳарбий ўлжа ҳукмдорга қариндошликни узок яқинига қараб тақсимланган, ҳар бир қариндош ўз улишини – **грасс (култум ёки хазм қила оладиган ер бўлаги)** олган. Ҳар бир грасса 10 дан то 100 га етган, бир сулола вакилларига бир ёки яримта қишлоқ теккан. Грасс меросий бўлиб унинг тирикчилигини таъминлаб турган.

Ҳукмдор сулоласига мансуб бўлмаган шахсларга ҳам ерлар инъом этилган, улар **патта (грамота)** яъни вақтинчалик, хизмат вақтига берилган ерлар. Раджапут ҳукмдорлари шаклланиб келган ички диний қоидаларга амал қилиб келишган ва диний брахманларга ер инъом этилган, одатда бу 1-2 қишлоқ бўлган, катта ер эгаларига турли диний храмлар бўлган.

X аср охирида Шимолий ва Марказий Ҳиндистон худудларига Ғазнавийли каби туғдира бошлашди ва биринчи босқинчилик юришлари унумли бўлиб Шимолий Ҳиндистон ғазнавийлари давлат таркибига кирди.

#### **2.4. Араб давлатининг пайдо бўлиши ва давлатчилик анъаналаридаги ўзгаришлар.**

##### **Араб давлати VI-XI асрларда.**

Арабистон ярим оролининг майдони 3 млн. кв.дан истиқомат қилувчи қабилаларни ижтимоий-иқтисодий турмуши турли бўлган.

Ярим оролининг катта қисми чўл ва сахролардан бўлиб, фақат жанубий қисмда дехқончилик ривож топган, шунинг учун аҳоли ўтроқ ва кўчманчи чорвадор гуруҳига бўлинган.

VI асрга қадар Арабистоннинг Йилан ҳудудида Химсярит давлати бўлиб, дехқончилик, хунармандчилик ва савдо+сотик юқори даража кўтарилган эди, давлатга Эфиопия, Ҳиндистон ва Ўрта ер денгизи орқали савдо-сотик алоҳида фойда келтирарди.

Аҳолининг асосий қисми кўчманчи чорвадорлар бўлиб VI-VII асрга келиб ибтидоий жамоа тизими инкирозга учрайди, қабила бошлиқлари ажралиб чиқиб жамоа ерларига даъвогарлик қила бошлашади, алоҳида ҳуқуқий эркин, лекин у ёки бу байроқ қабиладошига қарам бўлиб қолган шахслар пайдо бўлади.

Уруғ-аймоқчилик муносабатлари маҳкамбўлишига қарамасдан айнан уруғ ичида ўзаро ер, яйловлар ва кудуқларга эгалик қилиш курашлар айнан шу даврга тўғри келади.

Қулдорчиликка асосланган Химорит давлатининг парчаланиши ва араб қабилаларини ички ижтимоий-сиёсий инқирозидан фойдаланиб Арабистон ярим оролига эгалик қилиш учун Византия ва Эрон тўқнашишади.

Бу кураш асосан қарвон савдо ишлари учун бўлиб, буни амалга ошириш учун христианлик ва яхуди динларини тарғибот қилиб ёки шу динга асосланган давлатларни ярим оролга бостириб кириб келишига кўмак беришган (Византия).

525 йилда (Ассум (Эфиопия)) хукмдорлари Именъи ўз давлат вилоятига айлантиришади. 572-628 йиллар эса Эрон хукмдорлари Қарвон-савдо йўллариани анча шимолдан ўтказиб Имъени давлатини инқирозга учратишади, йирик қабилалар жанубдан шимолга кетишга мажбур бўлишади.

Айнан шу даврда ўзаро тарқоқликка чек қўйиш, ўзаро қабилалар ва уруғлар ўртасидаги курашларга чек қўйиш учун кучли бир шахсни ёки бирлаштирувчи куч эҳтиёжи туғилади, шахс ва куч сифатида Мухаммад а.с. ва унинг ислом таълимоти эди.

Мухаммад бин Абдуллох Қурайш қабиласини Хошимийлар уруғидан бўлиб 610 йилдан янги дин, якка худоликка итоат этишга чақиради. Ўз тарғиботини Арабистонни йирик шаҳарларидан Маккада бошлайди, лекин 622 йили қўшни Мадина (Ясрибга) қочишга мажбур бўлади (кейинчалик 622 йилдан бошлаб исломи хижрий йили деб киради).

Ясриб шахрига кўчиб ўтиш тасодиф эмас эди, чунки мединц шахрини кўпчилик зодагонлари маккаликларга доимо қарши бўлишган (молия қарзлари учун, Маккаликлар судхўрлик билан шуғулланишган).

630 йилгача Мухаммад а.с. бошчилигида бутун арабистонни бирлаштириш учун кураш олиб борилди, маккаликларни савдо қарвонлари таланиб, янги дин тарғиботи кенгайтирилди. Натижада Маккаликлар таслим бўлишга мажбур бўлишди, Маккаликлар Мухаммад а.с. диний ва сиёсий раҳбар сифатида тан олишди, ва ўз ўрнида Макканинг Кааба ибодатхонаси исмоилнинг энг муқаддас зиёратгоҳига айланди, ўз навбатида маккалик савдогарлар ҳам ислом байроғи остида – ярим оролни бирлашишига манфаатдор бўлишган.

Ярим оролни тўлиқ бирлашиши ва ислом динини қабул қилиниши Мухаммад а.с. сўнгги, унинг икки ўринбосарлари (халифа) даврида бўлиб ўтади, яъни Абу Бакр (632-634) Омор (634-644), Усмон (644-656), Али (656-661).

Мухаммад а.с. ислом диний асосчиси бўлиб Қуръон Каримга кўра 6-сўнгги пайғамбар ҳисобланади (Адам, Ной, Авраам, Мойсей, Илус, Мухаммад).

Мухаммад а.с. тарғиботини кучи шундан иборат эдики, яъни Ислом араблар уруғ-аймоғи келиб чиқишини қатъий назар уларни бирлаштирди. Ислом динини қабул қилганлар 5 маҳал намоз, закот, 1/40 миқдорда умумий

мулкидан солиқ тўлаш, рўза тутиш ва умрида бир марта Маккага хаж қилиши лозим.

Аввалига Мухаммад а.с. ҳам диний ва давлат арбоби бўлгани учун диний ва давлат ходимлари ўртасида ажралиш бўлмаган.

Шахсий мулк муқаддас ҳисобланган, меросий қоидалар, никоҳлар қатъий белгиланган, қимор, ўйинлари, алкоголь ичимликлари ва чўчқа гўштини истеъмол қилиш таъқиқланган.

Мухаммад а.с. давридан бошлаб ерга эгалик 4 шаклга ажратилган.

**1 – қабила ерлари**

**2 – шахсий ерлар – мулк**

**3 – давлат ерлари**

**4 – давлат томонидан инъом этилган ерлар.**

Халиф Омор давридан бошлаб араблар ўз ерларидан ташқари ерларни босиб олишга киришишди,

**640** йили Фаластин ва Сурия

**640-642** – Миср

**649** – йилгача Карфогенгача етиб боришди.

**634-651** йиллар Сосоний Эрон худуди забт этилди.

III аср ўрталарида Кавказда Арманистон ва Грузия то Хазарларгача қарам бўлиб қолди,

VIII асргача араблар босиб олинган ерлардан солиқ олиш билан чегараланишган ва ички ишларга аралашмаганлар, босқинчилик юришларида кўпгина араблар янги ерларга кўчиб боришган ва аста-секин маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб боришган, агар Сурия ва Ироқда босиб олишдан ҳам араблар кўпчилик бўлгани учун бу давлатлар араблашиб кетди, лекин Кавказда ва Ўрта Осиёда аксинча маҳаллий аҳоли устун келди.

Холиф Усмон даврида араб давлатини кенгайтириб бориши арабларни табақаланиши кучайтириб юборди, бу эса янги ички низоларни келтира бошлади, яъни пастки табақадаги араб Мухаммад пайғамбар давридаги қонун қоидаларга амал қилишга қайтишни талаб қила бошлашди, бу норозиликка Мухаммад а.с. куёви Али раҳбарлик қилди, Али тарафдорларни – шиа – (гурух, партия) деб номланишди.

656 йили Али тарафдорлари Усмони ўлдиришди ва халиф этиб Али сайланди (561-661). Лекин, Алининг даври сиёсий жиҳатдан фуқаролар уруши остида ўтди, яъни Алини арабларни камбағал тоифадагилар қўллаб-қувватлашди, Алига қарши юқори табақадагилар, бу уруш давомида Али тарафдоридан алоҳида гурух ажралиб чиқди улар ҳориджийлар деб аталди, уларни вакили 661 йили Халиф Алини ўлдиради.

661 йили Миср ва Сурия зодагонлари халиф этиб Омеятлардан Муавийни сулола асосчисини сайлашди, давлат пойтахти этиб Дамашк шаҳри белгиланди. Али Муавийлар сулоласи даврида (661-750) Сурия давлат маркази бўлиб босқинчиликни давом эттиришди. Шу давр ичида бутун Шимолий Афина тўлиқ бўйсиндирилди, 711 йилда Пириней ярим ороли босиб олинди, Европани босиб олишди. Франклар билан тўқнашишди ва улардан мағлуб бўлиб фонат Испанияни ишғол этиш билан кифояланишди.

Византия ҳудудлари айримларини ҳам босиб олишди ва VIII асрга келиб Фрот дарёсини юқори қисми умумий чегара бўлиб қолди. VIII аср бошида араблар тўлиқ Арманистонни, Кертли ва Албанияни босиб олишди.

**705-715** йиллари Хоразм ва Амударёни хавзаси, Мовароуннахрни босиб олиниб Хитой чегарасига етиб боришди. 761 йилга келиб бутун Ўрта Осиёда хукмронликни ўрнатишди.

**712** йили араблар Хинд хавзасини ҳам забт этишди. Араб босиб олган ҳудудларда феодаллашув жараёни тезлашади ва ер давлат мулки ҳисобланиб фақат давлат раҳбари ерларни инъом этишга ҳақли бўлган.

Арабларни хукмронлигини тан олган маҳаллий зодагонлар ўз ер-мулкларини сақлаб қолишади. Араб халифаликка яққол тус олган солиқ тизими ишлаб чиқилади:

**Закот** – ҳар бир дехқон, хунарманд ва савдогардан

**Джизуя** – жон солиғи исломни қабул қилмаганлардан

**(ер) ушр** – мусулмонлардан

**(ер) фородж** – ислом қилмаган.

Аввалги ер солиғи Византия ва Сосонийларга қараганда анча паст бўлган, лекин Уммавийлар даврида солиқ миқдорига ўзгартириш киритилган, яъни бутун ишлов ерлар рўйхатдан ўтказилиб олинаётган фойдага қараб белгиланган.

VIII асрдан бошлаб ислом динини қабул қилишдан қатъий назар хорожд солиғини тўлаш ҳамма учун тенг бўлади, хорожд ерларининг эгаси ким бўлишидан қатъий назар умрбод бу ердан хорожд солиғи олинган, лекин бунда солиқлар айрим вақтларда бекор қилинган ва вақт ўтиши билан қайта тикланган.

Давлат бошқарув тизими асосан Византия ва сосонийлардан олинган бўлиб, давлатни бошқаришда аввал қайси динга итоат қилишига қарамасдан қабул қилишган (юнон, христиан, яҳудий). Уммавийлар даврида аста-секин давлат хизматчиларига асосан арабларга топширилиб, давлат ишини юритиш араб тилига ўтади ва давлаттили бўлиб қолади. Уммавийлар ўз тангаларини зарб этишни бошлашади.

Халифалар динини ва давлат ишларини бош раҳбари бўлиб қолишади. Улар даврида бутун Халифат 5 вилоятга бўлинади ваҳар бирига араблар мансабдор шахслар таъйинланади ва ҳар бирида иккита ёрдамчи берилади (1-ҳарбий ишларга жавобгар; 2-солиғ ишларига).

Уммавийлар даврида, сулола вакилларига қарши, ёки киритилган солиқлар ва олиб борилган сиёсатларига қарши давлатни турли ҳудудларида оммавий норозиликлар бўлиб ўтади.

**680** йили Алининг ўғли Хусейн бошчилигида.

**728-737** йилларда Мовароуннахрда Суғдийлар.

**734-743** йилларда – Мағриб ва Испанияда

**740** - йилда Куфада шийхлар.

**744-747** йилларда Иккидарё оралиғида, Ғарбий Ироқда ва Жанубий Арабистонда хиджирийлар.



Бу норозилик кўзғолонларини мақсад ва моҳияти турли туман, лекин 747 йилда Хоросонда бошланган Абу Муслим бошчилигидаги кўзғолон халифаликда кескин ўзгаришлар олиб келди.

Бу кўзғолонда бутун Эрон ва Ироқ аҳолиси иштирок этиб уларга Хоросонга кўчиб келган араб қабилалари ҳам қўшилади ва тез орада кўзғолончилар Дамашқ шаҳрини босиб олиб халифани тахтдан ағдариб янги халиф этиб 749 йили Аббосийлар сулоласидан Абул Аббос асо Саффоҳ сайланади, бу сулола 1258 йилда хукмронлик қилади.

*Аббосийлар даври 750-1258 йиллар*да бўлиб давлат пойтахти Боғдод шаҳри белгиланади. Уммавийлардан фарқлироқ босқинчилик сиёсатини олиб боришни бошлайди, аксинча Пириней ярим оролида Уммавийлардан Абдор-Рахмон бошчилигида давлатдан ажралиб чиқади, Мағрибда айрим худудлар бўйсунмай қўяди.

Аббосийлар даврида феодаллашув жараёни давом этади, Ерни эгаси этиб давлат ҳисобланади, шахсий ер эгалик – мулк, инъом этилган ерлар – икта, жамоа ва қабила ерлари –

IX асрдан бошлаб феодал ер эгаликда янги тури – вақф ерлари пайдо бўлади, яъни давлат томонидан шахсий мулк сифатида, ёки мачит, мадрасса, диний шахсларга инъом этилган ерлар, бундай ерлар солиқдан озод этилган.

Бу жараён остида кўпгина катта ер эгалари ўз ерларини вақф тизимига ўтказиш бошлашади, лекин шу ердан олинган маълум фойдани ўзларига қолдириш натижасида давлат хазинасига тушадиган фойда кескин қисқариб кетади.

Давлат, вақф ёки шахсий (мулк) ерларда ўтирган дехқонлар юридик жиҳатдан эркин ҳисобланган, лекин ҳаётда эса қарам дехқон бўлган. Аббосийлар даврида халифатни турли худудларида эркин дехқонлар табақаси сақланиб қолган эди.

Миср, Сурия, Палестин ва Жанубий Эронда дехқон жамоалари маъмурий жамоалар бўлиб давлат олдида солиғ йиғилишига жавоб беришган.

VII-IX асрларда халифатда кўпчилик сақланиб қолган эди, уларни асосан хўжалик, ирригацион ишларида жалб этиларди. Кўл бозорлари бўлиб, уларни асосан Африкада келтирилди.

Араб халифалигида савдо-сотик юқори даражага кўтарилган эди, яъни марказлашган давлат тизими, араб савдогарларига турли давлатлар элатлар билан савдо-сотик қилиб ғарб ва шарқ, шимол ва жанубни боғлашарди.

Халифотдаги йирик шаҳарлар кўп бўлиб уларни барчаси савдо ва хунармандчилик маркази ҳисобланган, тўқимачилик соҳасида алоҳида ўрин эгаллаган (ипакчилик, лен (каноп)).

Эрон хунармандлари гиламлари билан VII асрда Самарқанд қоғозлари бутун дунёга машҳур бўлган, шунда қоғоз марказлари VIII асрда Боғдодда, Триполида ва Сурия пайдо бўлади, IX аср охирида Мисрда. Дамашқ темирчилари ўз пўлатлари билан машҳур бўлишган. Халифотни барча шаҳарлари Европа шаҳарларига қараганда йирик бўлган, энг йириги Боғдод бўлган.

Шаҳарлар маркази томонидан тайинланган маъмурий шахс томонидан бошқарилган. Аббосийлар даврида давлат раҳбари холиф бўлган, унинг ёрдамчиси вазир (аббосийлар даврида вазирнинг ўрни кучаяди) бўлиб унга давлатнинг муҳим тармоқларини бошқариш топширилади. Ҳарбий лашкар боши диний ишлар бўйича холиф ёрдамчиси бош қози бўлган, унинг қўл остида суд ва маориф ишлари бўлган. Қонунчилик – шароит қонунлари асосида олиб борилган.

Мусулмон бўлмаган аҳоли ўз диний раҳбарига бўйсунган. IX асрдан бошлаб кўпгина маъмурий ҳудудлар меросий бўлиб амир томонидан бошқарилган. Араб қўшинлари бир қатор табақалардан иборат бўлган, яъни араблардан, ёнланмалардан ва ғуломлардан (ғуломлар-турк, славян ва африкаликлар бўлиб ёшлигидан бешафқат руҳида тарбияланганлар).

Вақт ўтиши билан айнан ғуломлар халифаларни шахсий қўриқчилари бўлиб давлатни муҳим лавозимларини эгаллаб, халифаларга катта таъсир қилишган.

Аббосийлар даврида халқ қўзғолонлари ҳам жиддий тус олади, чунки айнан аббосийларни тахтга келишига аҳолининг пастки қатлами муҳим ўрин тутади, лекин аббосийлар уларни умидларини оқламайди.

**751 йил** – Бухорода

**755 йил** – Нишопур ва Рей

**776-778 йиллар** – Муканна бошчилигида қўзғолон.

**778-779** – жанубий-шарқий Каспий бўйларида .

**815-837 йилларда** Бобек бошчилигидаги қўзғолон катта ҳудудга кенгаяди. Жанубий Азербайжонда бошланиб Ғарбий Эрон, Исфохон ва кермингача тарқалади, қўзғолончиларни ғояси хуррамитлар диний оқим ғояси бўлиб асосан ижтимоий тенглик жамоа қуриш, ўртак сифатида деҳқон жамоалари бўлган. Қўзғолонни бостиришга холиф катта ҳарбий кучни сарфлашга тўғри келади.

**869-883 йиллари** Жанубий Эронда Ганджлар қўзғолони (африкалик куллар) қўзғолончилар Басра шаҳрини эгаллашади, уларга бедуинлар, камбағал деҳқонлар, ёнланма қўшинлар ҳам ўтиб кетади. 879 йили зинджлар раҳбари Али ибн – Мухаммад ўзини халиф деб эълон қилади ва ўз номидан танга зарб қилади. Зинджлар давлати тизими Аббосийлар давлат тизимини ўхшаш бўлиб кулдорликни сақлаб қолишади, собиқ куллар феодал бўлиб қолишади.

Зинджлар қўзғолони бостирилгач, африкадаги куллар келтирилиши тўхталади, лекин бу қўзғолондан сўнг халифотда кулчилик аста-секин йўқолади.

IX-X асрларда Сурия, Ироқ, Бахрейн, Йемен ва Хоросонда кароматлар оқими кучли бўлади, X аср бошида Бахрейнда кароматлар давлати ташкил топиб, Сурия ва Миср ўлпон тўлашга мажбур бўлишган.

Кароматлар ший оқимининг бир бўлаги бўлиб ижтимоий тенглик тарафдори бўлишган, Бахрейнда ташкил этишган давлатда йирик феодал ер эгалликни йўқ қилишган, деҳқон жамоалари тузишган, кулчиликни сақлаб

қолишган, ҳудудий зинджлар давлатига ўхшаб феодаллашув асосида каромитлар давлати барбод бўлган.

IX-X асрлар давомида Аббосийлар давлати парчаланиб кетади. Бунинг асосий сабаблари турлича, авваламбор ҳудуд бошқаруви меросий бўлиб қолиши ва вақти келиб уларни марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик (Хоросонда – Тохирийлар; Мовароуннахрда – Сомонийлар; Мисрда – Гулунидлар; Арманистонда - Багратидлар).

- 1) Иқтисодий ривожланиш;
- 2) Этник;
- 3) Ислом динини тарқалиши  
ва ҳоказо.

IX асрнинг 60 йилларидан халифлар шахсий соқчилар қулларда динчок бўлиб қолишади, X асрга келиб холиф қўлида фақат Ироқ ва Ғарбий Эрон қолади.

## **2.5. Ривожланган ўрта асрларда Европада давлатчилик ривожи.**

### **Франция IX-XI асрларда.**

Франция қироллигига 843 йил имзоланган Верден битими асос солади, унга кўра Франк қироллиги Людовик Художўй ўғиллари ўртасида уч қисмга тақсимланади. Кейнчалик Шарқий Франк давлатидан Франция, Ғарбий қисмидан Германия ва Италия давлатларига асос солинади.

855 йилда Лотарни ўлимидан сўнг Карл Буюк давлати бир неча бор чегаравий ҳудудлари ўзгаради, катта уғли Людовикка императорлик унвони билан Италия қироллиги, иккинчи уғли Карлга – жанубий-шарқий Галлия кейнчалик Прованс қироллиги, кенжа уғил Лотарга – Лотарингия.

Франк қироллиги, Буюк Карл ворислари томонидан бўлиб олинишига қарамай ягона давлат ҳисобланган ва убу ворисларни вафотидан сўнг ҳудудий чегаралар ўзаро тоқнашувлар натижасида ўзгариб борган.

870 йили Карл Кал ва Людовик Немис ўртасидаги Мерсен битимига муофиқ Шарқий Франк давлати яна қайта тақсимланади ва оқибатта 843 йилги чегаралирига қайтиб XIII асрга қадар сақланиб қолади.

Этник жиҳатдан Франция қироллиги хилма-хил бўлади, яъни жанубий-ғарб қисмда басклар, шимолий-ғарбда яни Бретанда-кельтлар; Фландрияда – фламандлар; Сена-водийсини X асрда норманлар эгалашади. Қолган ҳудудларни иккита халқ шимолий ва жанубий французлар эгалашади. Испан марказида ҳозирги каталонияликлар жойлашган.

Доимий пойтахт бўлмаган, сарой доим кўчиб юриб кўпинча Лане шаҳрида бўлган. X аср охиридан Парижда ўрнашган.

Узоқ ҳудудлар бошқариш графлар (comites) ёки уларни ўринбосарлари (vicesomites)га топширилган. IX асрга қадар улар давлат ходимлари ҳисобланган.

Парчаланишни олдини олиш мақсадида Королинглар вилоят бошлиқларини таъйинлашда ушбу ҳудудда мулки бўлмаган шахсларни қўйишган ва уларни қирол ревизорлари ёки сарой хизматчилари назорат

қилган. Лекин вақт ўтиши билан графлар ва виконтлар ўзи бошқараётган худудда ўз мулкларига эгалик қила бошлашган, маҳаллий зодагонлар билан уруғ-аймоғчилик алоқаларини орнатира бошлашган, бу эса қирол хизматчилари ишини қийинлаштирган.

877 йил Карл Каль навбатдаги ҳарбий юришда халоқ бўлиб қайтиб келмаган лекин давлат шахсларни лавозимини ва бенефецийларини уларни ворисларига қолиш қонунига имзо чекади, бу эса феодал тарқоқликни тезлаштиради (лавозим, унвонлар, меросий бўлиб қолади).

IX аср охирида Королинглар сулоласи фақат номигагина ҳукм суради, реал ҳукумат йирик феодаллар кўлига ўтади. 987 йил Париж графи Робертина уруғидан бўлмиш Гуго Капета тахтга ўтказилади, асос солинган Капетинглар сулоласи Францияни 1848 йилгача бошқаради.

Лекин копетингларни аввалига фақат номигагина тан олинган, чунки йирик феодаллар сулола ворисларига кимни ёрдамида тахтга келганлигини доим эслатиб туришган ва шунинг учун XII аср бошларига қадар Капетинглар бош вакиллари ( Роберт Худойжоз (996-1031), Генрих I (1031-1060), Филипп I (1060-1108)) даврида қироллик ваколатлари уларга тегишли ерлар (доменлар) Париж ва Орлеан ўртасида чегараланиб қолган ва бу ерлар “Иль-де-Франц” – (*Франция ороли*) деб ном олган.

Қирол феодаллар ўртасидаги можарода воситачилик қилган ўз вассалларига хомийлик қилган, лекин уларнинг шахсий ҳаётига аралашмаган.

IX-XI асрда Франция тарихида феодаллашув жараёнини яқунланиши деб киради, яъни бу давр ичида эркин дехқонлар аста-секин феодал қарамоғига айланиб қолишига қарамасдан ҳуқуқий, молиявий эркинлигини сақлаб қолишади.

XI аср охирида марказий ҳокимият заифлашиб боради, ҳудудий қонунчилик ва бошқарув маҳаллий зодагонлар кўлига ўтиб боради, бу эса қирол мансабларини ишини қийинлаштиради ва қирол ҳокимияти ўз мулки билан ажралиб қолади.

X-XI асрда ўзаро урушларга ташқи душманларни бостириб келиши (араблар, венгерлар ва норманлар) таърифланади.

Бутун Францияда касрланиш жараёни юз беради яъни (**инкастеллементо**) деб ном олади. Натижада ҳудудни катта-кичик феодаллари касрлари маъмурий, ҳуқуқий ва молиявий марказга айланади ва XI аср охирига келиб деярли бутун давлатдаги дехқонлар ўз эркинлигини йўқотиб қарам дехқонларга айланади, лекин Шарқий Европадаги қарам дехқонлардан *крепостнойларлардан* фарқлироқ *сервлар* - француз дехқонлар хўжалик, оилавий ишларда анча эркин бўлишган.

### **Италия VIII-X асрларда**

VI аср охирида Шимолий ва Марказий Италия (Апенин яриморолари) Лангобардлар томонидан ишғол этилади. Жанубий ҳудуд, Рим дукати ва Равен эҳзархат Византия ихтиёрида қолган эди.

Лангобардлар даврида Италия худуди герцогликка бўлиниб, маъмурий ва молиявий ишлар герцоглар кўлига топширилган эди, бу эса феодал тарқоқлик жараёнини тезлаштирди. Лангобардлар қиролларини пойтахти Павию шаҳри бўлиб, улар доимо герцогларни эркинлигига қарши кураш олиб боришган. Бундай тарқоқликдан Карл Буюк унумлий фойдаланган. Франклар давлатида лангобардлар давлатини ишғол этади, лекин кучли марказлашган давлатга қўшилиши Италияга ҳеч қандай фойда келтирмайди, аксинча тарқоқлик жараёни сақланиб қолади.

Карл Буюк Италияни босиб олиб 756 йил Папа давлати (ёки Папа вилояти)ни ташкил қилади, босиб олинган худудни 20 графлигига тақсимлайди.

IX асрда франклар ёрдамида бутун Италияда католицизм ҳукм ўрнатилади ва аста-секин суд-маъмурий ишлар шаҳарликлардан сайланадиган епископлар кўлига ўтади.

843 йилдан сўнг Лангобардлар давлат сифатида ажралиб франклар ворислари томонидан бошқарилсада, Италия феодал тарқоқлигича қолди, бу эса IX-X асрларда Италия венгерлар ва араблар томонидан талон-тароғлик юришларига қурбон бўлди.

X аср ўрталаридан Италияга герман қироллари даъволик қила бошлашди, Шимолий ва марказий Италия Германия империясига кирса ҳам император деярли бу худудда тан олинмасди, бу эса XI-XII асрда герман императорига Италия шаҳарини талашга жуда қўл келарди.

Италияда феодаллашув жараёни Европа давларидан деярли фарқ қилмас эди, Италияда христиан черковни ўрни катта бўлиб феодаллашув жараёнида фоал иштрок эткан .

Италияни бошқа феодал давлатидан ажратиб турадиган хусусияти бу шаҳарлар эди. VIII-IX асрларда собиқ Рим шаҳарларидан ташқари янги шаҳарлар вужудга келади. IX асрда – Асти, Милан, Верона, Равонна, Лукка Пьяцца шаҳарлари шарқ мамлакатлари билан савдо қиладиган йирик шаҳарлар ҳисобланарди. Павил шаҳри XI асргача пойтахт вазифасини бажариб келган. X асрда – Генуя, Пиза, Амальфи шаҳарлари Испания, Тунис, Менор давлатлари билан савдо қилишган.

Италия шаҳарлари ўрта ер денгизидаги савдо – сотикда – араб савдогарлари билан рақобат бўлишган, бу рақобатлик тез-тез ҳарбий тўқнашувларга олиб келган, шунинг учун йирик савдо шаҳарларда савдо флотидан ташқари ҳарбий флотга ҳам эга бўлишган.

### **Германия IX-XI аср бошларида**

843 йили Франклар империяси парчаланиши натижасида “Шарқий Франция” деб ном олган давлатда бирин-кетин Каролинглар сулоласидан бўлмиш қироллар бошқаради, хатто 876-888 йилларда “Шарқий Франция” қироли Карл III “Ғарбий Франция” тахтига тақлиф этилади ва Шимолий Италияни ишғол этиб қисқа вақт бўлсада Франклар давлатини бирлаштиради.



Шарқий Франция бошқа франк давлати қолдиқларидан икки жиҳати билан ажралиб турарди:

1) Аҳоли асосан роман эмас, герман диалектида (шевасида) сўзлашган;

2) Хўжалик ривожланиши анча орқада қолиб, феодаллашув жараёни энди шаклланиш даврида эди.

“Шарқий Францияда” давлатчилик шаклланиши ҳам анча орқада қолиб фақатгина Саксония ва Бавария ҳудуди герцоглари бошчилигида ягона қабиалар иттифоқи остида бирлашган, тюринглар герцоглиги саксонияликлар томонидан бўйсундирилади, Шваб – герцоглиги доимий ички кураш туфайли ягона герцогликка бирлаша олмайди;

Лоторингия герцоглиги – қабилавий эмас, ҳудудий бирлашма бўлиб этник жиҳатдан аҳолиси романлардан эди.

Франконлар герцоглиги – Майн дарёси бўйда шаклланиб *алеман* ва *баварлар* билан аралашуви натижасида франклар Франкония герцоглигига асос солишади.

Шимолий ҳудудларда *фриз* қабиалари бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан анча орқада қолган, Шарқий Франциядаги сиёсий жараёнларда иштирок этишмаган, лекин кейинчалик денгизчилик ва денгиз – савдосига асос солиб муҳим ўрин тутишган.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан Шарқий Франциянинг фақат жануби (Лотарингия) ривожланиб IX-XI асрда феодаллашув жараёни анча шаклланган эди, Саксония ва Фрисландия ҳудудларида ижтимоий табақаланиш яққол тус олмаган бўлиб, феодал тарқокликдан анча узоқда эди, қишлоқ хўжалигида ҳам ютуқлар оз бўлиб, деярли икки далали хўжалик ҳукм суларди. Эркин қишлоқ хўжалик билан шуғулланувчилар литлар, сервлар, колонлар деб аталиб яққол бир гуруҳ ажралиш XI асрда бўлиб ўтади, яъни шу даврда – *nusticus*, *Bauen* – “деҳқон” атамаси пайдо бўлиб, қишлоқ хўжалик билан шуғулланувчиларни доимо ҳарбий хизматдагиларни ажратиб берди.

Ижтимоий табақаланиш натижасида қулларни статуси бирмунча кўтарилди, уларни жонига қасд қилиш таъқиқланди (Шарқий Францияга қулларни асосан Фризлар етказиб турган) уларни христиан динига ўтиши натижасида XI аср охири – XII аср бошида қуллар ижтимоий табақа сифатида умуман йўқолади.

911 йили Шарқий Франк давлатида ворис бўлмагани туфайли Королинглар сулоласига барҳам берилиб илк бор тахтга Франкон герцоги Конрад I (911-918) ўтиради, лекин унинг қироллиги қисқа вақт давом этиб йирик мулкдорлар томонидан қаршиликка учрайди, унинг вафотидан сўнг бир йўла иккита қирол сайланади бири Бавария герцоги иккинчиси Саксония ва уларнинг ўзаро тортишувида Саксониялик даъвогар ғолиб чиқиб тахтга Генрих I (919-936) ўтказилган қирол билан Германия қироллигини тарихи бошланади.

Генрих I Саксониялик сулоласига асос солади ва бу сулола 1024 йилгача ҳукмронлик қилади.

Генрих I даврида Германия чегарасини кенгайтириш сиёсати амалга ошириш бошланади, яъни Саксония герцоглигида эркин дехқонлар кўп бўлиб уларни ерга бўлган эҳтиёжини Эльба дарёсини ўнг қирғоғига қаратади, бу ердаги славян қабилаларни бўйсундиришга, уларни христиан динига ўтказиш, ҳосилдор ерларни тортиб олиб йирик мулкдорларга ва айниқса черков ва монастырларга инъом этади.

Ғарбий Франк қироллигини заифлигидан фойдаланиб Генрих I Лотарингияни тортиб олади. Генрих I даврида ташқаридан хавф келтирадиганлардан фақат мадьяр (венгрлар) қабилалари эди.

Уларга қарши Генрих I эркин дехқонлар ҳисобидан (фрилинглар ёки фрейманлар) пиёда ва отлик аскарлар кўпайтириш ва венгрлар билан чегарадош ерларда бурглар мудофаа қалъалар қурдирди (кейинчалик бу бурглар йирик савдо-сотик шаҳарларга айланди).

936-973 йиллар Генрих I ўғли Оттон I нинг тахтга ўтирган даври бўлиб, отасини сиёсатини давом эттиради, 955 йил Аусбург шаҳри яқинида венгрлар ва уларнинг иттифоқчилари устида батамом ғалаба қозонади. Бу жангда Генрих I даврида ташкил қилинган оғир қуролланган (ritter) отлик аскарлар кўл келади.

Оттон I герман қиролларидан биринчи бўлиб Ахен шаҳрида қирол тожини кийиш маросимини бошлаб беради, шу билан қирол ҳокимияти герцоглар ва графлар устидан ҳукум ўрнатишга ҳаракат қилади.

Герцог ва графлар таъсирини камайитириш мақсадида Оттон I черковга суянди, яъни дўстона алоқада бўлиб, епископларга кенг миқёсда имтиёзлар берди, босиб олинган ерлардан катта ерлар инъом этди. Черков ерлардан даромад Рим папасига эмас, қирол хазинасига тушди, бу эса герман епископлари Рим папасига эмас, герман қиролига бўйсинишга олиб келди.

Йирик ва кучли отлик қўшинга эга бўлган Оттон I собиқ франклар империясини тиклашини ўзига ҳаётий мақсад қилди. 951 йилда Италияга илк бор юриш қилди, бир неча князларни бўйсундирди. Прованс ва Италия қироли Лотарнинг қизига бевосита ўйланди ва Италия тахтига даволигини расмийлаштирди.

961 йили Оттон I Италияга яна ҳарбий юриш қилиб бу сафар Рим папаси Иоанн XII-ни рим боронларига қарши иттифоқчиси сифатида келади ва натижада 962 йили Оттон I Рим императори деб эълон қилинади ва императорлик тожи кийдирилади.

Янги империяга “Муқаддас Рим империяси” деб ном берилади, XII асрдан “Герман миллатини муқаддас Рим империяси” деб аталиб, шу даврдан бошлаб Герман империясининг тарихи бошланади. Лекин бу вазиятда Оттон I ва унинг ворисларини араблар ва Византия тан олмасди. Византия билан муносабатни юмшатиш мақсадида Оттон I ўз ўғлини Византия империяси қизи Феофанияга ўйлантирди.

Оттон I кейинчалик унинг ўғли Оттон II ва невараси Оттон III ташқи сиёсати Италия билан боғлиқ бўлиб қолди, бу ердаги бой ва эркин шаҳарларни бўйсундириш учун доимо ҳарбий қўшин ушлаб туришни талаб

этарди, бу ўз ўрнида молиявий ҳаражатни талаб этарди, натижада Оттон I, II ва III-лар Италиядан чиқмай қолишди.

Оттон III ўзини Карл Буюк ва Византия Василевалар қонидан бўлганлигини доимо эслатиб турарди. Папа тахтига ўз ўқитувчиси Герберт Силвестр II номи билан ўтказди, лекин Оттон III томонидан олиб борилган сиёсат на Италияда, на ўз юртиГермания герцог ва графлар томонидан қўллаб-қувватланмади, аксинча қарши чиқишди.

1002 йили Оттон III вафот этиб, вориси бўлмаганлиги боис Саксония герцогидан бўлмиш Генрих II сайланади, Генрих II-ни сиёсати Оттонлар сиёсатидан катта фарқ қиларди.

### **Англия XI аср ўрталаригача.**

V аср ўрталаридан то VII асрга қадар Британия оролини англ-сакс қабиалари ишғол этилиб бир қатор варварлар қироллиги ташкил топади. Жанубий-шарқий қисмда **Кент** (ютлар) Жанубий, жанубий-шарқий қисмни **Уэссекс** ва **Суссекс**, **Эссекс** ғарбий, жанубий-шарқий (сакслар), Шарқда – Шарқий Англия; Шимолда Нортумбрия ва орол марказида Мерсия бўлиб унда англ қабиалари асос солган.

Ишғол вақтида қирилиб ташланмаган кельт маҳаллий аҳоли герман қабиалари билан аралашиб кетади ва кейинчалик инглиз халқи шаклланиш этник жараёнига ўз ҳиссасини қўшади. Англо-сакс қиролликларини феодаллашув жараёни секин ўтиб икки босқичдан иборат яъни

1. V-VII асрлар;
2. X-XI асрлар;

Оролда феодаллашув жараёни султ боришининг асосий сабабларидан, аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан собиқ Рим аҳолиси гал ва франк қабиаларига нисбатан қоқлиги, қишлоқ хўжалиги асосан римликлар эгаллаган ва ўзлаштирган худудда ривож топган.

Рим легионерлари оролни тарқ этиши билан маҳаллий келт қабиалари ўз удумларига қайтишади, истилочи англ-сакс қабиалари эса рим қолдиқларини бутунлай йўқ қилишади.

Британия оролига кириб келган англ, сакслар, ютлар ва фризлар, франклар, вестготлар ва бургундларга қараганда ҳали ҳам қабилавий уруғ тизимида бўлишган.

VI-VII аср маълумотларига қараганда бостириб келган қабиаларни асосий машғулоти дехқончилик, чорвачилик бўлган, овчилик, балиқчилик ва ўрмон термачилик бўлган.

Қишлоқ хўжалик икки далали бўлиб ерни ҳайдашда 4-8 хўкиз ишлатилган. Англо-сакслар пайдо бўлишига қадар ва ундан сўнг то IX-X асрларга қадар Англияда 2 турдаги жамоалар бўлган яъни:

Катта оилавий жамоа ва бир неча бирлашган қишлоқлар жамоаси.

Алоҳида индивидуал якка хўжалик оилаларни пайдо бўлиши VII-VIII аср бошларида пайдо бўлади. IX асрга қадар аҳолини асосини эркин жамоа-деҳқонлар – **кэрлар** ташкил қилган, улар ўз ерларига – **гайдларга** эгалик қилишган. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар қаттиқ лойли бўлгани учун уни

хайдаш учун 8 тагача хўкиз керак бўлган. Шунинг учун қишлоқ хўжаликлари тизими Англияда узоқ сақланиш сабабларидан бири бўлган, кейинчалик жамоа ерлар – **фолькленд** (жамоа ёғини) деб аталиб уни сотишга, мерос қолдиришга ёки қизига мерос қилиб бериб юбориш таъқиқланган.

VI-VII асрларда **кэрлар** жамоа ишларида фаол иштирок этишган, ўз қурол-яроқлари билан халқ дружинасини ташкил қилишган. VII асрдан бошлаб жамоа қабилалари орасида табақаланиш бошланади. Кэрлардан ташқари уруғ бошлиқлар – **эрлар** ва аста-секин қирол дружиначилари – **гезитлар** ташкил топиб улар оддий аҳолидан юқори туришган ҳамда қуллар ва ярим эркин аҳоли – **лэтлар** ва **уиллар** бўлиб **эрл** ва **кэрларни** ерларида ўтирган, аброк ва бошқа мажбуриятларни бажариб юришган.

VII аср охиридан бошлаб Англияда феодаллашув жараёни кўзга ташланади, вайрон бўлган кэрлар бошқа кэрларга қарам бўла бошлайди, қироллар ўз дружиналарига ва черков – манастирларига ерларни ином этиши ерга шахсий мулкчилик пайдо бўлади.

Инъом этилган ерларда аҳолида йиғилган фойда кўпинча ер эгаларида қолади, эгалик ҳуқуқи **бокленд** деб аталади (бок-ёрлик, ленд-ер) Бокленд ерларида яшовчи аҳоли боклендга бириктирилган бўлишига қарамасдан шахсий эркин бўлган. *Боклендларга суд, солиқ ва маъмурий ишлар топширилди.*

Йирик ер мулкдорлар **глафордлар** кейинчалик – **лордлар** деб аталган (яъни *сеньор* ёки хўжайин билан баробар бўлган). Лекин **бокленд** ва **глафордлар** табақаси ривожланиши билан IX асрга қадар кэрлар қишлоқ жамоатчилиқ, қўшничилиқ тизимини сақлаб қолишган ва асосий ишлаб чиқариш кучи бўлишган.

Феодаллашув жараёнига черков ҳам ўз ҳиссасини қўшади, англосаксларни христиан черковига ўтиши 597 йилда бошланиб VII аср охиригача чўзилади. Мерсий ва Нортумбрияда бу жараён оғир кечади.

Черков қирол ҳукуматини ва унинг атрофидаги катта ер мулкдорларни ҳамоя қилиш эвазига инъом этилган ерлар ҳисобига ўз ерларини кенгайтиришади. VI-VII асрларда қирол мутлоқ ҳокимиятга эга бўлмаган, унга кўпроқ қабила бошлиғи сифатида қаралган, унга нисбатан маҳаллий орган жамоа ёғинлар устивор бўлишган, аста-секин жамоа ёғинлар кенгайиб бирлашишади ва IX аср бошларига келиб ҳар бир қиролликда йирик ҳудудий бирликларни ташкил қилади, улар графликлар – **скирлар** ёки **шойрлар** деб аталиб унда халқ ёғини **шот** ёки **гемот** деб аталган.

Графликларни асосини кэрлар бўлсада, аста-секин йирик ер эгаликларга ва гифордлар ҳукуматни қўлга олишади ёки қирол ҳокимиятининг вакиллари шерифлар бўлиб, улар аввалги халқ йиғин бошлиқларини ўрнини босишади.

Қирол ҳокимияти кучайиши билан ҳарбий соҳада кэрл таъсири пасаяди, улар ўрнига қирол дружиналари – **гезитлар** моҳияти кучаяди, улар аста-секин эски қабилавий асл зотлар **эрл**-ларни ҳам суриб чиқишади.

Қабилавий қиролликларни феодал давлатларга ўтиши доимо бош қирол тахти учун доимо тўқнашувларга олиб келган.

VI аср охири VII аср бошларида **Кент қироллиги** устивор бўлган.

VII аср ўрталарида - **Нортумбрия**

VIII асрда – **Мерсия**

IX асрда **Уэсекс**.

829 йили Уэсекс қироли Экберт бутун англ-сакс қиролликларини бирлаштиради, бу жараёнга аввалом бор феодаллашув жараёни вақтида йирик мулкдорни марказий ҳокимиятга эҳтиёжи ва VIII аср охири IX аср бошидан норманларни (асосан данияликларни) Шарқий Англияга ва норвегияликларни шимолий-ғарбий ҳудудларига бостириб келиши эди.

Истилочиларга қарши курашишда бутун ҳарбий кучни ва ҳокимиятни бирлаштириш керак эди. Бирлашган қиролликда сиёсий жиҳатдан **уитенагемот** (донолар кенгаши)лар таъсири кучайди. Лекин қиролликларни бирлашиши данияликларни тўхтата олмади, улар шимолий-шарқий қисмини эгаллай бошлашди, фақатгина қирол Альфред Буюк даврида (871-899 йиллар) дехқонлардан ташкил этилган пиеда ва олий зотлардан отлиқ ҳамда йирик ҳарбий флот ёрдамида данияликлар тўхтатилди.

Альфред Буюк данияликлар билан битим тузади. Келишувга асосан Англия икки қисмга ажратилади, яъни жанубий-ғарбий қисм Альфредга, ва шимолий-шарқий қисм Денло деб аталиб данияликларга қолади. Алфред Карл Буюк каби нафақат давлат арбоби балки, англия тарихида марифатчи сифатида ном қолдирган кирган.

Монастр ва черковларда мактаб очишни буюрган, қонунлар ва урф-одатларни ёзма ҳолатга келтириш асосида “Алфред ҳақиқати” тузилади.

Англияда биринчи марта аҳолидан доимо солиқ олиш жорий этилади. X аср иккинчи ярмида қирол Эдгар (959-975) Дэнло қисмини ўз қироллигига қўшиб олади ва Англияни бирлаштиради.

Данияликлар билан бўлган уруш Англиядаги феодаллашув жараёнини тўхтатиб қўяди, қолаверса данияликлар ўзлари ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан анча орқада эди. Уларда жамоатчилик ва эркин дехқонлар кучли эди.

Лекин ўз навбатида данияликларни истилоси даврида маҳаллий аҳолидан тўлов ва мажбуриятлардан ташқари “*данияликлар пули*” йиғилиши кўпгина эркин дехқонларни вайрон қилиб, ўз ерларини йўқотган дехқонлар катта ер эгаларига қарам бўлиш жараёни тезлашади.

X-XI аср бошларида Англия жанубида йирик *вотчиналар* – монорлар пайдо бўлади, уларга баршина асосида қарам дехқонлар томонидан ишлов берилади.

Қарам дехқонлар уч тоифадан иборат бўлади:

**Генитлар** – эркин кэрллар авлодидан инъом этилганлиги туфайли (бокленд) у ёки бу феодалга қарам бўлган, лекин шахсан эркин бўлган

**Гебурлар** – монархни асосий ишлаб чиқарувчилар, ўз хўжалигида ер ва қурол-аслаҳа олишган ва оғир шароитда бўлишган.

**Котсетли** – кичик ер эгалари ижтимоий жиҳатдан гебурларга яқин бўлишган.



IX асрга келиб гезитлар ўрнига (феодал дружиначилар) **тэнлар** келишади улар ўрта ва майда ер эгалари бўлиб келажакда рицарлар тоифасини ташкил этишади.

X аср охирида данияликлар босқини яна бошланиб Дания қироли Кнут 1016 йили Англияни босиб олиб Англия, Дания ва Норвегия қироли деб эълон қилинади, лекин Кнутўлимидан (1035) сўнг барпо этган қироллик парчаланиб кетади. Англия тахтига Эдуард Иповедник келади (1042-1066).

## **2.6. Ривожланган ўрта асрларда Осиё мамлакатларида давлатчилик анъаналари.**

Ўрта асрларда Хитой давлатчилиги юксалишни бошдан кечирди. XVII асрнинг 30-40-йилларида Хитой давлати чуқур тушкунликни бошдан кечирмоқда эди. Солиқларнинг кўпайиши деҳқонларнинг ерсизланиши, савдо-судхўрлик асоратининг кучайиши, амалдорларнинг сотқинлиги Хитой тарихида узоқ давом этган 1628-1644-йиллардаги кўзғолонни келтириб чиқарди.

40-йиллар бошида кўзғолон янгидан юксала бошлади. Кўзғолонда 2 та марказ бўлиб, бири Хубэй ва Шеньси вилоятларида жойлашган бўлса, иккинчиси Сичуан вилоятида жойлашган эди. Биринчи гуруҳдаги кўзғолончиларга қишлоқдаги деҳқон оиласидан чиққан собиқ чўпон ва почта куръери Ли Цзичэн [1606-1645], иккинчи гуруҳга эса собиқ солдат Чжан Сяньчжун [1606-1647] бошчилик қиларди.

Кўзғолончилар ўзларининг доимий қуролли кучларига, ҳокимят бошқарув органларига эга эдилар. Уларнинг асосий талаблари ҳукмрон Мин сулоласини ағдариб ташлаш, оғир солиқ зулмини йўқ қилишдан иборат эди.

1644-йил 25 апрелда Ли Цзичэн бошлиқ деҳқонлар армияси мамлакат пойтахти Пекинни эгаллади. Император Чжу Ю-цзянь ўз жонига қасд қилиб, ҳалок бўлди. Ли Цзичэн император деб эълон қилинди. Минлар сулоласининг ҳукмронлиги тугатилди.

Кўзғолончилар Пекинни эгаллаганидан кейин мамлакатда тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Турмалардаги маҳбуслар озод қилинди, ўз шафқатсизликлари билан ном чиқарган собиқ амалдорлар суд қилинди. Шу билан бирга Ли Цзичэн бошлиқ янги сулола бир қатор қийинчиликларга дуч келди. Қўшин ва давлат аппаратини сақлаш учун маблағ керак эди, бу маблағни эса фақат аҳолидан солиқ олиш йўли билан топиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам янги ҳокимят яқиндагина бекор қилинган солиқ ва мажбурятларни қайта тиклаганлигини эълон қилишга мажбур бўлди. Бу эса ҳокимятни мустаҳкамлигини хавф остига қўйди ва аҳолига салбий таъсир кўрсатди. Яна бир катта хавф Хитойга шимолдаги Манжурлар армияси томонидан пайдо бўлган эди. Хитойнинг шимолида яшовчи манжур қабилалари бирлашиб, XVII аср бошларида Нурхацци бошчилигида ўз давлатини туздилар. Нурхацининг ўғли ва вориси Абахайхон ҳукмронлиги даврида Цин [соф, ёрқин (чистое, светлое)] давлати тузилганлиги эълон қилинди.

Манжурлар давлати армияси отликлардан ташкил топган бўлиб, у 8 та байроққа [армияга] бирлашган эди, шунинг учун ҳам «8 байроқли армия» номини олган эди. Хитойга ҳужум қилиш арафасида манжурлар армиясида 200 мингга яқин аскар бор эди.

Хитойдаги Мин сулоласининг ҳарбий кўмондонларидан бири У Сангуй кўзғолончиларга қарши курашда манжурлардан ёрдам сўрашга, кейнчалик эса мамлакатда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилади. Шу мақсадда у 1644 йил баҳорида манжур кўшинлари билан биргаликда Хитойни босиб олишга киришади, бу босқинчилик деярли 40 йил давом этиб, 1683 йилда якунланади. 1644 йил май ойида Буюк Хитой девори [Шанхайгуан] ёнида Ли Цзичен кўшинлари билан манжурлар ва У Сангуй кўшинлари ўртасида катта жанг бўлади. Кўзғолончилар армияси мағлубиятга учраб, Пекинни ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Манжурлар Пекинга киргач, Абахайхоннинг ўғилларидан бирини Хитойнинг ҳукмдори деб эълон қилдилар. Шу вақтдан бошлаб Хитойда 267 йил давом этган манжурларнинг Цин сулоласининг ҳукмронлиги бошланди (1644-1911).

Манжурлар билан бўлган кейинги жанглarda кўзғолон раҳбарлари Ли Цзичэн [1645] ва Чжан Сянчжун [1647] ҳалок бўлади. Лекин уларнинг кўшинлари тарқалиб кетмади. Янги раҳбарлар етишиб чиқди. Манжурлар Шимолий Хитойни эгаллаганидан кейин Хитойнинг марказий ва жанубий вилоятларида кенг халқ оммасининг жуда қаттиқ қаршилигига дуч келдилар. 1645 йил баҳорида Янчжоу шаҳри учун жуда қаттиқ жанглар бўлди. Юз кун давомида аскарлар ва шаҳар аҳолиси босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Манжурлар шаҳарни қўлга киритгач, 10 кун давомида уни таладилар ва 800 мингдан ортиқ одамни қириб ташладилар.

Манжурлар Янчжоуни вайрон қилгач, Пекиндан кейин Хитойнинг иккинчи сиёсий маркази бўлган Нанкинга қараб юрдилар. Нанкин мудофаасига раҳбарлик қилаётган амалдорлар шаҳарда кўп сонли аскарлар борлигига қарамай душманга жангсиз таслим бўлиб, шаҳарни топширдилар.

Манжурларга қарши кураш олиб бораётган кучларнинг ягона режаси, раҳбарлиги йўқлиги, бу кучлар ўртасидаги ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар уларни мағлубиятга олиб келди. Натижада 1647 йилга келиб манжурларнинг Хитойни босиб олишининг биринчи босқичи якунланди. 1644-1647-йиллар давомида Цин кўшинлари шимолий ва марказий Хитойни, шунингдек жанубий Хитойнинг асосий районларини эгаллаб олдилар. Лекин улар босиб олинган худудларда мустаҳкам ўрнашиб қола олмадилар. 1648 йилдан бошлаб кўпчилик вилоятларда қуроли кўзғолонлар бошланиб кетди. Бу кўзғолонларни бостириш 1650 йилгача давом этди ва бу даврни манжурларнинг Хитойни босиб олишининг 2-даври деб ҳисоблаш мумкин.

Хитойнинг бир қатор асосий районларида манжурлар ҳукмронлиги қайта тиклангач ҳам қаршилик кўрсатиш ҳаракати тўхтамади. Ли Динго бошлиқ деҳқонлар отряди 1662 йилгача кураш олиб борди.

Жанубий-шарқий Хитойда савдогар оиласидан чиққан Чжэн Чэнгун кучли флот ташкил қилиб, 50-йиллар давомида манжурларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. Манжурлар унга қарши курашиш учун

кучли флот ташкил қилдилар ва соҳил бўйида яшовчи аҳолини қитъа ичкарасига кўчириб юбориб, Чжэн Ченгунни аҳоли мададидан маҳрум қилдилар. Юзага келган бундай ҳолатда Чжен ўз қўшинини кемаларга юклаб, илгари голландлар томонидан эгаллаб олинган Тайванга жўнаб кетишга мажбур бўлади. 1662 йилда Чжен Ченгун голландларни Тайвандан ҳайдаб чиқариб, бу ерда манжурларга қарши курашаётган давлат ташкил қилди. Бу воқеани манжурларнинг Хитойни бўйсундиришининг 3-босқичининг якуни деб ҳисоблаш мумкин [1650-1662].

Чжен Ченгун томонидан Тайванда ташкил қилинган давлат ҳарбий-сиёсий жиҳатдан кучли давлат бўлиб, у 1683 йилгача фаолият кўрсатди.

Чжен ҳукмронлиги даврида орол иқтисодиётини кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди, янги ерларни ўзлаштириш, балиқчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш рағбатлантирилди.

Бир вақтлар ўз ватанига хоинлик қилиб, манжурларга Хитойни босиб олишга ёрдам берган хитойлик ҳарбий саркардаларнинг кўзғолони манжурларга қарши курашни янгидан бошлашга сўнгги уриниш бўлди. Бу кўзғолон тепасида Хитойнинг жанубий ҳудудларида ўз ҳокимиятини ўрнатишга қарор қилган У Сангуй турарди. Бу кураш 1681 йилгача давом этиб кўзғолончиларнинг мағлубияти билан якунланди.

Шу вақтдан бошлаб манжурларга қарши курашнинг асосий таянчи Тайвань бўлиб қолди. Манжурлар томонидан барча кўзғолонлар бостирилгач, Тайванда ҳокимият тепасига келган хитойликлар гуруҳи Цин ҳукуматига таслим бўлишга қарор қилишди. Оролга манжур қўшинлари киритилди ва бу билан Хитойни босиб олишнинг охири, 4-босқичи якунланди [1662-1683].

XVII аср ўрталарида мамлакат ичкарасида ички низолар ва ўн йиллар давом этган халқ кўзғолонлари натижасида Мин ҳокимиятининг кучсизланиб қолиши Хитойнинг мағлубиятга учрашининг асосий сабаби эди. Манжурларга қарши курашда Хитой ягона куч бўлиб бирлаша олмади, Хитой ҳукмрон синфлари вакилларининг бир қисми эса хоинлик йўлига ўтиб, босқинчиларни қўллаб-қувватлади. Манжур ҳукмдорларининг Хитойда олиб борган устамонлик сиёсатини ҳам мағлубият сабабларидан бири деб ҳисобласа бўлади. Шимолий Хитойда улар томонидан ерларни мусодара қилиш маҳаллий аҳоли томонидан қаттиқ қаршиликга учрагач, улар аграр муносабатларга унча аралашмадилар ва аввалги ер эгаларининг ҳуқуқларини тан олдилар. Қўриқ ва эгалланмаган ерларни экиш рағбатлантирилди, Цин саройи Минлар томонидан жорий қилинган баъзи бир энг оғир солиқ ва мажбурятларни бекор қилди. Бу тадбирлар янги ҳокимият билан мамлакат аҳолиси ўртасидаги зиддиятларни анча юмшатди.

Манжурлар босқини Хитой халқига жуда катта мусибатлар келтирди. Мамлакат аҳолиси бир неча ўн миллионга қисқариб кетди. Бир вақтлар гуллаб-яшнаб турган шаҳарлар вайронага айланди, экин майдонлари ташлаб кетилди. Эндиликда Хитой халқини иқтисодий жиҳатдан асоратга солиш миллий зулм билан қўшилиб кетди.

Цин давлатининг давлат тузилиши.

Цин Хитойи сиёсий тизимига кўра Шарқ мустабид ҳокимяти эди. Мустабид ҳукмдор (боғдихон) чекланмаган ҳокимятга эга эди. Хитой анъаналарига кўра у осмон фарзанди бўлиб, осмон билан одамлар ўртасида турувчи муқаддас шахс ҳисобланарди.

Боғдихонлар қонунчилик ҳокимиятини 2 та маслаҳат органи: император котибияти ва ҳарбий кенгашга асосланиб амалга оширарди. Котибият манжурлар ва хитойлик маслаҳатчиларнинг тенг сонидан ташкил топган эди. Ҳарбий кенгашда эса манжурлар кўпчилик эди. Шу йўл билан Хитойни босиб олиш вақтида 700 минг кишидан иборат бўлган манжурлар XVII асрнинг 2-ярмида 150 миллион аҳоли устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар. Манжурлар ҳокимияти 6 та бошқарув идоралари ёрдамида амалга ошарди, буларга амалдорлар идораси, солиқлар, тантаналар (церемония), суд, ҳарбий иш ва жамоатчилик ишлари идоралари кирарди.

Мамлакат маъмурий жиҳатдан 18 та провинцияга бўлинган бўлиб, уни губернатор бошқарарди. Баъзан бир неча провинциялар ҳокимликка бирлашиб, унга ҳоким раҳбарлик қиларди. Ҳар бир провинция 10 та вилоятга бўлиниб, 180 та вилоят ташкил қилинган эди. Вилоятлар ўз навбатида уездларга бўлиниб, XVIII асрда уларнинг сони 1,5 мингга етган эди. Уездлар катта-кичиклигига қараб, унинг маъмурияти 200 кишидан 2000 кишига етарди. Қишлоқ жойларида ҳар 10 ҳовли (хўжалик) жамоага бирлашган бўлиб, улар бир-бири учун жавобгар эдилар ва унга оқсоқол раҳбарлик қиларди. XVIII аср охирига келиб деярли 300 млн. аҳолига эга бўлган Цин давлатини 27 минг амалдор, шу жумладан 20 минг фуқаро ва 7 минг ҳарбий амалдор бошқарар эди. Олимлик даражасини олиш, шу жумладан амалдор бўлиш учун Хитой аҳолиси 3 босқичли имтиҳондан (уезд, провинция ва пойтахт) ўтиши керак эди. Цин династияси даврида ана шундай 1-имтиҳон 1679 йилда бўлиб ўтди.

Хитойда амалдорлик унвонига эга бўлган шахсларга ер-мулк берилмасди, уларга унча катта бўлмаган маош белгиланарди, натижада амалдорлар орасида порахўрлик авж олган эди.

Хитойда давлат бошқарувининг асосий меъёрлари қонунлар тўплами ёрдамида белгиланар эди, лекин бу қонунлар амалдорларнинг ўзбошимчилигини ва сотқинлигини бартараф қила олмас эди.

Цин жамиятининг ижтимоий таркиби ўзидан олдинги даврларга нисбатан унча ўзгармади. Фақат бу ерда аҳолининг босқинчи-манжурлардан иборат янги имтиёзли қатлами ташкил топди. Аҳолининг тенг ҳуқуқли гуруҳига шэньшилар (амалдорлик ва олимлик даражаси учун имтиҳон топширганлар), ер эгалари (нунлар), ҳунармандлар (чунлар), савдогарлар (шанлар) кирарди.

Манжурларнинг Цин сулоласи Хитойни ўзига бўйсундиргач, Хитойга қўшни бўлган давлатларни босиб олишга киришди. Улар Корея ва шарқий Мўғилистонга ўз таъсирларини ўтказдилар.

1691 йилда Халхе (Шимолий Мўғилистон) Цин давлати таркибига қўшиб олинди. Жунғорлар давлати 1755 йилда ўз мустақиллигини йўқотиб, Цин давлатига бўйсунди. 1757-1759 йиллардаги урушдан кейин Қашғор (Шарқий Туркистон) ҳам мағлубиятга учради. Қашғор билан Жунғория янги

провинция сифатида Цин ҳокимиятига қўшиб олинди ва Синьцзянь («Янги чегара») деб аталди .

1750 йилдан Тибет ҳам Хитойга қарам бўлди.

1768 йилда Цин ҳукмдорларининг Ҳинди-Хитойга қилган юришлари муваффақиятсиз чикди. Шу йили хитойликлар Бирмада қаттиқ мағлубиятга учрадилар. Бирма фақат номигагина Хитойнинг сюзеренитетини тан олди.

1788-1789 йилларда Хитой Вьетнамга қарши юриш қилиб, қисқа вақтга уни эгаллаб турди, лекин кейинчалик мағлубиятга учраб, чекинишга мажбур бўлди.

XVIII асрда олиб борилган босқинчилик сиёсати ва урушлар натижасида Цин давлатининг худуди анча кенгайди. Лекин шу билан бирга бу урушлар мамлакат хазинасини бўшаб қолишига, иқтисодийнинг издан чиқишига олиб келди.

Цин ҳукумати дастлабки даврда хитой халқининг чиқишларини бостиришда Ғарб давлатлари ёрдам беради деган фикр билан европалик миссионерларнинг Хитойга кириб келишларига ҳайрихоҳлик билан қарадилар. Цин ҳукумати чет эл кемаларининг Гуанчжоу (Кантон), Сямин, Нинбо, Динхай портларига киришга ва у ерда савдо қилишларига рухсат берди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида португал, француз ва инглиз савдогарлари Пекинга кириб кела бошладилар. Хитойга қўплаб христиан миссионерлари келиб, христианликни тарғиб қила бошладилар. Император Канси ҳукмронлиги даврида улар император саройига ҳам ўз таъсирларини ўтказган эдилар. Бир қанча миссионерлар император маслаҳатчисига айланиб, уларга дипломатик топшириқлар юклатилган эди.

Чет эллик миссионерларнинг фаолияти халқ оммаси норозилигини кучайтирди. Иккинчи томондан ҳукмрон доиралар ичида ҳам узоқ Европадан келиши мумкин бўлган мавҳум, номаълум хавф-хатарлар ҳам қўрқувни юзага келтираётган эди. Манжурлар ўз ҳокимиятларини мустақамлаб олишгач, уларнинг европаликларга бўлган муносабатлари ўзгарди. Манжурлар 1716 йилда чет элликларнинг Хитойга кириб келишини чекловчи дастлабки тадбирларни амалга оширдилар. Император Юнчжэн 1724 йилда 300 та христиан черковини ёпиш ҳақида фармон чиқарди ва деярли барча христиан миссионерлари Португалиянинг Макао мустамлакасига чиқариб юборилди. 1757 йилда император Цянлун Кантондан (Гуанчжоу) ташқари барча портларда чет элликларнинг савдо қилишини тақиқлаб қўйди. Европаликларнинг факториялари йўқ қилинди ва чет элликларнинг Хитойга келиши тақиқланди.

Шу даврдан бошлаб Цин ҳукумати Хитойни Ғарбдан ажратиб қўйиш сиёсатини олиб бора бошлади. Европаликларга Хитойга келиш тақиқланди. Уларнинг кемаларига фақат Гуанчжоуга келишга рухсат қилинди, бу ерда улар ҳокимият вакиллари назорати остида фақат “Гунхан” (Европа адабиётларида “Кохонг”) компанияси билан савдо қилишлари мумкин эди. Уларнинг Гуанчжоуда маҳаллий аҳоли билан мулоқотда



бўлишлари тақиқланди. Хитой ҳукумати томонидан махсус ажратилган савдогарлар уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлардилар, португаллар бу савдогарларни компрадорлар деб атаганлар.

Цин ҳукумати мамлакатни ёпиб қўйиш сиёсати улар ҳукмронлигини мустаҳкамлайди деб ўйларди. Хитой феодалларида Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатилишидан бевосита иқтисодий манфаатдорлик йўқ эди. Хитой ҳукмдорлари Европа давлатлари умуман Хитой яқинидаги бошқа давлатларнинг тараққиёти ҳақида ҳам жуда юзаки тасаввурга эга эдилар. Шу билан бирга улар ўз фуқароларига хитойликларнинг алоҳида мавқега эга эканликлари, Хитойни эса қолоқ, “варвар” мамлакатлар ўртасида жойлашган “Дунё марказидаги улкан империядир” деган анъанавий ғояларни сингдиришга уринардилар.

Ажратиб қўйиш сиёсати Хитойга чет эллик мустамлакачиларнинг кириб келишини анча кечиктирди. Лекин феодал тартибларнинг мустаҳкамланиши ва Цинлар ҳукмронлигининг сақланиб қолиши бу сиёсатнинг асосий натижаси бўлди. Цин ҳукумати ташқи савдони чеклаб қўйиш орқали маҳсулотлари ташқи бозорларга чиқарилиб турган хунармандчилик ишлаб чиқариши ва мануфактуралар тараққиётига тўғанок бўлди.

## **2.7. Ўрта асрларда давлатчилик масаласи ва дин тушунчасининг ўйгунлашуви ва Буюк географик кашфиётлар**

Ўрта асрларда Европада католик дини, Осиёда эса асосан ислом ва буддавийлик эътиқоди муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўрта аср сўнгида Усманийлар ўз таркибига Европа (Болқон ярим ороли, Қримнинг Қора денгиз ва Азов денгизи бўйлари), Осиё (Кичик Осиё, Арабистон, Ироқ, Сурия, Фаластин, Кавказортининг бир қисми) ва Шимолий Африкани қўшиб олган улкан Усманийлар империясининг маркази эди. Ислом дини эса турк давлатининг бошқарув тизимида муҳим аҳамиятга эга эди.

Феодал турк давлатининг барча тузилмалари босқинчилик урушлари олиб бориш манфаатларига бўйсундирилган эди. Кучли армия тузган туркларнинг ҳарбий ғалабаларига ҳалқаро вазиятнинг қулайлиги, яъни мўғиллар давлатининг парчаланиб кетиши, Византиянинг инқирозга юз тутиши, ўрта аср Европаси давлатлари ўртасидаги зиддиятлар ҳам ёрдам берган эди. Лекин турклар томонидан тузилган бу катта империя ҳеч қачон мустаҳкам иқтисодий, миллий асосга эга эмас эди. Бу империяда ҳукмрон ҳалқ бўлган турклар озчиликни ташкил этарди. XVI аср охири XVII аср бошларида Усманийлар империясида узокқа чўзилган инқироз бошландики, бу инқироз европалик мустамлакачиларни Туркияга ва унинг ҳукмронлиги остидаги бошқа давлатларга кириб боришини осонлаштирди.

Улкан империянинг турли жойларидаги аграр муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлса ҳам аграр муносабатлар туркларда XIV асрда шаклланган ҳарбий-лен тизимига асосланган эди. Қоидага кўра, турклар томонидан босиб олинган ерлар 3 тоифага ажратилган:

1. Ҳар бир босқинчилик юришидан кейин қўлга киритилган ерларнинг ярмини ташкил қилувчи ленлар.

2. Барча ерларнинг 1/5 қисмини ташкил қилувчи тахтга тегишли ерлар.

3. Барча ерларнинг 1/5 қисмини ташкил этувчи вақф ерлар.

Босиб олинган ерларнинг 1/10 қисми шу ердаги гарнизонларни сақлашга ажратилган. Булардан ташқари хусусий ерлар ҳам мавжуд бўлиб, лекин улар оз миқдорда эди.

Султоннинг отлик армиясида хизмат қилувчи турк феодаллари - сипоҳийлар лен ерларига эга бўлардилар. Сипоҳийлар уруш даврида ўз ленларидан оладиган даромадига қараб, муайян миқдорда аскар етказиб беришлари шарт бўлган. Тахтга қарашли ерларнинг бир қисми давлат аппаратидаги юқори мансабдаги амалдорларга лен тариқасида бериларди. Бир неча ленларни бир одам қўлида тўпланиши тақиқланган. Лен эгасининг ўғли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса, султоннинг махсус фармони билангина лен отадан ўғилга ўтказилган. Усманийлар империяси ташкил топган дастлабки асрларда турк феодаллари ўз хўжалиklarини юритмаганлар, балки ўз ленидаги деҳқонлардан рента - солиқ олиш билан чекланганлар. Улар султон армиясида хизмат қилиб, ҳарбий ўлжалар, ҳадялар, қулларни қўлга киритиб, бойиб боришган.

Лекин усмонийларнинг бу шаклдаги ҳарбий - лен ер эгаллиги узок сақланиб турмади. XVI асрда бир неча ленларнинг бир киши қўлида тўпланишини чекловчи таъқиқ бекор қилинди. XVII асрда йирик феодал - помешчик ер эгаллиги шаклланди. Кўпгина сипоҳийлар ҳарбий ишни тарк этиб, ўз хўжалиklarини юритувчи помешчикларга айландилар. Ҳарбий хизматга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган султон саройидаги амалдорлар, маҳаллий феодал зодагонлар, судхўрлар ҳам ленга эга бўла бошлади.

Шу билан бирга вақф ерлари кўпайди. Кўпинча хонавайрон бўлган лен эгалари ва майда ер эгалари ўз ерларидан батамом ажралиб қолишдан кўрқиб, ўз ерларини ижарага олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, ўз ерларини мусулмон руҳонийларига берардилар. XVIII аср охирига келиб мусулмон руҳонийлари қўлида барча ишлов бериладиган ерларнинг 2/3 қисми тўпланган эди.

Турк деҳқонлари ҳуқуқий жиҳатдан эркин ҳисобланарди. Усманийлар империяси ташкил топган дастлабки асрларда лен эгалари деҳқонлардан натурал солиқ - ушур олганлар. Деҳқонлар ўз чек ерларини мерос қолдириш ҳуқуқига эга бўлганлар. Лен ер эгаллигининг характери ўзгара борган сари турк деҳқонларини асоратга солиш кескин кучайган. Помешчиклар ўзбошимчалик билан янги мажбуриятлар жорий қилишган. Қочиб кетган деҳқонни 10 йил мобайнида қайтариб келиш тартиби ўрнатилган. Агар деҳқон бирор сабабга кўра ўз чек ерини 3 йил мобайнида ишлолмаса, помешчик бу ерни тортиб олиши мумкин бўлган.

Деҳқонларни асоратга солишнинг кучайиши кўп сонли солиқ ва мажбуриятларни жорий қилиш билан бирга борди. Уй ҳайвонларига, асарларига ва бошқа нарсаларга солиқ жорий қилинди. Ҳатто махсус тиш

солиғи ўрнатилди. Деҳқонлар шу ердаги амалдор ва аскарларни боқишга мажбур эди. Турклар томонидан асоратга солинган бошқа халқларнинг аҳволи ниҳоятда оғир эди.

Турклар босиб олган Болқон ярим оролидаги мамлакатларда помещиклар зулми миллий ва диний зулм билан қўшилиб кетди. Болқон деҳқонлари юқори микдордаги ер солиғини тўлаш ва кўп сонли мажбуриятларни ўташдан ташқари алоҳида жон солиғи ҳам тўлашлари шарт эди. Султоннинг мусулмон бўлмаган фуқаролари таҳқирланиб, «райя» (пода) деб аталган. «Райялар» давлат хизматига кириш, суд ҳимоясида бўлиш, қурол тақиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Уларнинг кийими мусулмонлар кийимидан фарқ қилиши керак эди.

Ислом динига эътиқод қилувчи Арабистон ярим ороли, Ироқ, Фаластин, Сурия, Миср, Ливия, Тунис ва Жазоир аҳолиси ҳам икки томонлама - ҳам турклар, ҳам ўз феодаллари томонидан эзиларди. Усманийлар империяси ташкил топган дастлабки асрларда шаклланган сиёсий устқурма тез орада турк халқи ва империя таркибидаги бошқа халқларнинг тараққиёти учун асосий тўсиққа айланди. Мамлакатнинг мутлоқ ҳукмдори мустабид ҳокимиятга эга бўлган султон ҳисобланарди. Султон империянинг дунёвий ҳукмдори бўлибгина қолмай, барча мусулмонларнинг диний раҳбари - халифа ҳам ҳисобланарди. Султон вазирлар ва ҳокимларни тайинлар, қуролли кучларнинг олий бош қўмондони ҳисобланарди, бу эса султоннинг ўз фуқароларининг ҳаёти ва мол-мулклари устидан чексиз ҳокимиятини таъминларди. Султон саройи ва ҳарамидаги қуллар, ходимлар, амалдорларнинг сони 12 минг кишига етарди.

Усманийлар империяси вилоятлар ва вассал ерларга ажратилган эди. Бундай ерлар ва вилоятлар ноиблари - амирлар ва пошшолар ўз қўлларида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштирган эди. Мусулмон руҳонийларининг юқори қатлами империяни бошқаришда катта рол ўйнардди. Суд ишлари диний қонунлар асосида олиб бориларди. Султон бирор тadbирни амалга ошириш учун руҳонийлар бошлиғи шайхулисломдан фатво олиши керак эди. Султон шайхулисломни ишдан олиши мумкин эди, аммо фатвони бекор қила олмас эди. Диний феодаллар вақф ерларидан катта даромадлар олишарди. Турк деҳқонлари ва асоратга солинган бошқа халқларнинг ҳар қандай чиқиши шафқатсизлик билан бостирилар эди. Мамлакатда қонли мустабид тартиб ўрнатилган эди. Империянинг сиёсий устқурмаси капиталистик муносабатларнинг ривожига тўсқинлик қилмоқда эди.

Усманийлар империяси XV асрда, айниқса XVII асрда чуқур ички кризис ҳолатида эди. Ҳарбий-лен ер эгалиги характерининг ўзгариши, деҳқонларни асоратга солишнинг кучайиши мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг инқирозига олиб келди. Сон-саноксиз солиқ ва мажбуриятлар натижасида хонавайрон бўлган деҳқонлар ўз оиласини боқишга ҳам имкон топмасди. Кўп минглаб деҳқонлар ўз яшаш жойларидан қочиб кетардилар. Бутун-бутун қишлоқлар аҳолисиз қолиб, экин майдонлари чакалакзорларга айланарди. Халқ оммасининг феодалларга қарши кураши кучайди. 1630 йилда

Истанбулда собиқ денгизчи Патрон-Халил бошчилигида шаҳар аҳолисининг кўзғолони бўлди. Кўзғолончилар султоннинг энг шафқатсиз амалдорларини қатл қилинишини талаб қилишди. Шаҳар бир неча ҳафта давомида кўзғолончилар қўлида бўлди. Кўзғолон мағлубиятга учраса ҳам Усманийлар империяси асосларига қаттиқ зарба берди. Патрон-Халил кўзғолони бостирилгач, империянинг турли ҳудудларида асоратга солинган деҳқонларнинг бир қатор чиқишлари бўлиб ўтди. Деҳқонларнинг феодалларига қарши чиқишлари миллий ва диний зулмга қарши чиқишлар билан қўшилиб кетди.

Лен ерларининг мерос мулкка айланиши амалда турк феодалларининг султоннинг марказий ҳокимиятига нисбатан қарамлигини сусайтирди. Аста-секин маҳаллий ҳокимлар ва пошшолар султон ҳокимиятини номигагина тан ола бошлади. Болқон вилоятларининг ҳукмдорлари мустақил князларга айланди, улардан баъзилари ҳатто ўз тангаларини зарб қилдилар. Арабистон, Сурия, Ироқ, Фаластин, Шимолий Африкада султон олий ҳукмдор сифатида тан олинсада, улар Усманийлар империясига солиқ тўлаш ва аскар юборишни тўхтатиб қўйишди. Хусусан Туркия ҳудуди - Анатолия (Кичик Осиё) бир неча номдор оилалар ҳокимияти остида эди. Марказий ҳукумат йирик маҳаллий феодаллар қўллаб-қувватлаган такдирдагина бирор сиёсий қарорни қабул қила оларди.

Усманийлар империясининг иқтисодий тушкунлиги XVII аср ўрталаридан унинг сиёсий ва ҳарбий қудратининг тушкунлигига олиб келди. Сипоҳийларнинг илгариги сони ва жанговарлик қобилияти сусайди. Ўз вақтида турк армиясида сипоҳийлардан ҳам муҳимроқ рол ўйнаган яничарлар корпусининг характери ўзгарди. Яничарлар илгари профессионал жангчи бўлганлар. Уларнинг сафлари ислом динига ўтказилган соғлом христиан болаларини мажбурий равишда хизматга олиш билан тўлдирилган. Улар ёшлигидан ҳарбий ишга ўргатилган ва мусулмон фанатизми руҳида тарбияланган. Яничарларга ўз оиласига эга бўлиш, хунармандчилик ёки савдо-сотик билан шуғуланиш тақиқланган. Профессионал жангчи сифатида тарбияланган, юқори маош олувчи ва кўп имтиёзларга эга бўлган яничарлар босқинчилик урушларини олиб боришда ва босиб олинган ҳудудлардаги аҳолини шафқатсизлик билан асоратга солишда Усманийлар империясининг таянчи ҳисобланарди. Лекин вақт ўтиши билан яничарлар корпусининг характери ўзгарди. Яничарлар ўз оилаларига эга бўлиб, савдо билан шуғуллана бошладилар. Яничарларнинг сафлари кейинчалик яничарларнинг болалари билан тўлдирила бошланди. Имтиёзларга эга бўлган яничарлик патенти олди-сотди предметига айланди. Яничарлар сарой тўнтаришлари ўтказиб, ўзларига ёқмаган вазир ва султонларни тахтдан туширарди. Улар тартиб интизомга бўйсуннишни хоҳламас, армиядаги янгилик ва қайта қуришларга қарши чиқишарди. Уларнинг илгариги жанговарлик қобилияти йўқолган эди. Турк армиясининг путурдан кетиши Усманийлар империяси олиб бораётган кўп сонли урушларга ўз таъсирини ўтказди. 1664 йилда венгрлар ва австрияликлар Сентгортхарт (Венгрия) ёнида туркларни мағлубиятга учратдилар. Турклар 1683 йилда Венага ҳужум қилганларида

австрияликлар билан поляклар қўшинидан енгилдилар. Бу ҳарбий мағлубиятлар Усманийлар империясида бошланиб кетган ижтимоий-иқтисодий инқирознинг натижаси эди.

Туркиянинг Вена ёнидаги мағлубиятидан кейин унга қарши Австрия, Польша ва Венгриядан иборат ҳарбий иттифоқ тузилди, Россия ҳам бу иттифоққа қўшилди. Иттифоқ қатнашчилари туркларни яна бир неча маротаба мағлубиятга учратдилар. Турк босқинчилари Венгриядан ҳайдаб юборилди. Бу эса Усманийлар империяси инқирозни янада кескинлаштирди.

Усманийлар империяси кўп миллатли давлат бўлсада, у шарқий Европадаги давлатлардан тубдан фарқ қиларди. Усманийлар империяси унинг таркибига кирган халқларнинг биргаликдаги муҳофаа эҳтиёжларидан юзага келган эмас эди. Аксинча, бу империя усмонли туркларнинг босқинчилик юришлари натижасида ташкил топди. Турклар ўша даврда илғор ва маданиятли халқлар бўлган болгарлар, серблар, венгрлар, руминлар, греклар ва арманларни босиб олиб асоратга солдилар. Турк султонлари маданият ривожига катта ҳисса қўшган арабларни мустақилликдан маҳрум қилдилар. Усманийлар империяси давлатида турклар билан империядаги бошқа халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқинлашиш деярли бўлмаган.

Турклар босиб олган мамлакатларда туркларга қарши озодлик ҳаракатлари авж олди. Бу ўз навбатида Усманийлар империясининг заифлашишига ва инқирознинг чуқурлашишига сабаб бўлди.

#### Географик кашфиётларнинг бошланиши

Испания ва португалияликлар буюк географик кашфиёт оламинг ёрқин юлдузлари бўлдилар. Португалия араблар ҳукмронлигидан халос бўлганидан сўнг, XIV-XV асрларда Шимолий Африкада араблар билан урушларни давом эттириб яхшигина денгиз флотини тузишга эришди, Ўрта Ер

денгизидан Шимолий ва Болтиқ деригизларига борадиган муҳим савдо йўли Португалия қирғоқлари яқинидан ўтарди, Шу сабабдан Португалия портларига турли мамлакатлардан кемалар келиб турарди. Денгиз кемаларида хизмат силиш ва балиқ овлаш соҳил бўйида яшовчи кўпчилик аҳоининг асосий машғулоти эди. Кейинчалик улардан довжорак ва тажрибали денгизчилар ҳам етишиб чиқди.

Кашфиётларнинг биринчи даврасида, шахзода Генрих Денгизчи (1418- 1460-йиллар)нинг истеъоди, ташкилотчилиги натижасида нафақат савдогарлар, балки дворянлар ҳам иштирок этишди. Натижада XV асрнинг 20-30-йларидан португалияликлар Мадейра, Канар ва Азор ороллари ослишди. Африканинг ғарбий қирғоқлари бўйлаб жанубга силжий борган денгизчилар Бохадор бурнини четлаб ўтиб, 1434-йил Гвинея қирғоқларига, Яшил Бурун ороллари ва 1462-йили Сьерра-Леонега етиб бордилар. Португаллар бу жойларда маҳаллий аҳолидан рангдор латталар, шиша маржонлар, кичкина ойначалар каби майда чуйда буюмларга олтин аралашган сум ва фил суякларини алмаштириб олардилар. Кейинчалик



бошланган сул савдосининг маркази ҳам худди шу ерда бўлган. Карталарда сақланиб қолган Қуллар қирғоғи, Олтин қирғоқ, Фил Суяги қирғоғи каби расмий номлар бежиз пайдо бўлмаган.

Португалларнинг Барталомео Диаш бошчилигидаги экспедитсияси 1486-йили Африканинг жанубий нуқтасини айланиб ўтиб, Ҳинд океанига чиқди. Лекин узоқ давом этган оғир йўл машаққатларидан толиққан денгизчилар сафарни давом эттиришдан бош тортдилар. Африка қитъасининг энг жанубий нуқтасини, португаллар Ҳиндитсонга борадиган йўлни яқин орада очилишини умид қилиб Яхши Умид бурни деб атадилар.

*Колумбнинг Американи кашф илши.* Олимларнинг Ер шар шаклида бўлиши ҳақидаги тахминлари XV асрда денгиз сайёҳларининг қизиқишини янада оширди. Италиялик олим, атсроном Паоло Тосканелли бу ғоядан кеииб чиқиб дунё картасини тузди. Картада Осиё қитъаси Атлантика океанининг ғарбий қирғоқларида тасвирланган бўлиб, олимнинг эикрича, Европа қирғоқларидан доимо ғарбга сузиб Ҳиндитсонга бориш мумкин бўлади, Италиялик олим Ер экватори узунлигини хато тасаввур силиб, 12 минг километрга янглишган, Кейинчалик бу хато - буюк кашфиётларга олиб келди.

XV аср охирида Испания ҳам янги денгиз савдо йўлларини ахтара бошлаганди, Испания сироли Фердинанд ва сиролича Изабеллага қзининг Тосканелли тасдислаган Ҳиндитсонга Ғарбий денгиз йўлини очиши лойиҳасини топширган Хритсофор Колумб (1451 -1506-йилларда яшаган) Италиянинг Генуя шаҳрида тқсувчи оиласида туғилган. Христофор 15 ёшига қадар яхшигина маълумот олган эди. Кейин оилавий шароити туфайли денгизчиликка ёлланиб, кемаларда матросдан капитанга садар бўлган лавозимларда хизмат қилди.

Ниҳоят, 1492-йили Испания сироли саёҳатга рухсат берди. Палос портидан 1492-йил ёзида Колумб қзининг 90 кишилиқ командаси билари учта кемада: "Ниняе, "Пинта" ва "Санта-Мария"ларда денгизга чисди. Орсдан эсаётган шамол кемаларни ғарб томонга тез ҳайдаб борарди, Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар қтди, лекин ер ҳамон кқринмасди. Сарагосса денгизига етганда сув қтлари ернинг ясинлиги хаёлини туғдирди. Пассат шамоллари йўналишидаги кемалар илдам олдинга сузарди. Яна бир неча кун ўтгандан кейин денгизчиларда скрсув пайдо бўлди. Орадан икки ой қтгандан скнг денгизчилар талаби билан кемалар жануби-ғарбга томон йўл олди. Ниҳоят, 1492-йил 12-октябр куни кечаси кемалардан биннинг мачтаси утсидан матросрининг "Ер!\*", "Ер!" дея басирган овози эшитилди,

Ертасига кемалар кичик бир орол ёнига келиб тўхтади. Колумб қирғоққа Испания байроғини тикиб, оролни қирол мулки деб эълон қилди Экспедитсия аъзолари бу ердан олтин излаб жануб томонга йўл олдилар ва Куба ҳамда Гаити оролларини кашф силдилар. Гаити қирғоқларида ўзининг энг катта кемасидан айрилган Колумб денгизчиларнинг бир сисмини янги

сурилган Навидад фортида қолдириб, ўзи Испанияга қайтди. Кейинг! йилларда Колумб ғарбга яна 3 марта саёҳат қилди У Кариб денгизидаги кўплаб ороларни кашф этди. Лекин омад унга куниб босмади, у ўзи излаган Ҳиндистоннинг олтин-бойликларини топа олмади, Янгиқитъа кашф силинганини Колумб умрининг охирига қадар билмаган. ўзи кашф қилган жойларни Ҳиндистон, у ерлар аҳолисини "ҳиндулар" ("индеецлар") деб атади. Шу сабабдан Американинг кўплаб тилларда гаплашадиган, турли номдаги халқлари ва қабилаларини адабиётларда "индеецлар" деб аташ расмий бўлиб кетди. Колумбдан кейин 1498-йили ғарбда саёҳатда бўлган Америго Веспуччи Колумб кашф қилганерларнинг "янги қитъа" эканлиги ҳасидаги фикрларини ўз фикриси немис картографи Валдземюллерга ёзиб юборган. Худди шу немис олимнинг таклифи билан янги қитъа Америка деб атала бошланди. Хритсофор Колумбнинг номи Колумбия давлатига, Америка Қўшма Штатлари округларидан бирига, кўплаб шаҳарларга, университетга, тоғ, дарё ва ҳатто фазони тадқиқ этиш лойиҳаларидан бирига қўйилган.

*Васко де Гаматиинг Ҳиндистонга саёҳати.* Испанияликлар томонидан Американинг кашф қилиниши ва уни Ғарбий Ҳиндистон деб аталиши овоза бўлиб, португалияликларни ҳам ҳаракатга солиб қўйди. Португалия қироли Ҳиндистонга бориладиган денгиз йўлини топиш учун Васко де Гама бошчилигида (1497-1499-йиллар) экспедиция жўнатди. Экспедицияга жуда пухта тайёр-гарлик кўрилганди. Васко де Гама энг яхши кемалар, асбоблар ва карталар билан таъминланиб, экспедиция таркибидаги денгизчилар ҳам тажрибали бўлган.

Сафар бошлангандан тўрт ярим ой ўтгач, са-ёҳатчилар Яхши Умид бурнини айланиб ўтиб, Африканинг шарқий соҳилига чиқдилар. Шундан кейин Ҳинд океани бўйлаб шимолга сузган де Гама экспедицияси Мозамбикнинг - Малинда портига келди. Араб лотсмани\* Аҳмад ибн Мажид ёрдамида португалияликлар 1498-йилнинг май ойида 10 ойлик саёҳатдан сўнг Каликут шаҳрига етиб келди. Васко де Гамани ҳинд рожаси қабул қилди Португаллар кемаларига зираворларни юклаб орқага қайтдилар. Икки йилга чўзилган сафар пайтида денгиз-чиларнинг 2/3 қисми ҳалок бўлди. Келтирилган зираворлардан экспедиция уюштиришга сарфланган маблағдан 60 марта ортис фойда олинди.

*Дунё бўйлаб биринчи саёҳат.* Америго Веспуччининг Колумб кашф қилганерлар янгиқитъа эканлиги ҳасидаги фарази Фернан Магелланнинг 1519- 1522-йиллардаги дунё айлана биринчи саёҳатида тола тасдисланди. Янги очилган ерлардан мўлжалланган бойликларига эриша олмаган испан ҳукмдорлари Фернан(Лотсман - денгизда йўл кўрсатувчи киши.) Магелланнинг Ҳиндистонга Ғарбий денгиз йўлини очиш лойиҳасини қўллаб-қувватладилар.

Жасур ва тажрибаии денгизчи, бағоят иродали Магеллан ўзининг 5 та кемадан иборат флотилиясини 1519-йилнинг 20-сентябрида Сан-Лукар

портидан денгизга чиқарди. Экспедицияда қатнашган: "Тринидад", "Сан-Антонио", "Консепсион", "Виктория" ва "Сант-Яго" каби 105-154 тонна юк сифимли кичик кемаларда икки йилга етадиган озиқ-ооқатлар ғамлаб олинганди. Устига-устак Магелланга берилган кемалар таъмирлашдан кейин ҳам талабга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда эмасди. Португалиянинг Испаниядаги элчиси ўз қиролига Магеллан экспедицияси муваффақиятсизликка учраши муқаррар деб ёзган эди. Магеллан кемаларга португалиялик ҳамюртларидан рухсат берилган 5 ўрнига 37 киши олишга муваффақ бўлди. Саёҳатнинг бошидаёс жуда оғир синовларни енгиб, 60 кунлик тинимсиз ёмғирлардан сўнг кемалар 1519-йил 13-декабрида Рио де Жанейро кўрфазига кирди. Яна бир ойлик саёҳатдан кейин ҳозирги Уругвайнинг пойтахти Монтевидео жойлашган ерда тўхташди. Бу жойнинг икки океанни боғловчи қалтис эканлиги ҳасидаги фараз тасдиқланмади. Қишлоғга тўхтаган экспедицияда биринчи марта исён кўтарилди. Унда учта кеманинг капитанлари сатнашди. Капитанлардан бири исёнчилар билан тоқнашувда ҳалок бўлди, Иккинчиси - капитан Мендоса исён ботсирилиши билан қатл қилинди, учинчи капитан Картахена фитнада иштирок қилган руҳоний билан кўрфазнинг сирғоғига ташлаб кетилди, Исён бошланишига сабаб Магелланнинг озиқ-овқат миқдорини камайтириши болганди. Экспедиция аъзоларининг орасига сайтишни талаб қилишларига жавобан Магеллан "Қитъа жанубидаги бқғозни топиб қз ваъдамни бажараман, бу йўлдан мени фасат ўлим қайтаради", - деб айтди. Кўрфазнинг очилиши арафасида "Сант-Яго" кемаси ҳалокатга учради. Магеллан экспедицияси 1520-йил 21-октябрида жанубий кенгликнинг 52-градусида кейинчалик унингномига сқйилган сқлтисса кирди. Экспедициянг Жанубий денгизга йўл олган кемасида 1-ноябр куни этсеван Гомес бошчилигидаги Кжр гуруҳ зобитлар исён кқтариб, Магелланнинг содис сафдоши "Сан-Антонио" капитани Алваро де Мескитуни сқлга олиб асосий озиса захираси билан Испанияга йўл олдилар. Қайтиб келганлар Магелланга туҳрнат-бққтонлар ёғдир-дилар. Қирол ҳукумати эса бунга ишониб Магелланнинг сайнотаси ва хотинини сазойи қилди.

Бу пайтда жасур Магеллан қз массади томон ишонч билан бормосда эди. Кўрфаздан бир ойга ясин сузган кемаларнинг чап томонида доим хиндулар гулханлари олови ва тутуни кқришиб турган. Натижада денгизчилар бу ерларни "Оловли ер" деб атадилар, Океанга чиссан кемалар шимолга сараб сузишди. Тқрт ой давомида ҳеч сандай довулларсиз олға юрилди. Океаннинг уларга қилганмумввати эвазига саёҳатчилар уни "Тинч океан" деб атадилар. Ҳужжатларда ёзилишича, саёҳатчилар кейинг! 110 кун давомида суртлаган нон ушосларини, сассис сувни ичишгас мажбур бўлдилар. Кемаларда каламушнинг нархи ярим дукаат бўлган, денгизчилар кеманинг чарм сопланган жойларини олиб сайнатиб ичишган. Саёҳатчиларнинг кқпи синга касалига чалиниб қла бошлади, Ниҳоят, 1521-йилнинг 6-рнартида экспедитсия аъзолари Мариан архипелаги оролларида бирига тушдилар. қн кундан сқнг кемалар ясинлашган архипелаг Испания

шахзодаси, бқлажак сирол Филипп шарафига Филиппин деб аталди. Худди шу оролларда рқй берган бир восеа сайёҳларнинг қилганишлари санчалик буюк эканлигини кқрсатди. Магелланнинг сачонлардир Малай оролларида олиб чисиб кетилган хизматкори энрике маҳаллий аҳоли билан гаплашиб бир-бирларини тушунганлар. Демак энрике 0 з юртидан шарс томонга чисиб унга ғарбдан сайтиб келди. Себу ороллари аҳолисини ҳазрати олийлари, Испания сиролли вассалларига айлантириш учун силинган урушда, 1521-йил 27-апрелида Магеллан ҳалок бўлди.

Молукк оролларида зираворларни ортган дъЕскато бошчилигидагж экспедициянг солган аъзолари Сан-Лукар-га сайтиб келганда "Виктория" кемасида 18 киши солган эди.

Дунё бўйлаб биринчи саёҳат Ернинг шар шаклида эканлигини узил-кесил исбот ситиб берди. Сайёҳлар Ер куррасининг анчагина сисмини тадсис этдилар. Энджиикда океан йўқарини қзлаштириш бошланди. Буюк географик кашфиётлар натижасида Ер юзидаги аҳоли ҳасида маълу-мотлар кқпая борди.

Мустамлакаларни истило қилишда кимлар қатнашди. Пиренея яримороллидан арабларнинг ҳайдаб чисарилишида фаол иштирок қилган минглаб ритцарлар урушдан сўнг бекор қолдилар. Уларнинг копчилиги кашшоқлашган дворянлар вакиллари эдилар. Осонликча бойлик орттириш йўлини ахтарган минг-минглаб кишилар Испания ва Португалия сайёҳларининг кашфиётлари ҳақида хабар етиши билан ҳеч қийналиб ўтирмасдан янги қитъаларга жўнай бошладилар. Денгиз экспедицияларини сафарларга тайёрлашда ва жиҳозлашда савдогарлар ва кема эгалари ҳам фаол сатнашдилар. Уларнинг мақсади савдо-сотувдан, кемаларни талашдан бойлик орттириш эди. Америкақитъасини истило қилишда христиан дини вакиллари, руҳонийлар ва роҳиблар ҳам иштирок этдилар. Улар маҳаллий аҳолини хритсиан динига ктказиш билан шуғулландилар. Мустамлакаларда ўлжалардан христиан черкови ҳам курук қолмади.

Шундай қилиб, Европаликлар босиб олинган мамлакатларни мустамлакаларига айлантирдилар. Мустақиллигини ёқотиб, ттсилочилар зулмида эзилган худудлар мустамлакалар деб атала бошланди.

### **Назорат саволар:**

1. Империя марказининг манфати маҳаллий зодогонлар манфати билан қандай мос келган?
2. Империя ташкил топиш сабаблари?
3. Империя давлатчилигида мафкура қандай ўрин эгалаган?
4. Давлатчилигида империянинг салбий ва ижобий томойлари?

### 3-Мавзу: ЯНГИ ДАВР ДАВЛАТЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

#### РЕЖА:

- 3.1. Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши.
- 3.2. Янги даврда Европа, Америка, Осиё ҳамда Африка мамлакатларда давлатчилик анъаналари.
- 3.3. Абсолют монархиянинг инқирози.
- 3.4. Деспотик давлатлар.
- 3.5. Миллий принциплар асосланган давлатнинг ташкил топиши.
- 3.6. Миллий давлатларнинг турлари.

**Калит сўзлар:** Империя, тоталитаризм, деспотия, мафкура, СССР, Учинчи Рейх.

#### 3.1. Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши.

Дунё мамлакатларининг энг янги тарихи инсониятнинг XVII асрнинг 40-йилларида бошланган янги тарихининг давоми, умумий тарихнинг сўнгги, энг мураккаб ва муҳим қисми ҳисобланади. 1914-1918 йилларда бўлиб ўтган биринчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг ҳалокатли урушлардан бири бўлиб, бу урушнинг тугаши инсоният тарихида янги даврнинг якунланиши ва энг янги даврни бошланишига олиб келди.

Собиқ совет давлати даврида ҳукмронлик қилган мафкура бўйича энг янги тарихнинг бошланиши сифатида 1917 йилда Россияда амалга оширилган октябрь тўнтариши қабул қилинган эди. Бу тўнтариш натижасида ҳокимят тепасига келган кучлар Россияда меҳнаткашлар ҳокимияти ўрнатилганлигини, хусусий мулкчилик бекор қилинганлигини ва социалистик давлат барпо қилинганлигини эълон қилдилар. Россияда рўй берган бу давлат тўнтариши жаҳон тарихида алоҳида ўрин тутди. Шу даврдан бошлаб тарихда маълум бир из қолдирган социалистик тизим шакллана бошлади. Натижада дунё бир-бирига қарама- қарши бўлган 2 гуруҳга – социализм ва капитализм гуруҳларига ажралди ва бу икки гуруҳ ўртасида гоҳ очик, гоҳ яширин зиддиятлар, тўқнашувлар содир бўлиб турди. Россиядаги давлат тўнтариши бутун дунёда ишчилар ҳаракатига ва миллий-озодлик ҳаракатига катта таъсир кўрсатди. Бир қатор мамлакатларда социалистик давлатлар ташкил топди. Эълон қилинган социалистик ғоялар, мақсадлар қанчалик юксак, олийжаноб бўлмасин, ҳақиқатда улар амалга



ошмайдиган сароб бўлиб чиқди. Натижада XX асрнинг 90-йилларига келиб социализм тарих саҳнасидан тушиб кетди.

Шунинг учун ҳам энг янги тарихнинг бошланишини 1917 йилдаги октябрь тўнтаришидан бошлаш мантиқан нотўғри ҳисобланади. Дунё амалиётида энг янги тарихнинг бошланишини биринчи жаҳон урушининг тугаши билан боғлаш кенг ёйилган бўлиб, бунинг учун бир қатор асослар бор. Биринчи жаҳон урушидан кейин АҚШ ва Европадаги ривожланган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётида бир қатор муҳим хусусиятлар пайдо бўлдики, улар иккинчи жаҳон урушигача бўлган тарихнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу хусусиятлар қаторига қуйидагилар киради:

#### *Иқтисодий соҳада:*

- Иқтисодий инқирозларнинг такрорланиб туриши.
- Иқтисодиётнинг милитарлаштирилиши.
- Ишсизлар сонининг кўпайиши.
- Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг (давлат-монополистик капитализми) кучайиши.
- Хўжалик интеграциясининг кучайиши.

#### *Ички сиёсатда:*

- Парламентаризм инқирозининг юзага келиши.
- Бошқарувнинг фашистик ва ярим фашистик услубларининг қўлланилиши.
- Ишчилар ҳаракатининг ўсиши, сиёсий партиялар таъсирининг ошиши.

#### *Ташқи сиёсатда:*

- Халқларнинг империализм агрессиясига, унинг бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашшига қарши курашнинг ўсиши.
- Мустамлакачилик тизими инқирозининг кучайиши.
- Империалистик давлатлар ва гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши.

Инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт йўли бир текис кечмаган, энг янги тарих ҳам бундан истисно эмас. Капиталистик давлатлар билан СССР ўртасидаги зиддиятлар ва капиталистик давлатларнинг ўзлари ўртасидаги зиддиятлар инсоният тарихида энг ҳалокатли ҳисобланган иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқарди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёдаги сиёсий вазият кескин ўзгарди. Дунё аввалгидек бир-бирига қарама-қарши бўлган капиталистик ва социалистик лагерга ажралганича қолган бўлса ҳам эндиликда дунёда тинчликни сақлаш, мустамлакачиликни тугатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар барча давлатлар учун муҳим масалага айланди.

Янги тарихда бўлгани каби энг янги тарихда ҳам “Ғарб давлатлари” номи билан аталувчи мамлакатлар гуруҳи (Англия, Франция, Германия, Россия (СССР), Италия, Испания, АҚШ, Канада ва б.) катта роль ўйнади. Бошқача қилиб айтганда дунё евроцентристик ёки кенг маънода евро-

американоцентристик кўринишда эди. Бошқа халқлар, мамлакатларни Ғарб тарихи билан боғлиқ ҳолда кўриб ўтиш мумкин эди.

Ҳақиқатан ҳам XX асрнинг биринчи ярмида айнан Ғарб жаҳон тараққиётининг асосий йўли, йўналишлари ва воситаларини белгилаб берди ва у ўз доирасига бутун бир регионлар, халқлар ва мамлакатларни тортди. Европа ҳозирги замон дунёсига илғор илмий фикрлар ва инсонпарварлик ғояларини, ер юзининг одамлар яшайдиган ҳудудларини бир бутун қилиб бирлаштиришни бошлаб берган буюк географик кашфиётларни, бозор иқтисодиётини, вакиллик демократияси институтларини, ҳуқуқ анъаналарини, черковни давлатдан ажратиш тамойилларига асосланган дунёвий давлатни ва шунга ўхшаган кўплаган нарсаларни берди.

Энг янги тарихнинг асосий қисмини ташкил этувчи XX асрда инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. 20-йилларда бошланган илмий-техникавий инқилоб ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларга олиб келди. Космосни ўзлаштириш, атом энергияси, ген муҳандислиги, электроника, фазовий телевидение, транспортнинг энг янги турлари пайдо бўлди.

Шу билан бирга бу асрда инсоният олдида жуда мураккаб масалалар – озиқ-овқат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ядровий ва оддий куролларни қисқартириш, хавfli касалликларни даволаш, қолоқ мамлакатларга ёрдам бериш, инсон ҳуқуқлари учун кураш, халқаро ҳуқуқ мезонларини қарор топтириш, космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш, дунё океани бойликларидан биргаликда фойдаланиш каби муаммолар пайдо бўлди.

XX асрда фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, уларнинг энг илғор ютуқларини тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши жаҳон ижтимоий ҳаётида бир қатор янги тамойилларни пайдо бўлишига олиб келдики бу тамойиллар жумласига қуйидагилар киради:

1. *Инсонпарварлик.* Фан ва техника соҳасида рўй берган барча ютуқларнинг сабабчиси инсон, шахсдир. XX аср тарихида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва барча тарихий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. XX асрда шахснинг ўзи ҳам тубдан ўзгарди. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ялпи ўрта таълимнинг жорий этилиши, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, оммавий маданиятнинг пайдо бўлиши инсоният умумий маданият даражасининг юксалишига олиб келди.

2. *Демократлаштириш.* Энг янги даврга келиб ялпи сайлов ҳуқуқи ва инсон омилининг тарихий жараёнларга ҳал қилувчи таъсир кучига эга бўлиши жаҳон сиёсий ҳаётини ўзгартириб юборди. Дунёнинг аксарият мамлакатларида халқ вакиллари сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошладилар, партия ва давлат, жамоатчилик ҳаракатлари ва ташкилотлари раҳбарлигига келдилар. Улар ўзлари билан кенг халқ оммасининг мафқурасини ҳам олиб келдилар. Аҳолининг турли қатламлари ичидан етишиб чиққан профессионал сиёсатчилар пайдо бўлди, давлатни бошқаришда турли қатлам вакилларининг иштироки кучайди. Оммавий ахборот воситаларининг сиёсий

хаётга таъсири кучайди (тўртинчи ҳокимят). Буларнинг ҳаммаси биргаликда халқаро муносабатларга ҳам катта ижобий таъсир кўрсатди.

3. *Глобаллашув.* Биринчи жаҳон урушидан кейин дунёда иқтисодий интеграция жараёнлари тез суратлар билан давом этди. Давлатларнинг бир-бирларига яқинлашиши, ҳамкорлик қилишга интилиш кучайди. Соф сиёсий ғоя сифатида пайдо бўлган Европани “Европа Қўшма Штатлари” шиори остида бирлаштириш, дунё иқтисодий ҳаётининг интеграцияси ҳозирги кунда воқеликга айланиб бормоқда. Бу жараён давлатлараро бирлашмалар ва муассасалар барпо этиш, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва илмий кооперацияни ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Интеграция аста-секин турли мамлакатлар иқтисодий тараққиётини бир-бирига яқинлаштириш ва тенглаштириш, ўзаро манфаатли савдо, иқтисодий ва валюта-хўжалик алоқаларини кенгайтиришга ёрдам бермоқда.

Янги даврда бўлганидек энг янги даврда ҳам АҚШ ва Европа давлатларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси катта бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу давлатларда кўппартиявийлик янада мустақамланди, демократия жараёни янада кучайди, парламентларнинг роли ўсди. Умуминсоний қадриятлар биринчи ўринга чиқа бошлади. Мустамлакалар баъзан тинч йўл билан, баъзан урушлар орқали озодликка эриша бошлади. Иқтисодий соҳада, ҳарбий-сиёсий соҳада интеграция жараёни кучайди.

XX асрда дунёда жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўзгаришларнинг миқёслари ва теранлиги жаҳон тарихида ҳали кўрилмаган эди. Бу ўзгаришлар натижасида дунё аввалгига нисбатан адолатлироқ ва демократикроқ бўлиб қолди. Одамларнинг турмуш даражаси ошди, умри узайди, кишилар эркинроқ бўлиб қолдилар. Сиёсий тузумлар ўзгарди. Фашистик ва тоталитар тузумлар деярли тугатилди. Дунё давлатларининг кўпчилиги республикага айланди. XX аср инсониятнинг янги сифатга ўтиш асридир.

#### Энг янги тарихни босқичларга ажратиш мезонлари.

Энг янги тарих умумий тарихнинг сўнгги, яқунловчи бўлими ҳисобланади. Тарихнинг бу бўлими инсоният жамияти тараққиётининг биринчи жаҳон уруши тугаган вақтдан то ҳозирги кунгача бўлган даврини ўргангани ва бизга ижтимоий ҳаётда юз берган воқеаларни тушуниб олишимизга ёрдам беради.

Энг янги тарихни даврлаштириш анча мураккаб масала ҳисобланади. Жумладан собиқ Советлар давлати даврида энг янги тарих 1917 йилдаги Россияда рўй берган давлат тўнтариши воқеасидан бошланарди ва 3 даврга бўлинарди, булар қуйидаги даврлардан иборат эди:

Биринчи давр 1917-1939 йилларни ўз ичига оларди. Бу даврда социализм бир давлатда қарор топган деб ҳисобланарди.

Иккинчи давр иккинчи жаҳон урушининг бошланишидан бошланиб то 50-йилларнинг ўрталаригача давом этарди. Бу даврда социализм бир давлат чегарасидан чиқиб, жаҳон тизимига айланган деб баҳоланарди. Бу даврда

империализм мустамлакачилик тизимининг емирилиш даври ҳам бошланган эди.

Учинчи давр 50-йиллар ўрталаридан бошланиб 80-йилларнинг ўрталаригача давом этган бўлиб, бу даврда СССРда ривожланган социализм босқичига кирди ва халқ демократияси мамлакатларида социализм узил-кесил ғалаба қозонди, деб эълон қилинган эди.

Лекин ҳақиқатда 80-йилларнинг охири – 90-йилларнинг бошига келиб жаҳонда социалистик тузум инқирозга юз тутди. Дастлаб Шарқий Европада, кейинчалик дунёнинг бошқа мамлакатларида, шу жумладан СССРда ҳам социализмдан орқага қайтиш юз берди. Бир вақтлар “миллатлар дўстлиги” намунаси сифатида кўкларга кўтариб мақталган кўп миллатли давлатларда (СССР, Югославия, Чехословакия) миллий низолар авж олиб, улар ўрнида бир қатор мустақил давлатлар ташкил топди.

Ҳозирги вақтда ҳам жаҳон энг янги тарихини қуйидаги 3 босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин:

*Биринчи босқич.* 1918 йилдан 1945 йилгача бўлган давр. Бу босқичда дунёни қайта тақсимлаб олишга, янги дунё тартиботи ўрнатишга қаратилган жуда кўп можаролар бўлиб ўтди. Биринчи жаҳон урушидан кейин дунёда демократик ҳаракатлар кучайди. Капитализмнинг ижтимоий-иқтисодий инқирози жаҳонни 2 та лагерга – демократик ҳамда фашистик лагерга бўлиб юборди. Иккинчи жаҳон уруши биринчи жаҳон урушига қараганда тамомила бошқача характерга эга эди. Бу уруш демократик лагер томонидан умумдемократик характердаги, фашистик давлатлар томонидан эса тажовузкорлик, босқинчилик уруши эди. Иккинчи жаҳон урушида демократик давлатлар ғалаба қозонди.

*Иккинчи босқич.* Совуқ уруш даври. Бу давр 1945 йилда 1991 йилгача яъни СССР парчалангунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр сиртдан қараганда дунёдаги икки ижтимоий-иқтисодий тузум – капитализм ва социализм ўртасидаги ёки 2 буюк давлат – АҚШ ва СССР ўртасидаги ўзаро қарши туриш ва курашдан иборат каби кўринсада, аслида у аксилинсоний тизимлар ва тузилмаларни тугатиш учун умумжаҳон кураши эди. Бу даврда жамиятни инсонпавварлаштириш учун кураш авж олди. Инсон ҳуқуқлари учун кураш, мустамлакачилик ва ирқчиликни тугатиш совуқ уруш даврининг асосий мазмунига айланди.

*Учинчи босқич.* Бу давр янги демократия даври ҳисобланиб, у СССРнинг парчланиши билан бошланади. Бу даврда жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кучайди. Дунё сиёсий харитасида бир қатор янги давлатлар пайдо бўлиб, улар тараққиётнинг демократик йўлини танладилар.

### **3.2. Янги даврда Европа, Америка, Осиё ҳамда Африка мамлакатларида давлатчилик анъаналари.**

Инсоният тарихининг янги даврини ёхуд янги тарихнинг асосий мазмунини бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни қарор топиши ва ривожланиши ташкил этади. Бозор иқтисодиёти жамияти тараққиётига хос бўлган бундай ўзгаришларни ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз ўз

бошидан кечирмоқда. Хўжалик тараққиётининг тарихий тажрибаларидан бугунги кунда ижодий фойдаланиш, йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик мамлакатимизда буюк жамият қуришни ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимизни тезлаштиради. Шу боисдан Президентимиз И.А.Каримов "Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз-жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз" - деб таъкидлайди.

Янги давр ишлаб чиқариш усулининг ўзига хос хусусиятларидан бири мустамлакаларни эгаллаб олиш ва уларни эксплуатация қилишнинг бошланишидир. Мустамлакачилик босқинчиликлари натижасида Европанинг сармоядор буюк давлатлари Шарқ халқлари устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Бозор иқтисодиети, товар пул муносабатларига асосланган жамиятнинг Ғарбий Европада қарор топиш босқичи Осиё ва Африка мамлакатларини мустамлакачилик асоратига солиш даврини ҳам бошлаб берди.

Янги даврнинг кўплаб социологлари гўёки янги давр бошларида Осиё ва Африка халқлари қолоқлик ва турғунлик ҳолатида бўлиб, "цивилизациялашган" Европанинг таъсирсиз муайян прогрессив ривожланиш лаёқатиغا эга эмас эдилар деб таъкидлайдилар. Лекин юқори даражада ривожланган моддий ва маънавий маданиятни яратган Шарқ халқларининг узоқ даврлик тарихи бундай қарашларни инкор этади. Табиийки Осиё ва Африкада алоҳида мамлакат ва халқларнинг ижтимоий иқтисодий тараққиёт суръатлари турли сабабларга кўра бир хил даражада бўлмаган. Тарихнинг бир босқичида муайян олинган мамлакатлар илғорлик ҳолатида бўлсалар, бошқа бир босқичида яна муайян давлатлар шу ҳолатга эришганлар, лекин бу ҳеч қачон "сара халқлар"нинг имтиёзи бўлмаган эди.

Европа мамлакатларининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳам бир хил кечмаганлигини кўришимиз мумкин. Пул-товар хўжалиги италян шаҳарлари ва Нидерландияда бошқа мамлакатларга нисбатан олдинроқ қарор топган бўлса, янги давр бошларига келиб, Англия сармоядорлик муносабатларида янада кучлироқ ривожланган мамлакат бўлиб қолган эди. Англияда буржуа инқилоби ғалаба қозонган вақтда Европанинг аксарият мамлакатларида феодал-абсолютистик тартиблар ҳукмронлик қиларди.

Ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича Осиё ва Африка қитъаларида янада кўпроқ тафовутлар кузатилади. Агар янги давр бошларида Ҳиндистон, Хитой, Япониялар ривожланган феодал давлатлар кўплаб тропик ва жанубий Африка халқлари эса ибтидоий жамоа тузумининг турли босқичларида эдилар. Кўпгина тарихчилар мустамлакалаштириш арафасида Осиё ва Африка мамлакатларининг ижтимоий иқтисодий тараққиёт даражасини белгилаш билан боғлиқ масалаларга, бозор иқтисодиётига асосланган тизимни ўсиб чиқиш хусусиятлари масалаларига катта эътибор қаратадилар.



Тадқиқотчилар Осиё ва Африка мамлакатларида капиталистик укладнинг шаклланишига тўсқинлик қилувчи турли-туман омилларни кўрсатиб ўтадилар. Шарқнинг бир қатор мамлакатларида ерга феодал мулкчилигининг ҳукмрон шакли давлат-феодал мулкчилиги эди. Ҳиндистонда ўз қобиғига ўралган биқик қишлоқ жамоаси хунармандчиликни қишлоқ хўжалигидан ажралишига йўл қўймас, кўпгина Осиё мамлакатларида Европада ўрта асрларда бўлганидек, шаҳар қишлоқ билан яқин иқтисодий алоқаларга эга эмас эди. Баъзи ҳолларда Шарқнинг феодал давлатлари тараққиёти кўчманчиларнинг истилоси ёки кучлироқ душман томонидан босиб олиниши натижасида орқага улоқтириб ташланган, айниқса вайроналик келтирувчи урушлар суғориш тизимларини бузилиб кетишига сабаб бўлганки, ирригация тизимларисиз кўплаб Шарқ мамлакатларини хўжалик тараққий этиши мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим. Капиталистик укладни шаклланишига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири судхўрликдир. Африка халқларининг тараққиёти кул савдоси туфайли узоқ вақтлар давомида тўхтаб қолганлигини эътиборга олиш жоиз.

Шунга қарамай, янги давр бошларига келганда Шарқнинг бир қатор ривожланган мамлакатлари Ҳиндистон, Хитой, Японияда сармоядорлик муносабатларининг илк элементлари пайдо бўлганиди. Мануфактура дунёга келган, майда товар ишлаб чиқаришини судхўрга бўйсундирилиши кузатилади. Осиё ва Африка мамлакатларининг табиий ривожланиши, гарчи Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан анчагина секинроқ бораётган бўлсада, сармоядорлик муносабатларининг куртаклари капиталистик укладни вужудга келишига ва пировардида феодал ишлаб чиқариш муносабатларини бозор муносабатлари билан алмашинувига олиб келган бўлар эди. Бирок эндигина бошланган бу жараён Осиё ва Африка мамлакатларига чет эл мустамлакачиларини суқулиб кириши билан асосан издан чикди.

Европанинг илғор мамлакатларида бозор хўжалигини гуриллаб ривожланиши ишлаб чиқарувчи кучлар ва техника тараққиётини тез ўсиши учун шарт-шароитларни яратиш берди. Европанинг буюк мамлакатларини янги замонавий қурооллар билан қурооллангирилган армиялари ва ҳарбий денгиз флотлари Шарқ мамлакатлари қуроолли кучларига нисбатан беқиёс устунликка эга бўлди. Ғарбнинг буюк давлатлари замбараклар ёрдамида бутун Осиё ва Африка қитъаларини бўйсундиришга эришдилар. Чет эл мустамлакачиларининг суқулиб киришлари, хорижий сармоя томонидан халқларни асоратга солиниши Осиё ва Африка мамлакатларининг янги даврда иқтисодий, маданий қолокни кучайиши ва мустаҳкамланишини асосий, хал қилувчи сабабларидан бири бўлиб қолди.

Шарқ мамлакатлари жаҳон капиталистик хўжалигига унинг аграр хомашё кўшимчаси сифатида мажбуран жалб қилиндилар. Бунинг натижасида эса Осиё ва Африкада капиталистик муносабатлар бир ёқлама ривожланди ва мустамлакачиларнинг иқтисодий эҳтиёжларига мослаштирилди.

Шунга қарамай, жажон капиталистик хўжалигига Осиё ва Африка мамлакатларининг тортилиши бу мамлакатларда миллий капитализмни шаклланишига сезиларли даражада туртки берган эди, бироқ мустамлакачилик зулми ва бу мамлакатларда сақланиб келаётган феодал сарқитлари унинг тараккиётини кийинлаштирар эди.

Айнан мустамлакачиларнинг сукулиб кириши ва мустамлакачилик зулми Шарқ мамлакатларининг янги даврдаги қоқоқлигини мустахамланишини ҳал қилувчи сабаби эканлигини Япониянинг тарихи яққол исботлайди. Ўрта асрлар ва Янги тарих бошларида Япония ижтимоий иқтисодий ривожланиш бўйича Осиёнинг етакчи давлатларидан принципиал жиҳатдан фарқ қилмас эди. Кейинчалик у ҳам бошқа Осиё мамлакатлари қатори мустамлакачилик тажовузига учради. Америка замбараклари хавф остида бу мамлакат чет эл сармойеси сукулиб кириши учун очилган эди. Лекин бир қатор ички ва ташқи омиллар туфайли мустамлакачилар Японияда мустахамм ўрнашиб ололмадилар. Япония Осиёдаги капиталистик босқичда мустақил ривожланиш йўлига чиқа олган ва қисқа вақт ичида империалистик давлатлар қаторидан ўрин олган ягона мамлакат бўлиб қолди.

Шундай қилиб, капиталистик мамлакатларда бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни қарор топиши, саноатнинг ривожлана боргани сари Осиё ва Африканинг янгидан-янги халқлари мустамлакачилик асоратига солишнинг объекти бўлиб бордилар. XIX аср охири XX аср бошларида Осиё ва Африканинг Япониядан ташқари барча халқлари мустамлака давлатлар томонидан мустамлака ва ярим мустамлакаларга айлантирилдилар.

### **3.5. Миллий принциплар асосланган давлатнинг ташкил топиши.**

90-йиллар халқаро ҳаётда кўп миллатли давлатларнинг парчаланиши ва миллий давлатларнинг вужудга келиши билан ҳам ажралиб туради. Чунончи, Чехословакия ва Югославия бўлиниб кетди. Чехословакия 1993-йилнинг 1-январида Чехия ва Словакия давлатларига ажралди. Югославия бўлин- гунига қадар 6 республикадан иборат эди.

1991-йил июн ойида Хорватия, Словения ва Македония ўз мустақил- лигини эълон қилдилар. 1992-йилнинг январ ойида Босния ва Герсеговина ажралиб чиқди. Сербия ва Черногория эса Югославия Иттифоқи (ЮИ)

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ташкил этилиши давлатини туздилар. Югославиянинг парчаланиш жараёни яна давом этди. Хусусан, Черногория ЮИ таркибидан ажраб чиқди. Косовода яшовчи албанлар эса мустақил Косово давлати тузилганлигини эълон қилдилар.

**Яқин Шарқдаги вазият**

Яқин Шарқ муаммосининг асосий масаласи — Фаластин араб давлатини ташкил этиш ва Исроил босиб олган араб ерларини қонуний эгаларига қайтариб бериш ҳамон ҳал этилмай келинмоқда.

Фаластин араб давлатини ташкил этишга қуйидаги учта катта муаммо ғов бўлиб турибди:

– 1,5 млн дан ортиқ араб қочоқларини аввалги яшаш жойларига қайтариш;

– Фаластин давлатининг пойтахти муаммоси;

– Фаластинликлар Қуддус шаҳрини ўз давлатининг пойтахти бўлишини истай- дилар. Исроил эса уни ўз давлатининг пойтахти, деб эълон қилган. Узоқ музокаралардан сўнг бу шаҳарни иккига бўлишга келишилди, Исроилдаги ўта ўнг кучлар ва Фаластиннинг экстремист ташкилотлари шаҳарнинг бўлини- шига асло рози бўлмаётирлар ва бундай бўлинишига бутун чоралар билан қаршилик кўрсатмоқдалар;

– Исроилдаги ўта ўнг миллатчи ва Фаластиндаги экстремистик кучларнинг барча муаммоларни куч ёрдамида ҳал этишга уринаётганликлари. Уларнинг икки томонлама ҳар қандай келишувга қаршилиги. Шу тариқа Яқин Шарқ муаммоси ҳамон ўз ечимини тўла топганича йўқ. Лекин 2005- йилга келиб Ғазо секторидан 8,5 минг яхудийларнинг кўчиб кетиши вазиятни бироз иликлаштирди.

### **Афғонистон муаммоси**

Афғонистондаги турли этник, сиёсий-диний кучлар ўртасида ҳокимият учун кураш узоқ давом этди. 1996-йилда Афғонистоннинг катта қисмида толибонлар ҳокимияти ўрнатилди. Улар Афғонистонни ислом давлатига айлантирдилар. Толи- бонларга қарши кучлар «Шимолий альянс» (иттифоқ)га бирлашдилар. Толибон ва Шимолий альянс ўртасида қирғинбарот уруши олиб борилди.

Покистон ва Саудия Арабистони толибонлар ҳокимиятини тан олдилар ва унга кенг кўламли ёрдам кўрсатдилар.

Афғонистондаги ҳолат нафақат бу давлатнинг, балки унинг кўшнилари, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятининг муаммосига айланди. Афғонистон худуди айни пайтда наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва фанатизм, террорчилик ўлкаси бўлиб қолди. Бинобарин, Афғонистон муаммоси ялпи хавфсизликка ҳам жиддий таҳдид солаётган муаммога айланди. Ўзбекистон Республикаси Афғонистон муаммосини ҳал этишга доир қатор таклифларни илгари сурди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1993-йилдаёқ БМТ эътиборини Афғонистон муаммосига қаратган эди ва, биринчи навбатда, муҳолиф кучларга қурол сотилишини тақиқлаб қўйишни таклиф этганди.

Шунингдек, муҳолифат кучлари буюк давлатлар ва чегарадош давлатлар иштирокида Афғонистон муаммосини ҳал этишга

қаратилган халқаро учрашув ўтказишни таклиф этди. Бундай учрашув 1998-йилда Тошкентда ўтказилди. У тарихга «6+2» гуруҳи учрашуви (Ерон, Покистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон, шунингдек, АҚШ ва Россия) номи билан кирди. Учрашувда Афғонистон мухолифат кучлари вакиллари ҳам иштирок этди. Учрашув якунида Афғонистон муаммоси бўйича Тошкент Декларатсияси қабул қилинди. Бу ҳужжат «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар ҳамда Афғонистонда низолашаётган ички кучлар учун тинчликка элтувчи хартия вазифасини ўташи мумкин эди. Бироқ ички мухолифат ўртасидаги ниҳоятда кескин зиддият Тошкент Декларатсиясини амалга оширишга имкон бермади. 2001-йил 11-сентябрда АҚШда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатидан кейин Афғонистонга АҚШ бошчилигида ҳужум бошланди ва толибонлар ағдариб ташланиб, Муҳаммад Карзай бошчилигида янги дунёвий ҳукумат тузилди.

Афғонистон муаммоси тезда ҳал этиладиганлардан эмас. Чунки бу 20 йилдан ортиқ давр мобайнида тўпланган муаммодир.

#### **Назорат саволлар:**

1. Тоталитар империянинг олдинги империялардан фарқи?
2. Нима учун тоталитар империялар XX асрда ташкил топди?

## 4-мавзу. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЮТУҚЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ.

### РЕЖА:

- 4.1. Ҳозирги замон давлатчилигининг асосий ютуқлари ва муаммолари.
- 4.2. Глобаллашув даврида миллий давлатларнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 4.3. Ўзбекистоннинг давлатчилик анъаналари ва уни замонавий халқаро муносабатлар контекстаги ўрни.

**Калит сўзлар:** миллий давлат, жаҳон ҳамжамият, глобаллашув, муаммолар,

### 4.1. Ҳозирги замон давлатчилигининг асосий ютуқлари ва муаммолари.

Умуман, ўз жамулжамлиги билан жаҳон ҳамжамиятини янги ҳолатга олиб борувчи бир қатор қудратли омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин: давлатларнинг ҳарбий қудрати; совуқ урушдан ғолиб бўлиб чиқиш; Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Шарқий Осиёда иқтисодиётнинг шиддатли кўтарилиши; трансмиллий корпорациялар ва нодавлат ташкилотлари таъсирининг ўсиши фонида давлатлар аҳамиятининг пасайиши; давлат ва халқларнинг янги шароитларда янги бир хилликни қўлга киритишга интилишлари; қашшоқлик ва бойлик қарама-қаршилигининг кучайиши; XX асрда қарор топган дунё конфигурациясини тубдан ўзгартиришга қодир ривожланаётган мамлакатлардаги демографик портлаш.

Давлатнинг жаҳон майдонидаги иерархик ўрни ҳам рақамлар билан ўлчанадиган характерга (тавсифга), ҳам баҳо характерига (тавсифига) эга бўлган кўплаб параметрлар (ўлчамлар) билан белгиланади.

Давлат қудратининг энг умумий тавсифи – бу ялпи ички маҳсулот, аҳоли, ҳудуд, шунингдек, қуроли кучлар сонидир (энг аввало, ядро қуролини кўшганда). 1990-йилларда этник, диний заминдаги турли қуроли можароларнинг кўплигига қарамай, дунё сиёсатида молиявий-иқтисодий ва савдо-иқтисодий муаммолар устун мавқеда бўлгани умумэтироф қилинган эди. Ҳозирги пайтда халқаро терроризм, оммавий қирғин қуролининг тарқалиши каби муаммоларнинг аҳамияти ошди, дунё сиёсатида ядро омили яна долзарб бўлиб қолди. Терроризм сингари омилнинг аҳамияти сезиларли ўсиб бормоқда. Ҳудуднинг катталиги давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини оширади, қишлоқ хўжалиги учун кенг майдон беради, трансдавлат транспорт йўлаклари учун, атроф-муҳитни



муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва ш.к. учун кўшимча имкониятлар яратади.

Халқаро ҳуқуқли давлат деганда суверен давлатга хос бўлган барча белгиларга эга мамлакат тушунилади. Лекин ҳар қандай мамлакат ҳам халқаро-ҳуқуқий маънода давлат ва халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олмайди (масалан, мустамлака мамлакатлар).

Янги давлатларда халқаро ҳуқуқ субъектлари ташкил топишининг ҳар хил усуллари мавжуд:

- социал инқилоблар ва миллий-озодлик ҳаракатлари натижасида. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ мустамлакалар ва қарам ҳудудлар ўрнида 100 дан ортиқ мустақил давлатлар ташкил топди;

- икки ёки бир неча давлатнинг бир давлатга бирлашиши (1964 йили икки давлат (Танганьика ва Занзибар)дан Танзания ташкил топди; 1990 йили немислар яшайдиган икки давлат (ГДР ва ГФР) ягона немис давлатига бирлашди);

- бир давлатнинг икки ёки бир неча давлатга бўлиниши (1960 йили Мали Федерацияси икки давлат – Мали Республикаси ва Сенегал Республикасига бўлинди; 1991 йили СССР 15 мустақил суверен давлатга парчаланди; 1993 йили Чехословакия икки давлат – Чехия ва Словакияга бўлинди; собиқ Югославия ҳудудида бир неча мустақил давлат ташкил топди);

- муайян ҳудуд бир қисмининг ажралиб чиқиши ва унда мустақил давлатнинг эълон қилиниши (1965 йили Сингапур Малайзия Федерациясидан, 1971 йили – Бангладеш Покистон таркибидан ажралиб чиқди);

- халқаро ташкилот қарори билан (1947 йили ноябрда БМТ қабул қилган 181-сон резолюцияга биноан Фаластин ҳудудида икки мустақил давлат – яҳудийлар (Исроил) ва араблар (Фаластин) давлати ташкил қилинди.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари давлат тузилишига кўра, унитар ва федератив бўлиши мумкин. Федерация – давлат-ҳуқуқий бирлашмаси (иттифоқ давлат), халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти. Федерация субъектлари одатда халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланмайди. Лекин мамлакат қонунчилиги (конституцияси) федерация субъектларига ташқи сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ муайян ҳуқуқлар бериши мумкин. Аммо бу федерация субъектини халқаро ҳуқуқ субъекти деб тан олиш учун асос бўлмайди. Федерациядан конфедерацияни, яъни давлатларнинг халқаро ҳуқуқий бирлашмасини (суверен давлатлар иттифоқини) фарқлаш лозим. Конфедерация халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланмайди, чунки бундай мақомга конфедерация аъзолари эга бўлади. Конфедерация ўз моҳиятига кўра халқаро ташкилотга ўхшайди. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида конфедерациялар (классик кўринишда) мавжуд эмас.

Юридик шаклига кўра, тенг ҳуқуқли давлатлар халқаро майдонда ўз сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа хусусиятларига кўра икки гуруҳга – **буюк** ва **кичик давлатларга** бўлинади. Буюк давлат мақоми аниқ белгиланмаган. Илгари устунлик қилган ҳарбий-сиёсий мезон ўтмишга

чекинмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзолик сўнгги йилларда мазкур ташкилот ўзининг олдинги мавқеини йўқотаётганлиги, шунингдек, унга аъзо бўлмаган давлатларнинг жаҳон ҳаётидаги аҳамияти ошиб бораётганлиги туфайли мезон сифатида қаралмай қўяпти. Шунга қарамай, буюк давлат мақоми халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига кучлироқ таъсир кўрсатиш имконияти билан узвий боғлиқ, бу пировард натижада ҳуқуқ лаёқати ҳажмини ҳам кенгайтиради.

Суверенитет, ҳудуд, аҳоли ва ҳокимият давлатнинг энг муҳим белгиларидир.

**Суверенитет** – давлатнинг ўз чегаралари доирасида устунлиги ва халқаро ишларда мустақиллиги. Мутлақ суверенитет мавжуд эмас, чунки барча давлатлар ўзаро боғланган бўлиб, қоида тариқасида, давлат ташқи майдонда ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш учун ўз суверенитетининг бир қисмидан воз кечади. Бу давлатнинг халқаро ишлардаги ҳаракат эркинлиги чекланишида намоён бўлади. Барча давлатлар, уларнинг иқтисодий қудрати ҳар хил эканлигига қарамай, юридик жиҳатдан тенг ҳисобланади. Бу халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидин бири – суверен тенглик принципининг моҳиятини ташкил этади. Халқаро ишларда давлатларнинг суверен тенглигидан давлатлар иммунитети келиб чиқади. Давлатлар иммунитети принципи бир давлатнинг амалдорлари (дипломатлари), давлат мулки ва бошқалар ўз ҳудудида ҳам, чет элда ҳам суд тартибида жавобгар бўлмаслигини англатади. Иммунитет икки шаклда – мутлақ (чекланмаган) ва чекланган шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. Чекланган иммунитет давлат киришган ҳуқуқий муносабатлар мазмунини аниқлаш принципига кўра белгиланади. Масалан, ГФР Федерал конституциявий судининг 1963 йилги қарорида иммунитетнинг берилиши «чет давлат ўз суверен ҳокимиятини амалга ошириш тартибида ёки фуқаро сифатида, яъни хусусий ҳуқуқ доирасида ҳаракат қилаётганлигига боғлиқ» бўлиши қайд этилган.

Суверенитет белгилари:

1) **ҳудудий устунлик** (ушбу давлат ҳудудида фақат шу давлатнинг қонунлари амал қилади);

2) **ҳудудий яхлитлик** (давлат ҳудуди унинг олий органи ёки халқининг розилигисиз камайтирилиши ҳам, кенгайтирилиши ҳам мумкин эмас);

3) **давлатнинг бирон-бир субъектга** (шу жумладан, ташкилотлар, жисмоний шахсларга, мамлакатнинг ичидаги ёки ундан ташқаридаги ҳар қандай халқаро ташкилотларга) **расман қарам эмаслиги**.

Суверенитет тушунчаси билан **юрисдикция** (суверен ҳуқуқлар) тушунчаси узвий боғлиқдир. Юрисдикция деганда, суверенитет моҳиятидан келиб чиқадиган давлатнинг ўз ҳокимиятини нафақат ўз миллий ҳудудидаги, балки ундан ташқаридаги жисмоний ва юридик шахсларнинг объектлари ва ҳаракатларига татбиқ этиш бўйича муайян ҳуқуқлари тушунилади. Ҳажмига кўра, тўлиқ ва чекланган, амал қилиш доирасига кўра – территориал ва экстерриториал, ҳокимият хусусиятига кўра – қонун чиқариш, ижро этиш, суд юрисдикцияси фарқланади.

## **4.2. Глобаллашув даврида миллий давлатларнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Тўлиқ юрисдикция давлат хулқ-атвори белгилаш ва ўз фармойишлари бажарилишини ихтиёрида мавжуд барча қонуний воситалар билан таъминлаш ҳокимиятига эга эканлигини англатади. Чекланган юрисдикция деганда давлат хулқ-атвори белгилаши мумкинлиги, лекин у фармойишларнинг бажарилишини таъминловчи воситалардан фойдаланишда муайян даражада чекланганлиги тушунилади.

Худудий устунлик принципига кўра, давлат ўз худуди доирасида тўлиқ юрисдикцияни, шахсий устунлик принципига кўра эса – ўзининг чет элдаги фуқароларига нисбатан чекланган юрисдикцияни амалга оширади.

Давлатлар ўзига хос универсал ҳуқуқий лаёқатга эга бўлса-да, уларда бу давлатларни халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида тавсифлаш учун муҳим бўлган айрим ҳуқуқ ва бурчлари ҳам мавжуд. Халқаро ҳуқуқ назариясида давлат асосий ҳуқуқларининг бузилиши унинг мавжудлигига хавф туғдиради, давлатнинг ўз асосий бурчларини бузиши эса бошқа давлатларнинг мавжудлигига ва халқаро ҳамжамиятнинг нормал фаолиятига хавф туғдиради, деган ёндашув шакллланган.

Давлатнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг муҳим принципларидан келиб чиқади. Лекин бу ҳуқуқ ва бурчларнинг умумий эътироф этилган рўйхати мавжуд эмас.

**Аммо давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эга бўладиган қуйидаги ҳуқуқларни қайд этиш мумкин:**

- мустақиллик ҳамда ўз қонуний ҳуқуқларини эркин амалга ошириш, ўз худуди устидан, унинг чегарасидаги барча шахслар ва нарсалар устидан, халқаро ҳуқуқда эътироф этилган иммунитетларга риоя қилган ҳолда юрисдикцияни амалга ошириш ҳуқуқи;

- бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ;

- ўзини қуролли ҳужумдан коллектив тарзда ва якка тартибда мудофаа қилиш ҳуқуқи.

**Давлатнинг асосий халқаро ҳуқуқий мажбуриятларига қуйидагилар киради:**

- бошқа давлатларнинг ички ва ташқи ишларига аралашмаслик;

- бошқа давлат худудида ўзаро уруш чиқармаслик;

- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

- ўз худудида тинчликка хавф солмайдиган вазиятни қарор топтириш;

- халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан низоларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш;

- бошқа давлатнинг худудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан ёки халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келмайдиган бошқа ҳаракатлардан ўзини тийиш;

- юқоридаги мажбуриятни бузган ёки БМТ огоҳлантириш ёки мажбурлаш чораларини қўллаётган бошқа давлатга ёрдам кўрсатмаслик;

- бошқа давлат куч ишлатмаслик мажбуриятини бузиш йўли билан эгаллаган худудни тан олмаслик;

- ўз мажбуриятларини виждонан бажариш.

### **Назорат саволлар**

1. Кўп миллатлий давлатларнинг қўллаш ва парчаланиш сабаблари?
2. Миллий давлатларнинг ташкил топишнинг ўзига хос хусусиятлари?
3. Миллий давлатларнинг мафқуралари?
4. Глобаллашув дунё шароитида Миллий давлатлар урин борми?

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-Амалий машғулот:

**“Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” фани ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**

**Ишдан мақсад:** Ўқув жараёнида давлатчилик масалалари долзарб муаммолари фани ва унинг ўзига хос хусусиятларини қўллаш ва амалда жорий этиш кўникмасига эга бўлиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Замонавий ахборот жамиятида геосиёсатнинг ривожини, геосиёсий билимларининг олий таълим жараёнида қўлланилишини ўрганиш.

Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар моҳиятини билиш.

Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш.

### Ишни бажариш учун намуна:

Тингловчилар қуйидаги **кўникмаларга эга бўлиши зарур:**

Давлатчилик тушунчасига тўлиқ эга бўлиши;

Давлатчилик таълим ресурсларини билиши;

Замонавий ахборот жамиятида давлатчилик ривожини англаб етиш;

Давлатчилик тарихи билимларининг олий таълим жараёнида қўлланилиши ҳақида билиши;

Давлатчилик тарихи асосий мақсадини тушуниши;

Давлатчилик тарихи соҳасида халқаро ва миллий тажрибалар уйғунлигини билиши.

### Назорат саволлари:

1. Қадимги Шарқда давлат ташкил топишда қандай жараёнларни босиб ўтди?
2. Ном давлатларнинг ўзига хос кўринишлари?
3. Шаҳар давлатларнинг фарқли кўринишлари?
4. Месопотамия ҳукумдорлари Саргон I, Хамурапи, Ашурбанипал, Новухоносор каби ҳукумдорларнинг ислохатларининг ўхшаш ва фарқлий тамоиллари.
5. Қадимги Шарқ давлатларнинг маданияти.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Артхашастра или Наука о политике: Перевод с санскрита и издание подготовил В. И. Кальянов. М., 1993.
2. Бобокулов Қ., Эшов Б. Ж. Қадимги давр урбанизациясининг айрим жиҳатлари // ЎЗМУ хабарлари, 2013. Махсус сон.
3. Васильев Л.С. История Востока. М., 1998.
4. Гринин Л. Е. О стадиях эволюции государства. Проблемы теории // История и современность. 2006. № 1.
5. Государство на Древнем Востоке. М., 2004.



6. Дьяконов И. М. О площади и составе населения шумерского города-государства // Вестник древней истории. 1950. № 2.
7. За рубежом, 1990. № 8.
8. Саватеев В.В. Община и общинная ментальность в истории цивилизации Востока // Восток. 1994. № 4.
9. Current archaeological projects in the Central Andes. Oxford, 1984.
10. Алферова М.В. История Древнего Рима. СПб., 2002.
11. Гринин Л. Е. О стадиях эволюции государства. Проблемы теории // История и современность. 2006. № 1.
12. Древняя Греция. М., 1956.
13. Платон. Государство (любое издание)
14. Полибий. Всеобщая история. СПб., 1994-1995.
15. Туманс Х. Рождение Афины. Афинский путь к демократии: от Гомера до Перикла (VIII – V вв. до н.э.) СПб., 2002.
16. Фролов Э.Д. Рождение греческого полиса. Л., 1988.
17. Фролов Э.Д. Греция в эпоху поздней классики. Общество. Личность. Власть. СПб., 2001.

## **2-Амалий машғулот:**

### **Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув ва ривожланган ўрта асрларда давлатчилик тараққиёти.**

**Ишдан мақсад:** Илк ўрта асрларда давлатчилик ёндошувларга оид адабиётлар билан танишиб, ўрта асрларда давлатчилик фаолияти билан танишиб, давлат бошқарувга геосиёсий назарияларни жорий этиш амалиётини ўрганиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Ахборотлашган жамиятда ўрта асрларда давлатчиликнинг аҳамияти асослаб берилиши;

Ўрта асрларда давлатчилик назариялар моҳияти тушунтириб бериши;

Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар мазмунини билиши;

Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқларни изоҳлаб бериши лозим.

### **Ишни бажариш учун намуна:**

Тингловчилар қуйидаги **кўникмаларга эга бўлиши зарур:**

ўрта асрларда давлатчилик ёндошувлар тараққиёт омилини билиш;

Жамият тараққиётида “электрон ҳукумат”нинг ўрнини билиш;

Давлат бошқарувга давлатчилик назарияларни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва босқичларини тушуниш;

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишларини билиш;

Давлат бошқарувида давлатчилик ёндошувлардан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш сирларини билиш;

Ахборотлашган жамиятда давлатчиликнинг ўрнини тўғри тушуниш.

### Назорат саволлари:

1. Империя марказининг манфати маҳаллий зодогонлар манфати билан қандай мос келган?
2. Империя ташкил топиш сабаблари?
3. Империя давлатчилигида мафкура қандай ўрин эгаллаган?
4. Давлатчилигида империянинг салбий ва ижобий томойлари?
5. Шарқ давлатчилигининг томойлари?
6. Хитой ва Ҳиндистонда давлат бошқарув шакллари.
7. Осиё мамлакатларида давлатчилик анъаналари.
8. Ўрта асрларда давлатчилик масаласи ва дин

### Фойдаланилган адабиётлар:

Адабиётлар:

1. Алаев Л.Б. Империя феномен или этап развития? // Вопросы истории 2000. № 4-5.
2. Алферова М.В. История Древнего Рима. СПб., 2002
3. Гринин Л.Е. О стадиях эволюции государства. Проблемы теории // История и современность. 2006. № 1.
4. Тэрнер В. Символ и ритуал. М., 1983.
5. Феоклистов Г.Г. Империя как тип структурного деления мира Опыт классификации // Феоклистов Г.Г. Общественные науки и современность. М., 2000.
6. Adams R. N. Energy and structure Austin; London, 1975.
7. La Barre W. Materials for a history of studies of crisis cults // Current Anthropology. 1971. Vol. 12. № 1.
8. Sanders W., Webster D. The Mesoamerican urban tradition // American Anthropologist. 1988. Vol. 90.

### 3-амалий машғулот:

#### **ЯНГИ ДАВР ДАВЛАТЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ.**

**Ишдан мақсад:** Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши тарихий асослари борасида фикр юритишни ўргатиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

1. Янги давр давлатларининг ғояларидан хабардор бўлиш
2. Янги давр давлатлар ҳақида маълумотга эга бўлиш.
3. Янги давр давлатлар борасида ўз фикрига эга бўлишни ўргатиш

### Назорат саволлари:

1. Янги давлатларнинг пайдо бўлиш омиллари ?.
2. Янги давлатлар пайдо бўлиши ва сиёсий харитани ўзгариши.
3. Янги давлатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг жаҳон миқёсига таъсири.

4. Давлатларда миллий ва миллатчилик омиллар.
5. Нима учун тоталитар империялар XX асрда ташкил топди?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алаев Л.Б. Империя феномен или этап развития? // Вопросы истории 2000. № 4-5.
2. Гринин Л.Е. О стадиях эволюции государства. Проблемы теории // История и современность. 2006. № 1.
3. Феоκлистов Г.Г. Империя как тип структурного деления мира Опыт классификации // Феоκлистов Г.Г. Общественные науки и современность. М., 2000.
4. Inca ethnohistory // Ethnohistory. 1987. Vol. 34. № 1.
5. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. М., 2003.
6. Хореев Б.С. Очерки геоглобалистики и геополитики. М., 1997.
7. Хўжанов Б.А. Геосиёсат асослари. Т., 2002

#### **4-амалий машғулот**

### **ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЮТУҚЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ.**

**Ишдан мақсад:** Миллий давлатнинг асосий тушунчалари ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

1. Миллий давлатнинг тушунчаси.
2. Миллий давлатнинг асосий концепциялари
3. Глобаллашув даврида миллий давлатларнинг тақдири.

#### **Назорат саволлари:**

1. Кўп миллатлий давлатларнинг қуллаш ва парчаланиш сабаблари ?
2. Миллий давлатларнинг ташкил топишнинг ўзига хос хусусиятлари?
3. Миллий давлатларнинг мафқуралари?
4. Глобаллашув дунё шароитида Миллий давлатлар урин борми?

#### **1. Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Бек Ульрих. Трансформация политики и государства в эпоху глобализации / Перевод В. Л. Иноземцева // Свободная мысль-XXI. 2004. № 7.
2. Гринин Л. Е. О стадиях эволюции государства. Проблемы теории // История и современность. 2006. № 1.
3. Зорькин В. Апология Вестфальской системы // «Российская газета» № 4150 от 22 августа 2006 г.
4. Зюганов Г. А. География победы: Основы российской геополитики. М., 1997.
5. Судьба государства в эпоху глобализации. М., 2005.

6. Meyer J. W., Boli J., Thomas G. M., Ramirez F. O. World Society and the Nation-State // American Journal of Sociology. 1997. Vol. 103, №. 1.

7. Penrose J. Nations, states and homelands: territory and territoriality in nationalist thought // Nations and Nationalism. 2002. Vol. 8. № 3.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ



### Кейс 1

“Web-хостинг хизматини танлашда Сиз айнан UZINFOCOM Марказининг технологик майдончасидан фойдаланишинизгизни асослаб беринг?

Мазкур кейс ролли ўйин кўринишида амалга оширилади. Ролли ўйин методининг асосий мақсади тингловчиларни фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Ўйин ҳар хил муаммоларни ҳал этишдаги имитацион фаолиятларни тузиш учун энг қулай асос ҳисобланади.

*(Таълим жараёнида ролли ўйинлардан фойдаланиш тингловчиларни фаол позицияга эга бўлиши, масала моҳиятини англаш ва унга тезкор*



*муносабат билдиришни тақозо этади. Ролли ўйинда иштирокчилар фаолияти ўйин комплексидан стимул олади. Иштирокчилар ўйин давомида вазиятни таҳлил қилишади. Бунинг учун уларга ҳеч ким ёрдам бермайди. Ўзларини бошқариш ва уюштиришлари орқали натижаларга эришадилар. Иштирокчилар мураккаб вазиятлар билан боғлиқ ўйин мақсадларига шахсий ҳаракатлари орқали эришадилар ва хулосаларни ўзлари қабул қиладилар. Ролли ўйинлар иштирокчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради. Ролли ўйин бошқа ўйинлардан фарқли мақсади жамоавий ёки индивидуал қарор қабул қилишга ва муаммоларни ечимини дебат орқали топшига асосланади)*

**Тренинг мақсади:** тарих фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари бугунги ҳолати, муаммолари ва истиқбол масалалари ҳақида тушунчага эга бўлиш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини рол вазифасидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ва жамоавий ҳолда излаш.

**Машғулотни ўтказиш тартиби:** Иштирокчилар “SJ”, “MM”, “P” ва “G” белгилар тушурилган жетонларни танлаб 4та гуруҳга бўлинадилар. Шундан сўнг тренер бу тимсоллар нимани аниқлаши ва унинг соҳиблари қандай ролни бажаришлари кераклиги ҳақида тушунча беради. “G” – давлат ва жамоа раҳбарлари белгиси, “MM” - Масс медиа, ОАВлари ходимлари белгиси, “SJ” – тарих педагогикаси вакиллари, блогерлар ва “P” – жамоатчилик ҳисобланади. Тренинг шартлари тушунтирилади. Шундан сўнг қисқа видеокейс намоёйиш этилади. Гуруҳ аъзолари ролга киришишлари учун уларга А3 форматда қоғоз берилади ва ҳар бир гуруҳ ўз мавқеига кўра кўтарилган масала бўйича амалга оширадиган вазифаларини ёзиб чиқади. Мазкур ишга 10-15 дақиқа вақт ажратилади. Шундан сўнг гуруҳларнинг тақдимот иши амалга оширилади.

Тренинг давомида гуруҳ аъзолари муқобил гуруҳга уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда саволлар ёки эътирозлар билан муносабат қилишлари мумкин. Бу ҳар бир иштирокчининг фаол қатнашувини таъминлайди, яқка тартибдаги фаолиятини белгилайди. Мазкур стереотип қарашларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, асослаш гуруҳ аъзоларидан талаб қилинади. Тренинг якунида унинг натижалари хусусида фикр алмашилинади. Ва масала ечими борасида аниқ тўхтамга келинади.


**Қўлланиладиган воситалар:** экран, қоғоз, фломастер, маркер.

## Кейс 2

Тингловчилар эътиборига расм ҳавола этилади, унда акс этган муаммони тарихий материал сифатида жамоатчилик эътиборига олиб чиқиш учун бир қатор саволлар бўйича суриштирув ишлари олиб бориш, сарлавҳа

топиш ва воқеа давоми сифатида оригинал ечим ва хулоса қилиш вазифаси юклатилади.

1. Бу қандай ҳолат? (вазият тушунтирилади)
2. Нима сабабдан бу ҳолат юз берди? (Бир неча сабаблар кўрсатилади)
2. Бу каби ҳолатлар олди олинмаса қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? (Бир неча асосли фикрлар билдирилади)
3. Унга қарши қандай чоралар кўриш керак? (Бир қатор ҳал этиш чоралари билдирилади).
4. Хулоса қандай бўлади?



## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. Қадимги Шарқдаги энг қадимги давлатлар давлат бошқаруви.
2. Қадимги Ҳиндистон ва Хитой давлат бошқарувидаги ўзига хосликлар.
3. Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатлар бошқарувидаги
4. Қадимги Юнонистон давлат бошқарувида кулдорлик демократияси.
5. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Россияда давлат бошқаруви.
6. Осиёда ерга эгалик муносабатларидаги ўзига хослик.
7. Илк ўрта аср Осиё давлатларида давлат бошқаруви.
8. Ҳиндистон давлат бошқарувидаги ўзига хослик.
9. Арабистон ва Африка ислом мамлакатларида давлат бошқаруви.
10. XVII-XVIII аср Европа давлатлари давлат бошқарувидаги
11. Халқаро ва миллий социалистик ташкилотларнинг вужудга келиши ва
12. давлат бошқарувига таъсири.
13. Инқилоб арафасида Англиядаги ижтимоий иқтисодий тузум.
14. XVII аср бошларида сиёсий тараққиёт.
15. Англияда инқилобий вазиятнинг вужудга келиши ва инқилобий ҳаракатларнинг бошланиши.
16. Парламент ва қирол тарафдорлари ўртасидаги кураш.
17. Мустақиллик учун олиб борилган уруш арафасида Америкада ижтимоий иқтисодий тараққиёт.
18. Америкада биринчи буржуа инқилоби ва унинг сабаблари
19. "Мустақиллик декларацияси" ва "АҚШ Конституцияси" нинг қабул қилиниши.
20. Кўп миллатлий давлатларнинг қуллаш ва парчаланиш сабаблари ?
21. Миллий давлатларнинг ташкил топишнинг ўзига хос хусусиятлари?
22. Миллий давлатларнинг мафқуралари?

23. Глобаллашув дунё шароитида Миллий давлатларнинг ўрни.
24. СССРда марказий ва миллий ҳудудлардаги давлат бошқаруви
25. Глобал муаммоларнинг халқаро ташкилотлар ва мустақил давлатлар давлат бошқарувида таъсири.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Атама	Ўзбек тилидаги маъноси	Инглиз тилидаги маъноси
<b>Теократия</b>	рухоний қўлида бўлган сиёсий ҳокимият ҳамда шу усулда идора қилинган мамлакат	The state form in which both political, and the spiritual power are concentrated in hands of clergy (church)
<b>Фиръавн</b>	“Қатта уй” қадимги Мисрда подшолик унвони.	Pharaoh is the common title of the monarchs of ancient Egypt
<b>Қадимги Шарқ деспотияси</b>	Абсолют монархияси	Absolute monarchy
<b>Олигархия</b>	1. Юнонистонда: ҳокимият бир тўда қудратли кишилар, аристократлар қўлида бўлган тузум ва шу тўданинг ўзи; 2 Бир тўда империалистларнинг, йирик монополистик капитал вакилларининг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги	In antiquity and the Middle Ages: board, the power of a narrow circle of the richest and notable persons; ruling group
<b>Демократия</b>	ҳокимият халқ қўлида бўлган тузум	The form of the political organisation of the society, based on a recognition of the people as a power source, on its right to participate in the decision of state affairs and investment of citizens is enough wide range of the rights and freedom
<b>Деспотия</b>	Чекланмаган ҳокимият тизими	The form of the unlimited autocratic power
<b>Гиксос</b>	Сахро ҳокимлари ёки II- ўтиш даврида қуйи Мисрни забт этган кўчманчи халқлар.	The Hyksos, a people that constituted the fifteenth dynasty of Egypt were of non-



		Egyptian origin
<b>республика</b>	Сайлаб қўйиладиган вакиллар ёрдамида бошқариладиган бошқарув тизими	The board form at which the legislature belongs to the authorities chosen for certain term, and the head of the state is selected the population or special selective board
<b>Глобализация</b>	ҳозирги шароитда турли мамлакатлар, давлатлар ва халқларнинг иқтисоди, маданияти, маънавиятининг, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсири ва боғлиқликнинг кучайиб бориши жараёни	Process of strengthening of the power of transnational corporations for the account of sharp easing or destruction of the national-state sovereignty (especially in economic), and also result of this process
<b>Генитлар –</b>	эркин кэрллар авлодидан инъом этилганлиги туфайли (бокленд) у ёки бу феодалга қарам бўлган, лекин шахсан эркин бўлган	
<b>Гебурлар</b>	– монархни асосий ишлаб чиқарувчилар, ўз хўжалигида ер ва қурол-аслаҳа олишган ва оғир шароитда бўлишган.	
<b>Монархия</b>	Ҳокимият бир кишининг - монархнинг қўлида	The form of the state board at which the

	бўлган давлат тузуми ва шундай давлатнинг ўзи	Supreme power belongs to one governor (monarch), and also the state with such form of board
<b>Мафкура</b>	Муайян бир синф, ижтимоий группа ва ш. к.нинг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний-ахлоқий қарашларида ўз аксини топган дунёқараш системаси	The ideology is the concentrated expression of "spirit" of a certain civilisation
<b>стратег</b>	мил. ав. V Афина полисида олий расмий лавозим	The higher official in the Athenian policy in V century BC
<b>Комсетли –</b>	кичик ер эгалари ижтимоий жиҳатдан гебурларга яқин бўлишган.	
<b>Geopolitika</b>	Юнон тилидаги "geo" (ер) ва "политика"	from <u>Greek</u> γῆ ge "earth, land" and πολιτική politikē "politics"
<b>Determinizm</b>	Географик асосда жамиятдаги барча воқеа ва ходисаларнинг ўзаро алоқадорлигини, уларнинг сабабли боғланиши ҳақидаги таълимот.	a positive <u>emotional feeling</u> that involves persevering towards a difficult <u>goal</u> in spite of obstacles
<b>Масофавий таълим</b>	таълимни масофавий ўқитиш усул ва воситалари орқали ташкил қилиш шакли	a construction of building distancial study
<b>Масофавий таълим тизими</b>	масофавий технологияларни қўллаб масофавий таълимни ташкил этиш ва амалга оширишга жалб қилинган ўқув-тарбиявий, ташкилий, телекоммуникация, педагогик ва илмий манбалар мажмуаси	that is a system of a construction of building distancial study

<p><b>Масофавий ўқитиш</b> <b>Distancial studying</b></p>	<p>ахборот - коммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ташқиллаштирилган таълим шакли</p>	<p>that is a system of a construction of building distancial study using information technologies</p>
<p><b>Даосизм</b> <b>Taoism</b></p>	<p>қадимги Хитойдаги фалсафий оқимлардан бири</p>	<p>religious or philosophical tradition of Chinese origin</p>

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

#### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли

Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 792-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

21. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series A: Ancient. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 871 p.

22. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

23. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

24. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.

25. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.

26. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.

27. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.

28. Bunch B., Helleman A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.

29. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.

30. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Asia. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1241 p.

31. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Africa. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 903 p.



32. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
33. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
34. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
35. Grant E. A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
36. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.
37. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
38. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
39. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
40. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
41. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
42. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p. 193.
43. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
44. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
45. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
46. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
47. Thorndike L. A. History of magic and experimental Science. – New York: Columbia University Press, 2019. – 835 p. (Reprint).
48. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
49. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
50. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
51. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
52. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.

53. Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
54. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
55. Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. / А.Холлиев таҳрири остида. – Тошкент: Университет, 2010.
56. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
57. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1918 – 1945 гг. / под ред. Н.А.Родригес. – Москва, 2014.
58. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
59. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
60. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
61. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
62. Йегер О. Всемирной истории. Том 1. Древний мир. – М.: Directmedia, 2020. – 1044 с.
63. Йегер О. Всемирной истории. Том 2. Средние века. – М.: Directmedia, 2020. – 905 с.
64. Йегер О. Всемирной истории. Том 3. Новая история. – М.: Directmedia, 2020. – 809 с.
65. Йегер О. Всемирной истории. Том 4. Новейшая история. – М.: Directmedia, 2020. – 878 с.
66. Казакова В.Н. История средних веков. – Москва: Litres, 2018.
67. Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
68. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
69. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
70. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
71. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
72. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
73. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
74. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнида кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

75. Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.

76. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

#### IV. Интернет сайтлар

77. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

78. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

79. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)

80. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

81. <https://www.ucl.ac.uk/ioe/courses/graduate-taught/mathematics-education-ma>

82. <https://www.onlinestudies.com/Courses/Mathematics/Europe/>

83. <https://online-learning.harvard.edu/catalog?keywords=mathematics&op=Search>

84. <https://www.msu.ru/en/projects/proekt-vernadskiy/news/math-teachers-advanced-training.html>

85. <https://english.spbu.ru/education/graduate/master-in-english/90-program-master/2455-advanced-mathematics>